

# ЁШЛУК 2 '95





Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Таҳрир ҳайъати:

Одил ЁҚУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Ғаффор ҲОТАМ  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Алишер ТЕШАБОЕВ  
Муҳаммад ИСМОИЛ  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Аслиддин КАЛОНОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Дилшод НУРУЛЛОҲ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК —  
бош муҳаррир ўринбосари  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши расиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ  
Бегижон РАҲМОНОВ  
Тўра МИРЗО  
Аҳмад УСМОНОВ  
Эргаш РИЗАЕВ  
Ҳамроқул АСҚАРОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Абдушукур АШИРБОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали

© "Ёшлик". № 2 (144) 1995 й.  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Муқовада "Баҳор" рақс дастаси яккахон  
раққосаси Олима Ёқубова.

Назм

Рауф ПАРФИ.....	1
Исмат ХУДОЁР.....	10
Барнобек ЭШПЎЛАТОВ.....	29
Амир ХУДОЙБЕРДИ.....	35
Абдужаббор.....	40

Наср

Омон МУХТОР. Тепаликдаги хароба. Роман.....	3
---	---

Маънавият сарчашмаси

Ал-ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор.....	11
------------------------------------	----

Бевақт ўчган юлдузлар

Ғайбулла ас-САЛОМ. Тилак, тилагим... ..	Г7
Одил ҲОТАМОВ. Яшилликнинг узун умри.....	37

Тарихдан сабоқлар

Нарзулла АҲМЕДОВ.....	19
-----------------------	----

Биринчи учрашув

Акбаршоҳ.....	28
---------------	----

Тўқ мағиз

Жиль СЕСБРОН. Арзимаган нарсалардаги бахт.....	30
--	----

Боқий қадриятлар

Илоҳий ҳадислар.....	31
----------------------	----

Нафис мажлислар

Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА. Тамара ХУММАМАТОВА.....	34
--	----

Буюклик сийрати

Дейл КАРНЕГИ.....	36
-------------------	----

Жавобини топмаган жумбоқлар

Қанотсиз парвоз мумкинми?.....	41
--------------------------------	----

Жаҳон шеърини дурдоналари

Шарль БОДЛЕР. Ҳаётда бор ҳаётча имкон.....	42
--	----

Ўйлаб топилмаган воқеалар

Видеодан... гўмма.....	44
------------------------	----

Муқовасўз

Иби, "Ёшлик"ми?.....	
----------------------	--

Манзилимиз: 700017, Жавоҳарлаъ Неру кўчаси, 1-уй.  
Телефонлар: 33-40-83; 33-06-63.

Босишга 29.05.95 й.да рухсат берилди. Қоғоз формати 60Х84 1/8.  
Шартли босма табоғи 6,2. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,0. 10 000 нусхада  
чоп этилди. Буюртма 3639.

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб  
изоҳланиши шарт.


Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа консернининг  
босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.





Рауф ПАРФИ

# Асл ҳақиқатга, ҳақ йўлга бошла



Рауф ПАРФИ ХХ аср ўзбек шеърятининг забардаст вакилларида биридир. 60 йиллар бошида бир шаффоф булоқдек йўлга чиққан бу ёрқин, қуввайи ҳофизаси юксак шеър соҳиби бугунга келиб шеърятимизда ўзига хос мактаб яратди. Қуйидан ўрин олган унинг янги шеърлари Сизга гўзал ва мардона руҳ, рангин завқ бағишлашига ишончимиз комил.

## ЎТГАНЛАР

1. Қариган гул, чапақай хоним,  
Теваракка pista улашар,  
Тирсагимни чимдир жилмайиб.

2. Май бер менга, аччиқ шароб бер,  
Дўсти гариб хуш қол бу кеча,  
Юлдузларга сени топширдим.

3. Юлдузларнинг раҳми келади,  
Ой мўлтираб қарайди менга,  
Юзларимни силайди оғоч.

4. Сочимни юлади изгирин,  
Қорлар пичирлайди бошимда,  
Кўзимга санчилди исмингиз.

5. Нима қилдим сенга, бевафо.  
Нима учун типирчилайсан  
Жасадимнинг устида. Бас қил!

## АБДУРАУФ ФИТРАТ

Нега сени чулғаб олди бунча тиконлар?  
Нега чиқди юрагингдан юзга бу қонлар?

Абдурауф ФИТРАТ

1. Ажаб мудҳиш қаро тун кафан тутар,  
Бир замон тинмайди изгирар шамол.  
Дарё кўпирадир, одамни ютар,  
Ул гўзалдир, ул ирганчдир, ул-хаёл.  
Риёзат қамчиси каби савайдир  
Алкан ёмғир бузғун тани-зоримни.  
Улуғ Туркистонни кимлар севмайди?!  
Фиръавнлар севмас, менинг боримни.  
Фироқнинг нағмасин чалар най синиқ  
Исрофнинг ичиндан келар куй тутсам  
Тоғлардан, ҳув, чўккан тоғлардан тиниқ.  
Риёлар, ришватлар... Ўзни унутсам.  
Азон товушини тинглайман оғир.  
Туркистон. Қора тун. Шамол ва ёмғир.

2. Айтадир ой дардин булут қўйнида,  
Булутлар хурпайган, на-да қорадир.  
Дорлари муҳаққақ азлом бўйнида,  
Унутилган, хўрланган халқ борадир.  
Рақам қилди менга манфур жаҳолат,  
Алам ортган карвон борар мунгайиб.  
Уринадир, суринадир, бу ҳолат  
Фақат пайдо бўлур ва бирдан ғойиб.  
Фаришталар кўринар сочлари олов,  
Ивирсир арвоҳлар кўзи-қўли қон...  
Туркистон, Туркистон, мукаррам ялов...  
Рад этдимми сени, қолдимми бежон?  
Амалим шамлари сундимми, Она?  
Тилагим юлдузи тўндими, Она?



3. Айрилиқ шамшири бошимда синди,  
Борлигим чопилди, ичдим қонимни.  
Дунё тарихини ўқиб юкиндим,  
Уйқудан уйғотдим Туркистонимни?  
Ризқимизни ахир кимларга бердик,  
Ахир одам эдик муҳтож нотавон.  
Улар хирмон-хирмон, биз нушхўрд тердик,  
Фарёдимиз етиб бормас ҳеч қачон.  
Фалокат устига фалокат тутди.  
Интиқом, интиқом, дедим югурдим...  
Туркистон, Туркистон, Туркистон ўтди —  
Разолат қабринда бош эгиб турдим.  
Ай улуғ тоғларим, ай шонли Турон.

## БАРГРЕЗОН

1. Йиллар кўзимга сачради,  
Жигаримга ўт қўйди ойлар,  
Кунларимни санадим, сенсиз.

2. Шамолга осилиб яшадим,  
Мингга кирдим, чириди жиссим,  
Сўнгаларим оқарди қақшаб.

3. Дунёсига қуйдим қўлимни,  
Оёғимни босдим юзига,  
Қўзларини юмди бу дунё.

4. Бир пиёла май бер, азизим,  
Ичим ёниб битди, кул бўлдим,  
Чивгинларга тутдим ўзимни.

5. Қорларга кўмилди боғларим,  
Тоғларга чўкди осмон,  
Сен йўқсан. Сен йўқсан. Сен йўқсан.



## СЕНСИЗ

1. Совуқ, атроф темир. Қўлимни очдим,  
Елкамда чатнади қайноқ кўрғошин...  
Вайрона қатъридан кўкларга қочдим —  
Арзонга олдилар Мажнуннинг бошин.

Раҳмсиз оломон, сизга не керак?  
Англадим, жиссимни, руҳимни боғлар.  
Нидо келди менга, чирпанди юрак,  
Акс садо берди муқаддас тоғлар.



Фароғат зирваси. Олам — билгисиз.  
Охири сен келдинг. Хаёлга толдинг.  
Водий оғушида сўзсиз, белгисиз  
Аста одимлар-ла кўздан йўқолдинг.  
Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг?  
Оҳ, қандай яшайман сенсиз — севгисиз.

2. Соҳилда бир ўзим. Денгиз қоронгу,  
Елкансиз кеманинг ичинда шубҳам.  
Ваҳима шивирини, бўғзимда оғу,  
Ақлим бир фалокат сезадир мубҳам.

Ранги ўчган осмон хунук гулдирар,  
Аччиқ чирқирайдир номаълум бир қуш.  
Ва ёнимда қонли булоқ чулдирар.  
Атиргуллар, сенинг гулларинг беҳуш.

Феруза, зумуррад гулларинг пайҳон.  
Оҳ, тушдинг кемадан. Карнай чалдилар,  
Ва кўзга кўринмас қўллар шу замон  
Ағдардилар мени, кишан солдилар.  
Фарёдим ичимда, отма гулингни...  
Отма, ёлғизликдан — бахтли қулингни.

3. Сўлдирма гулингни, илоҳим, ёнсин,  
Еру осмон кўрсин кўз юммай бедор.  
Вақт — улуг ҳакам. Руҳинг уйғонсин.  
Асрий умидим—Сен. Сен борсан. Сен бор!

Ровийлар не учун? Ҳақ ва Ҳақиқат!  
Асирлик занжирин парчалаб ташла.  
Вужудингни ёқсин аламди фикрат,  
Асл ҳақиқатга, ҳақ йўлга бошла.

Фурсат ўтмакдадир. Вақт бу — беомон,  
Омонат дунёда омонат одам —  
Виждон шеваси бор, меҳроби иймон —  
Асл инсонларин чорлайди бу дам.  
Фалакка санчилик қолган кўзим бор,  
Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор.

## УЗОҚЛИКЛАРДА

1. Гичирлар эшикнинг занжири,  
Пичирлар дарчанинг қафаси.  
Совуқ қимирлади ўз кўрпам.  
2. Кўзимга бир юлдуз йиқилди,  
Эриди, айланди бир тошга,  
Тешиб ўтди кафтимни.

3. Эҳ, қандай кун эди, билман,  
Тош ойнага урилиб синди  
Учиб-учиб юрган мусича.

4. Саҳроларнинг подшоси қани?  
Қани вишиллаган ёвуз илонлар?  
Наҳотки бир ўзим қолдим саҳрода.

5. Соат синди, соатлар синди,  
Вақтнинг исканжасида.  
Ўлиб кетди соатсоз бевақт.

## УЗР

1. Душманимдир сиз билган каслар,  
Ялтоқланар ҳузурингизда,  
Майин, мойил сўзингиз учун.

2. Ўзимни кечирмайман, ё худо,  
Сизни кечираман ер ўпиб,  
Мен бермасман сизни ҳеч кимга.

3. Ғамлар чўқди менинг қалбимга,  
Ғамлар менинг дўсту ёримдир.  
Бу ғам ичра сиз йўқсиз холос.

4. Исфандиёр, дўстим, бас энди,  
Мен сизларни ташлаб кетаман,  
Мен сизгамайман энди дунёга.

5. Оғзимга лой чаплади тўнғиз,  
Бир ит ириллади ичимда.  
Кўрпамга эгилди бегона аёл.

## САДАҚА

1. Тиланчига садақа бермоқчи бўлдим, —  
Ҳеч вақо йўқ менинг киссамда —  
Вой, бечора, деди у кулиб.

2. Бунча ғариб бўлмаса бу қошона,  
Бунча хунук бу гўзал хоним.  
Нечун ҳеч ким ахлатга отмас.

3. Ерга ботиб кетди осмон,  
Бир жонзот қолмади ер гуноҳидан,  
Уятдан чинқираиб юборди Қуёш.

4. Нега шеър ёзасиз? Сўради ошнам,  
Нега шеър ёзмайсиз? —  
Сўрадим мен ҳам.

5. Ёлгон! Ҳаммаси ёлгон!  
Қўриб турибман —  
Елгоннинг умри узун.

## ҚОРА ДУНЁ

1. Уйғонмади тоғлар, дарёлар,  
Уйғонмади бу қора дунё,  
Уйғонмадим сенинг кўксингда.

2. Ёдингдами қандай тун эди,  
Сенга телмурардим соғиниб,  
Ширин ухлар эди болалар.

3. Мен нафас олмасдан югурдим, елдим,  
Музларнинг устида, пичоқ тигида,  
Сизнинг гуноҳингиз менман, онажон.

4. Ўтга шерик бўлдим, ёнмадим,  
Менга ҳайрон боқди оловлар,  
Ёниб битди ғазаби келиб.

## ТУШ

1. Тонггача суҳбат қурдим дарахтлар билан,  
Тушларимни сувларга айтдим.  
Кел, йўқ бўлиб кетма, дедилар.

2. Қайда қолди уй эгалари,  
Деразанинг маълум кўзи берк —  
Оғироёқ мусича хомуш.

3. Сўзламайман энди дейман — Сўзлайман,  
Сўзларимнинг ортидан кетавераман  
Қаро гўргача.

4. Нақадар қувончли куним букун,  
Атрофимда ҳамма бахтиёр,  
Чап томоним жизиллаб қўйди.

5. Мунча узоқ тикиласан, кучуквой,  
Ҳеч нарса бўлгани йўқ,  
Қуйинма, ҳаммаси ўтади.

## ТУН

1. Кўкларга ҳайқираман,  
Сувларга ҳайқираман,  
Топиб бер деб боламни.

2. Тун қўйнида яланғоч дарахт,  
Дарахтнинг сочлари оқарган,  
Илдизлари жунжикар, урён.

3. Мен сенинг ичингда кўмилдим,  
Тупроқ тортдим ўзимга ўзим.  
Қайдан келдим? Не учун келдим?

4. Кечмишимни нечун ўйлайман?  
Бу китобни қандай йиртайин?  
Сўнгаллари чириган китоб.

5. Бошимда бир ўлим бордир.  
Бир ўлим бор, севгили ўлим,  
Сизни кимга ташлаб кетаман?





## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Омон Мухтор ёш ёзувчилардан эмас, аксинча қариб-қартайиб тургани ҳам йўқ. Қолаверса, у ўттиз йилдан ошиқ ижодий тажрибага эга. Бу ёшда ижодкор халқи деярли ўзгармайди, ўзи топтаб очган сўқмоқдан четга чиқмайди, кўним топиб улгурган дунёқараши, ижод тарзи ва одатларига содиқ қолади. Шу боис улардан фавқуллодда нимадир кутишмайди.

Бироқ Омон Мухторда "ёшига ярашмаган" ўзгариш рўй берди. Бу дастлаб "Минг бир қиёфа" номли романида акс этди. Мана, "Ёшлик" эълон қилаётган "Тепаликдаги хароба" романи адибнинг кейинги йилларда адабий тажрибаларга жиддий киришгани шунчаки тасодиф эмаслигини кўрсатиб турибди.

"Тепаликдаги хароба" жуда оддий бир воқеадан — идорадан ўн кунга, деб ҳашарга юборилган, бироқ белгиланган вақтда ваъдага кўра алмаштириш учун ўрнига бошқа ходим юборилмай, хуноби чиққан бир кичик одамнинг ташвиши билан бошланади. Ўша — бизга таниш — пахта компаниялари замондаги социал адолатсизлик. Шундай бошланган асарни, биздаги ижтимоий романчиликнинг аксарият намуналаридан келиб чиқиб, охиригача нима бўлишини бичиб-тўқиб ё тасаввур қилиб кўриш қийин эмас.

Чунки бизда романлар онда-сонда яратилади, асосан ёзилди, кўпинча тўқиб-бичилади. Эртақ тўқилгандай, гилам, пайпоқ тўқилгандай. Шундан улар бир-бирига қуйиб-қуйгандай ўхшайди — бир жуфт пайпоқ дейсиз, қайси чапи, қайси ўнги ажратиб бўлмайди.

"Тепаликдаги хароба" — Исмоил Сомоний, сомонийлар даври, сулоласи ҳақида. Яна: Лутфий, улур шоир севгилиси — Муҳаббат ҳақида. Ғарбдан ҳам буюклар учрайди роман саҳифаларида. Масалан, Жорж Гордон Байрон. Уларнинг би: билан-билмаган ишлари, ўқиган-ўқимаганимиз газал ва мисралари келади...

Яхши-да, кўзини ёғ босган аллақандай амалдорнинг ноҳақликларини ёзувчи билан қадам-бақадам фош этиб, очиб ташлаб, яна фош этиб, боз очиб ташлаб... 300-400 саҳифали зерикарли "мушук-сичқон" ўйинидан кўра.

Омон Мухтор замон ва узоқ тарихни рамзлар, тимсоллар орқали яхши боғлаган. Тепаликдаги Хароба тўқайзор ўртасида. Қаҳрамон ҳарчанд Қиблага йўналмасин айланиб Харобанинг рўпарасидан келади.

Ҳа, бу Одам Атодан қолган бандан мўмин, бу ўша Эски Уй... Йўл юрган сайин айланиб рўпарасидан чиқаверади. Бошидан замонлар кечади, буюклар келиб кетади хаёлидай, хотиралар ва фақирона турмуши, ҳомиладор аёлнинг ташвиши... Ўзини ўнглаб ололмай, уйқусида босинқираб ётган кишининг алоқ-чалоқ тушларидай...

Ҳаёт — узун туш, дейди Артур Шопенгауэр. Турмуш воқеалари ва туш кўриш айна битта китоб саҳифаларининг мазмунидир, биз уни изчил ўқиймизми ёки беҳудага varaқлаб, у ер бу ерини шунчаки чўқилаб ўтамизми, фарқ шунда.

Ҳақиқатнинг ўзи бўлмасаям, шунга яқин. Бироқ одам боласи ўша китобни varaқлашдан бахтиёр ва айлани пайтида шунга маҳкум ҳам. Унинг иши Тепаликдаги Хароба, ҳар қалай Тепаликда, бироқ Хароба; тўрт томон тўқайзор, ичида қаҳрамон "Мирза Ғолиб тушдагидай кезинади ивирсиб. Катта Йўлга йўл излайди, бу узун туш ичида оломон ҳам юради: "Бизга ё ҳақим, ё ҳақам керак!" дейди сарғардон тўда. Поладай чангитиб бир ёқдан келаётир, бир ёққа кетаётир, дарёдай оқиб, бироқ қирғоғи йўқ. Тузукроқ қаралса айланиб ётибди, чархпалакдай... сарсон-саргардон. Мирза Ғолиб улардан биттаси, каттартириб кўрсатилган зарра.

"Тепаликдаги хароба"да менга муаллифнинг умумлаштириш тарзи маъқул бўлди. Умумийлик — модернизм санъатига хос хусусият. Бироқ бу жараён Ғарбда юз йил бурун бошланган, ўшанда асримиз бошидаги "Ғарб буржуа" адабиётида реализм устунлари қўлай бошлаган эди... Бироқ Омон Мухтор бу эски янгиликлардан қанчалик хабардор, менга қоронгу. Унинг янги романи кўпроқ шарқ ривоятларига яқин, демак, ўзимиздан ўзимиз ўргансак, таъсирлансак ҳам бўларкан. Бунга энди рухсат бўлаётганини ҳам ҳисобга олиш керак, албатта.

"Қиссадан ҳисса шулки...", "шундай қилиб мурод-мақсадига етибди" қабилдаги шарқона содда фалсафа ва ҳаётбахш хулоса бу романига бегона эмас. Бу ҳам муаллифнинг тафаккур тарзи, ҳикоя қилиш услуби қадимги ёзма ва оғзаки адабиёт аъёналарига уйғунлигини кўрсатади.

"Тепаликдаги хароба" романи Омон Мухтор ижодида жиддий тажриба, ҳозирги ўзбек насрининг ютуғи, адабиётимизда шакл ва мазмун борасида бошланган изланишларнинг умидбахш нишончаси.

Аҳмад ОТАБОЙ.

## ВОҚЕА ИШТИРОКЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Бу эртакми, афсонагами ўхшаган воқеа бир кунлар чиндан рўй берган: аммо қизиқ жойи, турли даврда яшаган ҳар хил тоифадаги кишилар иштирок этишган эди.

Воқеани ҳикоя қилишдан олдин улар билан юзакироқ бўлса-да, танишиб олишга тўғри келади.

1. Мирза Ғолиб. Ёши 30 га яқинлашган бу йигит минглаб одам кириб-чиқадиган бир идорада хизмат қилади. Болалиги Бухорода ўтган. Тарих, айниқса, Бухоро тарихи билан қизиқади. Уйланган, лекин ҳали фарзанд кўрмаган.

2. Мастура — унинг хотини. 25 ёшда. Мактабни битирганидан буён фабрикада ишлайди. Сўнгги пайтлар таътилга чиққан.

3. Мардонқул ака. Мирза Ғолиб хизмат қиладиган идорада Бош раҳбар. 60 ёшлардаги сипо киши.

4. Тенглаш ва Ҳажимжон. Мирза Ғолибнинг ўртоқлари. У сингари идорада оддий хизматчи.

5. Лутфий. 1366-1465 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

6. Бобораҳим Машраб. 1657-1711 йилларда яшаб ўтган буюк ўзбек шоири.

7. Жорж Гордон Байрон. 1788-1824 йилларда яшаб ўтган буюк инглиз шоири.

8. Амири саъид Абул-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил Ас-Сомоний. 905-943 йилларда яшаб ўтган бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи.

9. Бир тўп эзгу, жафокаш кишилар.

10. Бир тўп ёвуз кишилар, жаллодлар ва жинойтчилар.



Омон МУХТОР  
Роман.





## ВОҚЕАНИНГ БОШЛАНИШИ

Мирза Ғолибининг ҳаёти бир маромда давом этаётган эди.

Унчалик бир маромда ҳам эмас-ку, ортиқча ташвиши йўқ эди. Аксинча, қандайдир суюнибми, кўкси кўтарилибми... ишга бориб, уйга қайтар, хотини уйда эканлигидан, баъзан туш пайтларида ҳам мўралар, умуман... ўз кунини кўриб юрган, ўз тирикчилиги билан банд эди.

Шундай кунлардан бирида, кутилмаганда, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди.

Уни Бош раҳбар ҳузурига қаҳиртиришди.

Кенг-мўл хонани эгаллаган Бош раҳбар, Мардонқул ака, ажиб хушxabарни билдирмоқчидек, унга илжайиб қаради.

Кейн...

— Ҳашарга одам юборган эдик. Биласиз! — деди барча Бош раҳбарларга хос меҳрибонлик, самимий оҳангда. — Кеча қайтиб келишди... Яна беш-ўнта одам сўрашяпти!

— Мен ишдан қочмайман, Мардонқул ака. Жоним билан! Лекин ҳозир боролмайман, — деди Мирза Ғолиб.

— Нега?! Нима учун?!

— Уйда хотинимнинг ой-куни яқин. Қарайдиган одам йўқ.

— Барибир, бориш керак, — деди Бош раҳбар. — Вақтинча борасиз. Уртоқларингиз бугун-эрта дам олишдан қайтади, ўринингизга биронтасини жўнатаман!

— Мен ҳозир бормайман. Керак бўлса, аризам тайёр, майли, бўшатинг, Мардонқул ака. Лекин бормайман! — қайсарланди Мирза Ғолиб.

Бош раҳбар ҳамон босиқ, осойишта эди.

— Сиз гапга тушунмаясиз, — деди кўлимсираб. — Ҳозир бориш шарт. Мендан талаб қилишяпти... Мен сизга ваъда бераман. Уч кун, узоғи билан бир ҳафта ичида, албатта, одам юборамиз!

\*\*\*

Мирза Ғолиб ортиқ эътироз билдирилмади.

Мастура уйда ёлғиз эди.

Одатда, одамлар тўйга олдиндан тайёргарлик кўришади. Кексалар кўпчилик ҳатто ўлимнинг ҳам ташвишини қилишади. Янги инсон тугилаётган экан, бу хонадонда ҳеч қандай тадорик кўрилмаётган эди-ми?!

Чақалоқча чакмонча, дегандек нималардир харид қилиб, бичиб-тикиб, эр-хотин аллақачон гимирлай бошлашган эди. Лекин ёшлари улғайиб қолганига қарамай, улар биринчи фарзанд кўришаётганидан, шу кунлар бир ишқал чиқиши мумкинлиги-ю, қарайдиган одам кераклигини инобатта олишмаган эди.

Тўғри, Мирза Ғолиб бу ҳақда ўйлаган ҳам эди. Аёл енгил бўлаётиб, бир ўлимга юзлашади, дейишади. Бунни у яхши билмаса ҳамки, тушунар, тасаввур ҳам қилар эди. Аммо унинг ойиси Бухорода, кекса, касалманд, опалари ўз-ўзи билан овора. Мастуранинг ойиси эса, болалигида қаза қилган, кекса отаси, икки акаси бор... Янгалар-чи?! Мастура уялган, бошқа ваджданми?! — уларни қаҳирини истамаган эди.

Қисқаси, Мирза Ғолиб Бош раҳбарнинг сўзига ишониб, хотинини ҳам ишонтириб, шунинг баробарида, бўйнига арқон солингандек, мажбур бўлиб, — уйдан кўнгли нотинч, икки кўзи ортида, — эртаси куни шаҳарни тарк этди. Қирққа яқин киши сафида ҳашарга жўнади.

\*\*\*

Бундан бир неча йил муқаддам даштда ташкил топган, ярим хўжалик, ярим кўриқхона вазифасини бажарган жойнинг номи — Бог; ўнлаб фарсаҳни эгаллаб ётар эди. Дарахтлар унда-бунда бетартиб бўй чўзган, улар орасидаги майдонлар тўқай бўлиб кетган эди. Ҳар фарсаҳда лойшувоқ қилинган икки ёки учта бостирма, узун, кенг айвон. Бостирмалар ҳашарга келганлар учун қўналға, ёғоч ва қалин қоғоздан ясалган қутилар уюлган айвон мева саралаб, узоқ-яқин турли ёққа жўнатадиган хирмон; шу ерлик хизматчилар қароргоҳи эди. Чексиз тўқайзор ичида бундай бостирма айвонлар уммондаги номи бўлган-бўлмаган кичик ороларни эслатар эди.

\*\*\*

Богда ёрдамчилар учун шароит ёмон эмасди. Умуман, бу ер жаннат эди.

Гуруҳларга бўлинганча, нарвон, челақ кўтариб, эрталаб бир оз, кеча томон бир оз мева териш керак, холос. Кун қизиганда ётоқхонага қайтиб, бемалол ҳордиқ чиқарасан. Кечқурунлар ҳам, катта-катта пашшалар, минг хил ўрмалаган ҳашоратларни айтмаганда, тип-тинч, дам олишдан бўлак иш йўқ.

Наҳорда қаймоқчой. Икки маҳал иссиқ овқат. Мева-чева истаганча, ачиб ётибди. Булар бари етмагандек, уларга ҳали иш ҳақи ҳам тўлашади! Бу ерда ҳамма дўпинни қийишқ кўндириб юрибди!

Бироқ...

Мирза Ғолиб ҳашарга келганидан буён, безовталаниб-тўлганиб, кун санар, ўртоқларининг қораси кўринармикан, деб атрофга аланглар эди.

Уйда аҳвол қандай?! Нима гап? — у билмас, идорадан нега одам юборишмаябди?! — тушунмас эди.

Ана-мана биронтаси келади, деб кутиб, у чарчаган эди.

Орадан йигирма кун ўтиб...

Унинг ўрнига ҳеч ким келмади!

Идорадагилар Мирза Ғолибни "унутишган" эди!

Аввалдан унга нисбатан номардлик қилинган эди!

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

### ТУН БИЛА ТОНГ

*Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг заволимун онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг куюк моҳим, онинг ҳилоли тун била тонг,  
Менинг фироқиму онинг восоли тун била тонг,  
Бу нав даҳрда йўқ эҳшимоли тун била тонг.  
Нечун тушунтира олдим бунни гумон элига,  
Ҳақиша ишқни қилгувчи имтиҳон элига,  
Ки бирни икки дейиб бўлмағай замон элига,  
Ғариб, зулфу юз эрмас бу кун жаҳон элига,  
Кўримаммиш бу иккининг мисоли тун била тонг...*

Ғафур ҒУЛОМ

Алишер Навоий ғазалига мухаммасдан.

Кун ёришаётганида у қўналғани орқада қолдирган, тўқайзорга шўнғиган эди.

Унга, тўғри қибла тарафга қараб бирон соат юрсанг, катта йўлга чиқиб оласан, кейин ишинг осон кўчади, дейишган эди. У катта йўлда қандайдир улов топилса, миниб, Бозор деган жойга етиб бориши, у ердан автобусда жўнаши керак! — шуни мўлжаллаган эди.

Аслида, тўқайзорни ораламасдан, катта йўлга қўналға олдиндан ўтган тупроқ йўлдан юриб ҳам чиқса бўларди. Лекин бу йўл айланма, тўрт-беш ҳисса узоқ, бунга унинг сабри етмаган эди. Мева ташигани уч кунда бир қатнайдиган юк машинасида осонгина Бозоргача етиб олса ҳам бўларди. Аммо машина кеча эрталаб келиб-кетган, икки кун кутишга унинг айниқса, сабр-бардоши йўқ эди... Тунда хотинини туш кўрган, ўридан салчиб туриб, мени осса оссин, бўлди, кетаман, деган қарорга келган эди.

Мана, энди тўқайзорда судралиб бормоқда, бироқ орадан аллақачон уч-тўрт соат ўтиб, қуёш борлиқни ёндира бошлаганига қарамай, тўқайзорнинг негадир охири кўринмаётган эди.

Адашдими, бошқами?! — барибир, у — елкасида тугун, қўлида халта, — ҳамон қибла тарафга қараб, азобланиб олдинга сурилмоқда; бу жойлар — номи Бог бўлгани билан, — дарахтлар говлаб тиқин ўсган ёввойи ўрмонзордан баттар, ўрмонда юриш мумкин, бу ерда йўл топиш ўлимдан қийин. Бош устида — рангсиз осмон, қаршингда битта-яримта симёғочга ўхшаб қаққайган дарахт. Бўйи-бастинг июн ҳайкалларидек бўлган тақдирда ҳам, тўқайзорда кўмилиб-йўқолиб кетасан.

Хитирлаб-шитирлаган илонми, қорақут, тулкими, қуён?! Визиллаб-чизиллаган минг хил товуш. Оёқ остида, атрофда ўрмалаб-гимирлаб юрган нима?! — ажратолмайсан. Пашша, чумоли чаққани — гўрга, аллақандай зарралар унинг юзи, бўйни, қўл-оёқларига чиппа ёпишган, кўзлари ачишиб, бутун бадани қичимокда эди.

Турли насл, турфа ранг-тусдаги қушлар, арилар, капалаклар гоҳ тўқайзорга шўнғиб, гоҳ шошганча ҳавога кўтарилишади. Уларнинг барини ҳаммадан кўпроқ тўқайзордаги одам ҳуркитиб, безовта қилгандек...

У йўл қисқариши ўрнига узайгандан узайиб бораётганига ажабланмоқда, шунинг баробарида, гўёки ҳаётида кўрган бутун хасталиклар вужудида қайтадан кўзголиб, олдинга қадам босгани сайин лоҳас бўлмоқда эди.

Ҳар дам-ҳар дамда ўзича, беихтиёр:



— Мастуржон! Мастур! — деб ингранар эди.  
"Мастуранинг кўзи ёридими?! Қутулиб олдимми? Ким?  
Ҳозир она қайси ҳолда-ю, боласи қайси ҳолда?!"

Илк дафъа оталик насиб этаётган ёки этган Мирза  
Ғолибнинг уйдан узоқда, аллабир ёқларда тентираб юргани  
инсофданми?! Борғач, Мастуранинг юзига қайси кўз билан  
қарайди-ю, вақти келиб, улғайган фарзанди юзига қайси кўз  
билан қарайди?!"

Тунда кўрган туши унинг хаёлида қотиб қолган эди.  
Эмишқи...

Бир томон — осмонга тик санчилган тоғ. Иккинчи томон  
— қалин қамиш ўсган кўл.

Шу икки ўртада у ҳолсизланиб, кўксини ерга бериб  
ётибди.

Кўлда қамишларни оралаб, қандайдир ораста қайиқ сузиб  
бормоқда. Қайиқда — Мастура. Юзини буриб, унга негадир  
тескари ўтирибди.

У қўлини сувга солганча юзини чайиб, ўрнидан сапчиб  
тургиси, қайиқ сари отилиб, қайиқни тугтиси келмоқда. Аммо  
ётган жойида, сувга қўл чўзишга ҳам мажзоли етмабди...

Қўналгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан  
буён Мирза Ғолибнинг кўнгли гаш, шундай бир хаёл уни  
эзмоқда эди:

Мабодо идорадан вақтида унинг ўрнига одам юборишиб, у  
бемалол уйига қайтаверса, олам гулистон эди! Рухсат  
текканидан унга ҳеч ким ҳеч нарса демас, орада ноқулайлик,  
эътироз бўлмас эди! Ҳозир-чи?! Шаҳардан у билан бирга  
ҳашарга келган қирққа яқин киши инқиллаб-синқилламаздан,  
бўйинларига юкланган вазифани бажариб юришганида, унинг  
ўз ташивини ўйлаб, яна шартта шаҳарга йўл олгани, албатта,  
яқши эмас. Ҳашар — тўй, буни тушуниш керак! Кўпчилик —  
жамоа деган гап, ҳисоблашишга мажбурсан! Ахир, сендан  
бошқа йигитларнинг ҳам уйи, хотинчаси бор... Мирза Ғолиб  
инжиб-эркалик қилганга ўхшаб  
турибди! Лекин... Лекин...

Дунёда бир одам бахтли  
бўлмас экан, ҳар қандай жамоа-  
нинг падарига лаънат!

Шу тўғрида у хаёлга чўмган  
эди.

"Менинг кутилмаганда осой-  
ишталигим бузилиб, шу кунлар-  
да бу ўпқонга тушишим  
шартмиди?! Қаёқдан ҳам бундай  
чигал шароит, бемаъни савдога  
йўлиқдим?! Худойим, бундан  
бўлак мен учун имтиҳонинг  
йўқмиди?!"

Энди ярим кун ўтиб, қуёш  
тик қадала бошлаган эди. Айни  
ёз. Борлиқ аланга ёқиб, жонзот-  
ки бор, қозонига солганча,  
қовурмоқда.

Бироқ Мирза Ғолиб асабийлашиб-қайсарланиб, тўқайзорни  
бирдек чангитмоқда. У ўнгу сўлга оғмасданми ёки оғиб-бекор-  
данми, назарида, минг йил азобланиб йўл босганидан, ниҳоят  
тинка-мадори қуриган, ҳаётида юз берган хасталиклар энди  
дам сайин олдинидан кўпроқ хуруж қилиб, унинг қорни,  
биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Шу боисдан,  
у дам сайин ўз-ўзидан ҳам, идорадагилардан ҳам кўнглида  
норозилик туймоқда эди.

"Одам эмас экансиз, Мардонқул ака! Ахир, сиз минглаб  
кишининг бошида турибсиз. Халқ оғзингизга қарайди! Субут  
деган нарса қаёқда қолди?! Сиз хўжайин эмас, оддий қулсиз.  
Катталар кўзига жавдираб қараб, хавотирда яшайсиз... Жамоа,  
деясизми?! Қуллар, демайсизми?! Мен ҳам қулман... Ҳаётим,  
бисотимда йўқотадиган арзирли ҳеч вақо йўқ-ку, сиздан,  
кўпчиликдан, бутун дунёдан кўрқиб яшайман! Бўлмаса...  
аввалдан бу ерга келмас, келган тақдирда ҳам, сизнинг  
гапингизга лаққа ишониб, роппа-роса йигирма кун қўл  
қовуштириб турмас эдим! Аллақачон ўз йўлимдан кетаверар  
эдим..."

Ҳозир, айниқса, Мирза Ғолиб, идорадан ўртоқлари —  
Тенглашми, Ҳакимжонми — нега, мана, биз бормиз, сен  
кетавур, деб уни эслаб, тезда етиб келишмаганига тушунмаётган,  
кўнглида уларни кечирмаётган эди! Булар менинг  
аҳволимни ҳис этишлари керак эди, булар менга дўст эмас  
экан, деб ўйланмоқда эди. Шу кунлар агарда Тенглаш билан  
Ҳакимжон эмас, Лутфулла бўлганида, мени бу ҳолга ташлаб  
қўймас эди... Лутфулланинг болаликдан бирга ўсгани,  
Тошкентга бирга келиб, ўқишга киролмай қайтиб кетгани,  
кейин аскарликка жўнагани — барчаси унинг хаёлида  
жонланган эди...

Тўқайзорда Мирза Ғолиб шу тахлит судралиб бор:  
бехосдан тўхтади.

Тўқайзор тугамаган, у катта йўлга ҳам чиқиб олмаган эди.

Бироқ унинг рўпарасида ўрмонзор ичидаги сайхонликка  
ўхшаш катта бир майдон очилган эди.

Майдон ўртасида — тўнтарилган қозондек дўппайиб турган  
тепалик.

Тепалик устида — бузилган бир-икки иморат, улар  
орасида бузилмаган бир уй, лекин бу ҳам хароба — гиштлари  
тўкилиб, захдан кўкариб кетган.

Мирза Ғолиб этақдан тепаликка тараддуланиб-ҳоргин кўз  
ташлаганича, оёқ остида сочилиб ётган катта-кичик тошлардан  
бирига келиб ўтирди. У биринчи навбатда ўзининг аламдийда-  
абгор жисми-жонига жилла ором бермоқчи, нафас ростлаб  
олмоқчи эди. Шунинг баробарида, уйдан кимдир чиқса ёки уй  
олдида биров кўринса, катта йўлга қандай чиқиш тўғрисида  
сўрашни ўйлаётган эди.

Афтидан, бу уй ҳам, деворларида янтоқ ўсганига қарамай,  
"уммондаги оролар"дан бири эди. Аммо харобанинг ёрдамчи-  
лар учун олатдаги қўналгами, овчилар оромгоҳими ёки  
қўриқхона хизматчиларидан кимнингдир турар жойими экан-  
лигини айтиш қийин эди.

Қандай бўлмасин, Мирза Ғолибга бино шаҳардаги бир  
кунлари ўзи ётган касалхоналарни эслатган эди.

Унинг болалик, илк ёшлик йиллари дард нима, беморлик  
нима?! — билмай ўтган, бундан беш йил муқаддам  
дабдурустдан, — кўчада кетаётиб қоқилиб тушган кишидек, —  
у жисми-жони борлиги-ю, улар оғриши мумкинлигини  
англаган эди. Ўшанда Мирза Ғолиб бир йилда икки марта  
"қоқилган", худонинг касали кўплиги, одамлар нақадар оғир  
шароитда даволашмаётганининг ҳам тавоқи бўлган эди!

Дастлаб Мирза Ғолибни бир қаватли пастак иморат,  
торгина йўлак, етти-саккизта хонадан иборат касалхонага  
ётқизишган эди. Пахта пайти, лекин негадир одам ёзилган,  
хоналарда камида йигирматадан киши ётар эди. Бу — инсон  
шифо топадиган даргоҳдан кўпроқ  
қатагон даврларидаги қамоқхоналарни  
эслатарди.

Иккинчи марта у каттароқ касалхона  
нада ётган, бироқ буниси ҳам олдинги-  
сидан кескин фарқ қилмас эди.  
Гиштдан тикланган икки қаватли бино-  
нинг деворлари увадаланиб-тўзиган.  
Тепада зангор кичик бир қубба, одам-  
лар аслида бу ер черков учун қурил-  
ган, дейишар эди. Уруш йилларини,  
бир пайтлар бу ерда казарма ҳам  
жойлашган экан. Бино борасида яна,  
буни шведларми-олмонликларми қур-  
ган, деган гапни ҳам айтишарди... Бу  
касалхонада, ҳар қалай, хоналарда  
беш-олтитадан одам ётар эди. Лекин  
кана, сувараклар — майли, сичқон,  
каламчулар бемалол сакраб-ўйнаб  
юришар эди. Улардан биров ҳазар ҳам  
қилмасди! Эркак-аёл ташқари чиқади

ган, ўзини эплайдиган хона — бир. Қўл ювгичда идиш-товоқ  
ювилар, таҳорат оладиган кексалар оёқларини ҳам кўтариб  
юраверишар эди...

Ўшанда Мирза Ғолиб ҳали орадан икки йил ўтиб, бундан  
қаттиқроқ "қоқилиши", йиқилишини билмас, қисматида бундай  
кун ёзуғлиқ эканлигидан беҳабар эди! Бу гал у руҳи чўкиб,  
юрагиде лапиллаётган шам сўна бошлаб, шундай ҳолатга  
тушган эдики... Унинг ҳамон буни эслагиси, бу ҳақда ўйлагиси  
ҳам келмас эди!

Мирза Ғолибга умуман, баҳона қидиргандек, бирон жойда  
соғлом эмаслигини пеш қилиш — ёт, унинг учун бу — йигит  
кишига номуносиб эди. Идорада ҳам, кундалик ҳаётда ҳам у  
ишдан-ташвишдан ўзини четга олмайди! Мана, шу кунлар ҳам  
Мастурадан хавотирланиб, аввалдан унга нисбатан номардлик  
қилинмаса, Мирза Ғолиб қанча ҳашар бўлса, миқ этмай  
юваверар эди...

Қуёш зўр бериб, осмон танобини тортмоқда.

На паст, на тепаликда бирон одам қораси кўринади.

Мирза Ғолиб гўёки бўм-бўш олам билан юзма-юз қолгандек  
эди!

У ўтирган ўрнидан узилиб, энди тепаликка кўтарилишга  
шаҳдланган эди...

Қаёқдандир пайдо бўлган — юнги пахмайган, айниқдек ит  
тепаликдаги бино эшигида уймалаша бошлади.

Мирза Ғолибнинг, тўқайзорда судралаётиб, ҳаммаёғи  
шилинди қонаган, усти ҳам бир ҳолда эди. Гадоғга ўхшаган бу  
намойишда ҳар қандай қобил ит ҳам сенга ташланади, деган  
хаёлга борди. Аммо вақт ўтмоқда, унинг бошқа иложи йўқ эди.  
Муттаҳам-ўғридек бунча итдан кўрқмасанг, деб ўз-ўзидан  
кулиб, у қўлига калтак олганича, ҳассага суянган бир қўлда  
тепаликка кўтарилди бошлади.

Йўқ, ит унга ташланмади.

Аксинча, тепаликнинг бошқа томонидан пастга эниб,  
харобадан орқа тарафга қараб кетди.

Мирза Ғолиб бинога яқинлашиб, эшикни тақиллатди.





Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади.

Зарб билан қаттиқроқ тақиллатди.

Яна жавоб бўлмади.

Мирза Ғолиб эшикни туртган эди, шиг этиб очилди.

Торгина даҳлизда деворда осиглиқ, чанг босган эски бир пўстин, анчадан буён сув кўрмай ичи оқариб қолган иккита челақдан бўлак нарса йўқ эди.

Мирза Ғолиб хонага кирди.

Хона тўрида қандайдир олачалпоқ парда тортилган эди.

Дераза остида — бир неча сопол кўза, лаган, коса.

Уртада — пастак хонтахта.

Девор томонда — тахта-тўшак.

Мирза Ғолиб шошилмасдан қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйганича, қайтиб ташқарига чиқди.

У, ахир, кимдир келиши керак-ку, деб ўйлаб, интиқ кута бошлади.

Ҳадеганда ҳеч ким келмади.

Мирза Ғолиб бир кўнгли бу ерда имиллаб вақтни ўтказиб ўтирмай, яна йўлда давом этаверишни ўйлади. Лекин кун қариб, қуёш энди уфққа ёнбошлаган, тўқайзорга ўзини шунчаки уришда маъно кўринмаётган эди. Бунинг устига, унинг қанчалик ичи пишаётган бўлмасин, йўл босадиган кучи ҳам, ҳафсаласи ҳам қолмаган эди. У ҳозир уммонда қўлига илинган тахтага ёпишиб олган кишини эслатарди.

Кун зое кетганига беихтиёр ўқиниб, хонага кирганида, олачалпоқ пардага кўзи тушиб, ҳар хил ашқол-дашқоллар ётган бўлса керак-да, деган гап хаёлидан кечди. Шу билан бирга, демак, бу эгасиз, ташландиқ жой экан, деган хаёлга ҳам борди.

У мана энди чидамсиз даражада очиққан, чанқаганини пайқайди.

Қўналгадан чиқаётиб, қўлидаги халтага уч-тўрт кесим нон,

бир неча олма солиб олган эди.

Тезда Бозорга етиб бораман, деб ўйлаганидан, ҳар эҳтимолга қарши шундай қилган, бошқа бирон нарса олишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Саҳар-мардонда бунинг имкони ҳам йўқ эди.

Тахта-тўшак четига ўтириб,

халтадан бир кесим нон, иккита олма олганича, шошмасдан кавшана бошлади.

Шу аснода, Мастура ҳозир тугруқхонадами, уйдимикан, тинчмикан, нима қилаётган экан, деб ўйлади.

Кейин, Бош раҳбарни эслади.

Кейин, Тенглаш билан

Ҳақимжонни ҳам эслади.

Яна Лутфулла унинг ёдига тушган эди...

Лутфулла — Мирза Ғолибнинг дўсти, Мирза Ғолиб ҳам унга дўст эди.

Лекин улар бир кўчада ўйнаб-ўсган, бирга ўқиган бўлишса ҳамки, Мирза Ғолиб Лутфуллага "кечроқ" аҳамият берган, юрагида унга нисбатан аста-секин меҳр уйғонган, мана, энди бу меҳр азобга айланган эди...

Лутфулла аввалдан — хаёлпарастми, фидойими?! — бошқача эди. Дейлик, кўчада кетяпти. Совуқ. Бир чеккада дийдираб ўтирган тиланчини кўриб, шартта эғнидаги тўнини ечганича, бу сизга деб, ташлаб кетаверади! Унинг яқин кишиларга муносабатини шунга қараб тасаввур қилаверасиз!

Адабиётни яхши кўрар, кўп китоб ўқир, мактабни энди битирган, ҳали бирон жойда жиддий таълим олмаган Лутфулланинг билими, ақли-заковати, айниқса, кишини ҳайрон қолдирар эди. У ўтмиш шоирлардан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар, пайти келиб, Лутфий тўғрисида, албатта, китоб ёзаман, деб орзу қилар эди. Лутфуллага олимлар адабиёт тарихидан ёзган китоблар бир хил, жўн, зерикарли бўлиб туюлар, унга ҳозиргача адиблар тарихга бағишлаб ёзган китоблар ҳам унча ёқавермас эди. Мени маълум даврда юз берган воқеалар эмас, инсоннинг кўнглидан кечган тарих, яширин, кўзга дарҳол ташланавермайдиган таржимаи ҳол кўпроқ қизиқтиради, дер эди...

Тепаликдаги харобада, тахта-тўшак четида ўтирган Мирза Ғолиб, шулар хаёлидан ўтганича, чуқур хўрсинди.

У болаликдан номини эшитиб юрганга қарамай, ўсмирлик, илк ёшлик даврида ҳам Лутфийни билмас эди.

Тўқсон тўққиз йил умр кўрган Лутфий ҳаёти Ҳиротда кечган. Ҳирот, Марв вилояти, Балх, Эрон, Афғонистон, Туркистоннинг бир қисм ерлари қараган, кейинчалик йўқолиб кетган — Хуросон мамлакатидан ташқари, у Исфажонда, Ироқда, Форсда бир неча марта бўлган, аммо қаерга бормасин, тез орада яна Ҳиротга қайтган эди. Умуман, гўшанишин — умрини ўз уйида ўтказган киши эди.

Бироқ, Амир Темур ва Темурнинг фарзандлари даврида ҳаёт кечирганидан, Лутфий бевосита улугвор бир салтанатга

дахлдор бўлган эди. У Хуросон билан бирга, Эронни, Туронни ҳам, Арабу Ажам, Ҳиндистонни ҳам ўз юрти, деб билар эди! Лутфий тўғрисида: "Форсий ва туркийда назирю йўқ эрди; аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди!" ёки баъзан: "Латиф ғазалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдур!" — дейилса ҳамки, аслида, у Темур эгаллаган бутун сарзаминни, — олимлар айтмоқчи, қалам билан забт этган эди...

Мирза Ғолибга буларнинг барини дастлаб Лутфулла сўзлаб берган эди.

Мана, бу ҳикоятни ҳам у Лутфулладан эшитган эди.

Алишер Навоийдан: "Туркиёй шуародин, — улча шеърлари рўзгор саҳифасинда сабитдур, — қайси яхшироқ айтмоғига бегонурсен?!" — деб сўрашибди. Насимий, Отойи, Яқиний, Гадоий — кўпчилик шоирларни кўзда тутиб, шундай савол беришган экан! Одоб юзасидан Алишер: "Барча яхши айтибдурлар, мен бегонадурмен!" — деб жавоб қилган, лекин саволни қайтаришгач, Навоий: "Мавлоно Лутфий ҳало мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва Малик-ул каломидур!" — деб таъкидлаган экан...

Булардан ташқари, яна — Лутфулла орқали, — Лутфий ҳаётига тегишли муҳим бир гап Мирза Ғолибнинг хотирасида сақланиб қолган эди.

Амир Темурга эҳтиром юзасидан, унга бағишлаб ёзилган бир китобни Лутфий, кўп йил азият чекиб, форсийдан туркийга ўтирган эди. Айниқса, Темурнинг фарзандларидан — Шохруҳ Мирзо, унинг ўғли Бойсунгур, набираси Алоудавла билан Лутфийнинг яқинлиги бор эди... Бир кун Лутфий Бойсунгур Мирзонинг илтимоси билан шоир Ҳиравийнинг "Бог" қасидасига жавоб ёзгач, у "Сарой" деган қасидани бериб, бунга ҳам бир жавоб айтсангиз, дейди. Шунда Лутфий ҳадди сийиб, ҳазиллашиб, биз аввал "Бог"дан мева тотиб кўрайликчи, кейин "Сарой"га ҳам кириш мумкин, деган эди!

Бироқ бу муносабат, бутун шар-ти-шароитга қарамасдан, Лутфийнинг умри, асосан, фақирлик, но-чорликка ўтган эди! У камтарин, хоксор... "сўхта киши эрди". Абдурахмон Жомийга илтифот кўрсатиб, бунга у жавоб қайтаролмай қисинганида, "Сизнинг эски тўнингизни гадоийлик қилурбиз!" — деб, Лутфий унинг кисватини эғнига илган эди... Лутфий тўғрисида: "Дарвеш киши эрди... Агарчи шоирлик тариқидо маъруф ва машҳур бўлди; аммо дарвешлик тариқини доғи илқидан бермади!" — деган гап аини ҳақиқат эди. У Шайх Шаҳобиддин Хиёбонийдан маълум муддат сўфилик тариқатидан таълим олган эди.

Тантилик, жўмардлик, исмига мос — лутф унинг ғариб, содда ҳаёти соясида тоғдек юксалиб турар, Лутфий бу тоғни ҳаммага кўрсатавермаслик учунгина девонавор яшаб юргандек эди! Фақат баъзан офтоб ярақлаб, қорли чўққилар бехосдан барқ уради... Ҳали ёш Навоий "Оразин ёпчоқ..." деб бошланган бир ғазални ўқиб берганида, Лутфий баралла: "Воллоҳ, муяссар бўлса ўн-ўн икки минг байтимни бу ғазалга олмошардим; ўшанда ҳам, бахтиёр бўлиб олмошардим!" — деган эди. Афтидан, Лутфийнинг феъл-атворидаги шу жиҳатлар Лутфуллани мафтун этган эди.

Мирза Ғолиб Лутфулла билан дўстлашиб юришганида ҳам, кейинчалик ҳам адабиётдан кўпроқ тарихга қизиққан, ана, у энди бу ихтисосни эгаллаган ҳам эди. Уни "ёш, истеъдодли олимлардан" дейишарди! Лекин Лутфулла туфайли Мирза Ғолибнинг юрагида илк дафъа адабиётга нисбатан муҳаббат уйғонган, у адабиёт тарихи — халқ тарихининг ажралмас бир бўлагини англай бошлаган эди...

Тахта-тўшак четига ўтирганча, тамадди қилган Мирза Ғолиб ўзини олдинидан кўра бир оз дармонга киргандек сезди. У ўрнидан қўзғолиб, остидаги чойшабни ташқарига солиб чиқиб қочди.

Кейин, ўзи кўтариб юрган тугундаги кўрпани чойшаб устидан тўшади... Ухлаш керак! Ҳали қоронғи тушгани йўқ, аммо бу ерда серрайиб ўтираверишда ҳам маъно йўқ. Уйқу босапти, ухлаш керак! Эртарақ туриб, яна йўл қидиришга тўғри келади!

Энди ечиниб, тўшакка ўзини ташламоқчи эди... сергакланди.

Ўрнидан сапчиб, уй эшиги ҳалқасини бориб ўтказди. Эшикни тамбалади. Деразани ҳам текширди.

Эҳтимол, бунга Мирза Ғолиб хаёлига келтирмас эди. Лекин бино олдида бояги айиқдек ит яна пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди. Хўп, итга парво қилмаслик мумкин... Мирза Ғолибнинг халтасидан нон, олмадан бўлак ўн боғлам пул бор эди! У қўналгадан чиқаётганида, ҳашарга олдин келиб кетган кишиларнинг иш ҳақини олиб бориб топширасан, деб унинг





қўлга тутқазишган эди! Уйқу — гафлат. Одамлар омонатиға, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлишға мажбурсан!

Мирза Голиб шундан сўнг, дарҳол ётаверишға шошмай, яна нима иш қолди, дегандек у ён-бу ёнга қаради.

Унинг кўзи хона тўридаги олачалпоқ пардаға тушди.

У, нима бор экан шу парданинг орқасида, бир кўрайлик-чи, деб ўйлаб, шахдам босганча-бориб, пардани сурди.

Пардани сурди-ю... эй худойим-эй! — кесак бўлиб қолди.

Мирза Голиб дастға сув олиб борадиган ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновғами ўхшаган нарсани, нарса ичида бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётган учта жасадни кўрди...

Йўқ, аввал, Мирза Голиб қатор ётган учта жасадни, кейин ярим-очиқ қувурми, тарновғами ўхшаган нарсани кўрди!

Жасадлар янги, яқиндагина бу ерга келтирилган бўлса керак, илк қарашда ширин уйқуға кетган кишини эслатар эди...

Уйқуға ўхшар — ўлим,  
Ўлим ўхшар — уйқуға...

Булар ким?! Қаердан келиб қолган?! Нега бу ерда ётишибди?! Мирза Голиб қотиб турганича, шу ҳақда ўйламоқда эди. Уни хавф-хавотир чуллаган эди!

Туйқусдан эйтибор берди... Марҳумларнинг афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилар, шунинг баробарида, уларнинг учаласи ҳам Мирза Голибға қандайдир таниш, Мирза Голиб уларни қаердадир кўргандек эди!

У титраб-қалтираб, шошганича, пардани қайтиб ёпди.

Мирза Голиб бошқа бирон жой, бошқа бирон шароитда мабодо бундай манзараға дуч келса, албатта, оёғини қўлга олиб, орқасига қарамасдан қочган бўлар эди! Лекин ҳозир унинг борадиган жойи йўқ; у бум-бўш олам билан гўёки юзма-юз қолган, уммон қўлиға илинган тахтаға ёпишиб олган одам эди! Паришонланган, аммо ўзини дадил тутишға уринган кўйда, тўшаққа келиб чўзилди... Дунёда қабристон яқинида яшаган, қабристонға кунда кириб-чиқиб юрган кишилар қанча, сен ҳозир шундай ҳолатдасан, чида, деб ўйлаб, кўзларини чирт юмди. Улагиси, уйқуға берилиб, оламни унуттиси келди...

Уйқуға ўхшар — ўлим,  
Ўлим ўхшар — уйқуға...

Бироқ тўлганиб, ухлаёлмади.

Шу дамда Мирза Голиб яна Лутфуллани, Лутфулла билан бирга, вобаста ҳолда ўзининг хасталаниб икки марта касалхонада ётгач, учинчи марта олдингидан қаттиқроқ "қоқилгани", йиқилганини эслади.

Ушанда Мирза Голиб шундай ҳолатға тушган эдики...

Ўлим тўғрисида у ўйламаган кун йўқ эди.

Бу гал уни шаҳар чеккасидаги бир касалхонаға ётқизишди.

Бу касалхона аввалгиларға ўхшамас эди. Кенг-мўл ҳовли, оппоқ бино. Телефон уйнаи жаҳон, алоҳида хоналари бириктириб қўйилган меҳрибон ҳамширалар.

Аммо Мирза Голибнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, унга дунё қоронғи эди!

Бунинг устиға устак, аввалги касалхоналарда ҳамма нарса оддий, рисоладагидек, бу касалхонада эса... Мирза Голиб бу ерга келиб ётишдан олдинроқ аллақандай сирли, ақл бовар қилавермайдиган ҳолатларға йўлиқа бошлаган эди...

У ҳали "даволанишдан қочиб юрган" эди... Кўчада кетаётиб, бир кунни, сен намунча — касалхонаға ётишдан, жарроҳ пичоғидан кўрқмасанг, — деб ўйлади эзилиб, — агар паймонанг тўлиб, ажалинг етган бўлса, мана шу кўчада бораётиб ҳам, ўлаверасан! Масалан... рўпарадан ҳайбатли юк машинаси келаятган эди... мана шу машина остида қолиб ҳам, одам ўлаверади! Мирза Голиб шундай деб ўйлаётган эди, кутилмаганда, муюлишдан бир ит қақмоқдек отилиб чиқиб, кўчани кесмоқчидек югурганича, ўзини тўппа-тўғри гилдирак остиға олди... Мана, сенга "масалан!" Мирза Голибнинг юраги ағдарилиб кетган эди. Бу қандай мужда?! Яхшиликками, ёмонликками?! — у билмас эди.

Касалхонаға ётганидан кейин, орадан беш-ўн кун ўтгач, уни жарроҳлар қўлга олишди.

Аравачаға ётқизишганча, ана, узун йўлакдан секин жарроҳлар бўлинимасиға бошлаб боришмоқда, йўлакдаги беморлар, одатдагича, кимни жарроҳлар олиб кетишаётганига пичирлаб-қизиқишмоқда; Мирза Голиб ўлим билан юзлашмоқда эди.

Шу паллада яна ўша, сирли, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...  
Бу — Унинг ўзи,  
лекин учта МЕНга айланиб, уч жойда ҳаёт кечирмоқда.

Тушми, хаёлми, деса, ҳаммаси аниқ кўриниб турар эди!

Биринчи Мен — ҳамон аравачада, шифтға тикилиб ётибди.

Аравачани энди шиддат билан олдинға суриб, қайсидир эшикларни очиб-ёпганча, уни ёруғ бир хонаға олиб киришябди...

Иккинчи Мен — негадир кечға томон, зерикиб, — уйдан чиқди.

Уй олди уфққача ястанган майдон. Яқинда ёмғир ёғиб ўтган. Ҳавода анвоий гуллар-кўкатлар ҳиди.

Қоронғи тоша бошлаган. Булутлар тарқаб, битта-яримта юлдуз кўринмоқда.

Бехос узоқ бир нуқтадаги чўғ солинган манқалға ўхшаш нарса унинг диққатини жалб этди.

У қаро тунда ўйламай-нетмай бир ёққа кетаверадиган одам эмас! Лекин бу — олисади қизғиш-кўкиш шуъла — манқал қандайдир уни ўзи томон имлаб-чорламоқда эди.

Сеҳрланиб қолгандек ўтға тикилганича, шуурсиз ҳолда шошиб, илдам юра бошлади. Ҳаш-паш дегунча, ўт олдиға ҳам бориб қолди.

Манқал — чироқлари бир маромда лапиллаётган машинами, кемами экан! Ён томонида эшик... эшикдан кўпроқ — шунчаки очиқ туйнук! Шу туйнукдан икки тарафда ялтироқ-қора, коржомға ўхшаган устибош кийган икки киши турибди. Баланд бўйли, афт-ангорлари ҳам бир хил, сочлари оқши, кўзлари мовий. Лекин шакллари, юз-кўзлариданми, уларни йигит билан қиз, эҳтимолки, ака-сингил деб ўйлаш мумкин эди.

У биров сўраб-буюрмаганиға қарамай, — яқинлашиб, салом берди.

Туйнук олдидагилар жилмайишди:

— Биз бошқа сайёраданмиз. Қўрқма! Юр, сени олиб кетмоқчимиз.

— Қаёққа?! — деб сўради у, ўзи эшитган гапға тушунган бўлса ҳамки.

— Осмонға, албатта, — дейишди йигит билан қиз кулиб. — Биз сенга олдин сен кўрмаган оламни кўрсатмоқчимиз. Айланиб келасан!

— Кайфиятим йўқ... Ҳозир сайри-саёҳат кўнглимға сиғмайди! — деди у ўз-ўзи билан сўзлашаётгандек оҳангда.

— Чарчадим. Рухим чўккан. Сўнги пайтда бутун жисмим ишдан чиққандек ҳолатдам... Қўлларингдан келса, менга ёрдам беринглар! Жарроҳға юзлашиш, пичоқни кўришға менинг ўзимда сабр-тоқат етишмайди. Бада-нимдаги ишдан ташқари, ошқозоним касал. Юрагим ҳам. Мени оёққа турғизинглар, илтмос. Дарров...

Манқал ёнида турганлар ўйчанми, гамгинми қиёфаға киришди.

— Бу осон, тuzатса бўлади, — деди кўзлари мовий йигит. — Фақат, биз ундай қилолмаймиз! Сен чекишинг керак бўлган азобни сендан ҳеч ким ололмайди. Кўришинг шарт! Ҳар бир одам дунёда ўзига тегишли азоб-уқубатларға чидайди. Қисмат, насиба шу! Бунга аралашиб ҳўқуқи бизға берилмаган...

— Бўлмаса, мени қақириб нима қилардиларинг?! — деди у азбаройи ранжиганидан.

— Сен биз билан барибир юр. Ушанда ҳаммаси ўрни-ўрниға тушади, — деди баланд бўйли қиз. Улар яна жилмайишди.

У янги танишларига эргашиб, туйнукдан ичкариға кирди. Кўкми, зангор нурға чўмган хонада муаллақ турганми, шифтға осилганми — бир қанча курси кўзға ташланар эди.

Курсиға ўрнашгани заҳоти, катта, вазмин кема ердан капалакдек беозор кўтарилди... Лаҳза ўтдими, дақиқами — ёруғ-чароғон бир шаҳарға келиб қўнди.

Шаҳар кўчаларида чироқ кўринмас, офтоб ҳам, соя ҳам йўқ эди. Бинолар энсиз, юксак. Ойнадан ёки шунга ўхшаш бир нарсдан тикланган бўлса керак, пастанд-тепагача ялтирар, у ён-бу ёнга оҳиста тебранаётгандек туюлар эди. Боглар — улардаги дарахтлар, ўсимлик-ғиёҳлар — уммон остидагидек илдизсиз, ҳавода тўнтарилиб-юзиб юрибди...

Иккинчи Мен осмондаги шаҳарда кезаётган айни сонияда...

Учинчи Мен — ўшанда уруш бораётган Афғонистонға қараб жўнади.

Кун иссиқ, дим, қора бир тўзон гирдибод уради.

Ҳири руд устидаги кўприкдан ўтиб, "Ҳирот" меҳмонхонасини ёнлаганча, саф чеккан оғир машиналар илдам суринмоқда. Улар қўшни мамлакатдан бу ерга аскар олиб келган.

Машиналардан биридаги йигитлар, асосан, ўзбеклар. Бошлиқларнинг тазйиқи, ҳарбий ҳолат ружумиға қарамасдан, баланд товушда сўзлашиб-гурунглашиб кетишмоқда.

Фақат, ранглар, хивичдеккина йигит... энг сўнги қатордаги тахта четида ўтирганича, бундай пайтларда бўладиган





маза-бемаза сўхбатга аралашмай, машинанинг орқа — очик томонидан кўриниб турган атроф-манзарага аллақандай суқланиб тикилади.

Рўпарада узоқдан аҳён-аҳён кўзга чалинган, қуббалари учиб, тўкилиб-тўзиб ётган миноралар, катта-кичик масжид ва мадрасалар буюк обидалар бўйлаб нигоҳи сирпанганча, — унинг юзига бир ҳайрат, бир гусса кўлка ташлайди...

— Эҳтиёт бўлинглар! Шошмасдан!!!

Мирза Ғолиб сесканди: уни аравачадан кўтариб, оддий кўрпа-тўшакдан анча баланд тахтами, темирми — қаттиқ бир нарса устига ётқизишмоқда эди.

У ҳозиргача ёнида бировнинг бор-йўқлигига эътибор қилмаганди. Энди разм солиб, беш-олтитами, кўпроқми киши ўзини қуршаб-пичирлашганча, куйманишгаётганини пайқайди.

Кейин, яна...

бояғи ҳолатга қайтди.

Биринчи Мен — жарроҳлик бўлмасида ётибди. Унинг оёқларига маҳси ёки гилофни эслатган ниманидир кийдириб, уларни маҳкам тангиб қўйишмоқда. У ўзини бировлар қўлига топширган. Ҳамма нарсага шай, лаббай деб тургандек! Кўнглида бирон норозилик, исён йўқ. Худди қўйга ўхшаб...

Иккинчи Мен — осмондаги шаҳарда. Лекин энди кўчада эмас, ҳамроҳлари билан мисдек қизиган, ярақлаётган аллақандай узун ўрама ичида ҳалласлаб-югуриб кетяпти. Осмонлик ака-сингил — майли, совгадан қуруқ қолаётган боладак, у нега, қаяққа шошябди?! Бу ўртаниб-ёниб, ўзингни олдинга ташлашинг интиҳоси борми?! Шу азоб учун уни осмонга чиқаришган эканми?!

Иккинчи Мен осмонда елиб бораётган бир дамда...

Учинчи Мен — нечундир, қанот чиқаргандек,

Афғонистонга қараб учди.

Машиналардан бирида, сўнгги қаторда ўтирган рангпар, хивичдек-кина йигит атроф-манзарага бирдек суқланиб тикилмоқда... у, ниҳоят, эндигина йигирмага кирган эмас, дунё кўрган кишилардек, ўйчан бош чайқаб, ўз-ўзи билан сўзлашаётган алпозда пичирлайди:

— Деҳиканор қайси томонда бўлса экан?!

— У нима деганинг? — қизиқсинади ёнида кетаётган, ёши каттароқ, норгул йигит.

— Шундай бир жой бор. Деҳиканор!

— Гапингдан, сен олдин ҳам Ҳиротни кўргандек...

— Етти ёшимдан орзу қилардим! Кўрмаганмиз, албатта.

— Хўп, нима бор экан сен айтган ҳалиги...

— Деҳиканордами?! — ҳамроҳига ёрдам бериб юборади хивичдеккина йигит. Кейин, шуни ҳам билмайдиган одам бўлар эканми, дегандек сал ажабланган, сал оғринган қўйда, яна пичирлайди: — Ахир, у ерда Лутфий...

Мирза Ғолиб диққат қилди... Жарроҳлар оёқларидан кейин, ўнг қўлини биқинига, чап қўлини эса қанотдек ёзиб, ён томонга боғлаб қўйишди.

Унинг шу — чап тарафидан қорачадан келган, кўзлари чақноқ ҳамшира — ёшгина бир қизалоқ тик турар, Мирза Ғолибнинг қўлини меҳрибонликми, куюнч биланми тинмай сийпалар эди. Дунёда фарзанд ўз отасига ёки она ўз боласига шундай мурувват кўрсатиши мумкин! Бундан ташқари, Мирза Ғолиб дафъатан ўзини бир оз дадил сезаётгандек бўлди.

— Сизнинг исмингиз нима? — деб сўради у қизалоқдан.

— Гулгун.

Мирза Ғолиб ҳушёр тортиди.

— Сиз ҳам Гулгунми?!

— Яна ким Гулгун экан?!

— Эй, бу жуда катта тарих! — деди секин Мирза Ғолиб. У

беихтиёр муҳим ишлар билан машғул жарроҳларни ҳам, ўзининг худ-бехуд, ноҷор ҳолатини ҳам унута бўшлаган эди. Назариди, шунинг баробарида, ҳозир ўзи фақат алаҳлаётгандек, унинг ўрнида бошқа биров Гулгун билан гаплашаётгандек эди. — Бир йигит бор эди. Лутфулла! Афғонистонга юборишган эди... Отаси адабиёт муаллими бўлгани учунми, адабиётни яхши кўрар, Лутфий деган шоирга, айниқса, ихлосманд эди. Кўпинча, мен Лутфулла экаилингдан, Лутфийга қизиққанмиканман, дадам Лутфийни эслаб, менга бу исми қўйганмикан, бунинг иккиси ҳам "лутф"дан келиб чиққан, деб юрар эди... Лутфий — тахаллус; Лутфий Кашмирий, Лутфий Бухорий, Лутфий Машҳадий, дегандек бу тахаллуснинг эгаси кўплигини била туриб, шоир Лутфий уни танлаган эди. Ўзига бепарволикданми, атайин кўзга ташланмаслик учунми, шундай қилган эди! Тахаллусдан ташқари, Лутфий ўз исмини ҳам бирон ерда белгилаб қолдирмаган эди...

Унинг исми — номаълум: Муҳаммадми, Маҳмудми, Аҳмадми — Лутфулла шу тўғрида ўйлагани-ўйлаган, бу жумбоқни ечгиси келар эди... Умуман, Лутфулла — "исм жинниси" — ҳар қандай исм одам ҳақида тасаввур беради, исм қўйишни бекорга ота-онанинг бурчи, дейишмаган, мазмунида гапириб юрар, шунга одатланган эди...

— Мен тушунмадим. Гулгун, деётган эдингиз! Энди Лутфулла, Лутфий... Гулгунга даҳли борми?!

— Бор, албатта, — деди Мирза Ғолиб. — Лутфий-ку, ўз исмини "яширган", лекин атрофдагилар-чи?! Лутфийни яхши таниган, билган ҳолда, нега бу тўғрида "индашмаган" экан? — Лутфуллани шу савол қийнар эди... Ўзига замондош шоирни "Маҳдуми Мавлави Нуран — Абдураҳмон Жомий!" — деб тугал ёзган Алишер Навоий, устози, ўзи "Азиз ва мутабаррак киши эрди!" — деб билган, бир умр эслаб юрган Лутфийнинг исмини ёзмагани устига, тахаллуси тўғрисида ҳам бирон ерда лол-мим демагани Лутфуллани ажаблантирар эди... Қисқаси, у Лутфийнинг ҳам исми Лутфулла бўлмаганмикан, деб тахмин қиларди. Исми тахаллусга айланган туриб расми йўқ эмас! Ўша замонда, Мавлоно Лутфуллоқ, Мулла Лутфуллоқ, Хўжа Лутфуллоқ, деган обрўли кишилар ҳам учраганидан, балки Навоий, аксинча, чалкашлик рўй бермаслиги учун "Мавлоно Лутфий" дейиш билан чеклангандир?! Бошқалар ҳам "Лутфулла-Лутфий" деб юрмасдан, "Мавлоно Лутфий"ни "қабул" қилишгандир?! Лутфулла шундай деб ўйлар эди... У Афғонистонга кетаётганида, бир қизга унаштирилган, қизининг исми Гулгун эди! Энди Лутфулла, умрида буюк бир муҳаббат насиб этган Лутфийнинг севгилиси исми ҳам — ўша пайтлар кенг тарқалган Чўлпонми, Навшодми эмас, — аниқ Гулгун бўлган, деб ишонар, ҳаётда шундай бир исмлар мутаносиблиги бор, тушунтириш қийин, дер эди... Сизнинг исмдошларингиз шулар?

— Кейин-чи?! — ҳуркибгина сўради Гулгун.

— Кейин... Ҳирот — қадимий шаҳар, Искандар замонидан келган, Хуросон деган мамлакат пойтахти... Амир Темур вафот этгач, Шоҳруҳ Мирзо пойтахтни Самарқанддан кўчиртириб, бир пайтлар бутун салтанатнинг ҳам маркази бўлган эди. Шоҳруҳ Мирзо, айниқса, Хусайн Бойқаро даврида боғлар барпо этилиб, юзлаб обидалар қурилиб, у ниҳоятда гўзаллашган эди. Мухтор тоғи этакларида жойлашган — Хиёбон, у ерда ташкил топган Мусалло — намозгоҳ кишини ҳайратга солар эди. Ўшанда, мухташам иморатларни оралаб, буралиб оққан Инжил наҳри, қирғоқдаги ҳовулар, фавворалардан завқланиб, Ҳиротни сув ёқасида

ўлтирган нозанин, дейишар эди... Бироқ Темур салтанати парчаланиб, шайбонийлар, кейин, эроний сафавийлар келишди. Кейин, бир-бири билан тахт таллашиб, масжидлардан даҳмаларгача — барчасини аёвсиз тўпга тутган, тўзитган афғон шаҳзодалари... Лутфулланинг Ҳиротга кўнгли ачир эди! У буюк боболар хоки — руҳи поки Ҳиротда эканлигини ўйлаб, улар учун безовталанаётгандек ҳолатини туяр эди! Лутфулла Алишер Навоий қабрига урушларда шикаст етиб, энди баттар топталаётганини билар, Ҳиротдаги хиёбонлардан бири — Деҳиканорда яшаган, вафотидан сўнг шу ерда дафн этилган Лутфийнинг — қариянинг манзил-маскани қайси аҳволда?! — ўзича тасаввур қилар эди... Лутфулланинг юраги — Ўзбекистонда, аммо Ҳиротдан ҳам кўнглини узолмас эди! Эҳтимол, шу боисдандир, Афғонистондан, кўп ўтмай, унинг ўрнида, уйига темир қўтига солинган жасади келди... Сиз, Гулгун, мени кечиринг, албатта...

Мирза Ғолибнинг ёнида турган қизалоқ — Гулгуннинг кўзларида бир даҳшат қотган, уларнинг туб-тубида ёш милтирамоқда эди.

Бу гўёки ўша — Лутфулла унаштирилган Гулгун, келинлик либосини киймай туриб, азадорлик юки бошини этган эди! У дунёдаги бедодликлар, урушлар, ёвузликлар, одамзоднинг ваҳшийлик-қабихликларидан ҳозир дод солиб, фарёд кўтариб юборадиганга ўхшар эди!

Шундай яхши қиз экан бу Гулгун!

Мирза Ғолибнинг энди силласи қуриган, уйку босаётгандек, кўзлари ўз-ўзидан юмила бошлаган эди.

У — яна, ақл бовар қилмайдиган ҳолат...

учта Менга айланган эди.

Биринчи Мен — ҳамон жарроҳлик бўлмасида. Лекин уни қайтиб аравачага ётқизишмоқда. Ана, аравачани илдам суриб, катта чироқлар ёнган хонадан-хонага олиб ўтишябди...

Иккинчи Мен — мисдек қизиган, ярақлаётган узун ўрамадан чиқиб, ҳамроҳлари билан осмондаги дастлаб юзлашган шаҳар кўчасида, энсиз, юксак биноларни ёнлаб





бормоқда. Улар кўчама-кўча айланиб, ниҳоят, манқални эслатган кема олдиға келишиди. Кемаға миниб, Ерга туша бошлашди... Лутфулла унинг хаёлидан кетмаётган эди!

— Лутфулла қаерда?! — деб сўради, чамаси, еру кўкда ҳамма нарсадан хабардор ҳамроҳларига тикилиб.

— Сен нега уни эслайсан?! — қизқисинди баланд бўйли қиз.

— Мен кўришим керак! Соғиндим... — Лутфулла энди йўқ, — деди кўзлари мовий йиғит. — Лекин сен тирик қолдинг! Яшайсан... Лутфулла учун ҳам!

— Нега?! Нега, ахир?! — деб бақириб юборди у.

— Ергаги ҳаётдан одамлар ўзлари хулоса чиқаришади... Биз зарур пайтдагина аралашамиз! — деди баланд бўйли қиз.

Иккинчи Мен кемада Ерга ташаётганида... Учинчи Мен — шошганича, Афғонистонга йўл солди.

Иссиқ, дим. Қора тўзон ичида қоқиниб-чайқалиб — ўлим гирдобига тушиб бораётган машинада, энг сўнгги қаторда ўтирган хивичдеккина йиғит олис-олис бир нуқталарга кўз тикиб,

ота-боболардан ўрганиб-билган, юрагида кўмилиб ётган муқаддас сўзларни топиб-танлаб, узича, —

ўйчан пичирламоқда эди:

"Илоҳи, агарчи журму исбндин ўзга — ишим йўқ; аммо Сендин ўзга ҳам — кишим йўқ!"

Илоҳи, ўзлук ёмонлигининг — ўзлугум била ўта олмайдурмен! Ва, яхшиларнинг этагин — ёмонлигим уётидин! — тутта олмайдурмен.

Илоҳи, Одам (аввалдан) хилофот тахтининг муставжиби — ўзимۇ бўлди?! Сеннинг тақдиринг бўлмай, Шайтон мухалифатининг — сўзимۇ бўлди?!"

Илоҳи, ул узун йўл ва қаттиг водийда (мени) июннинг била йўлла! Ва, анинг қатъида оёғим тойилса, — дастирлигининг била қўлла!

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, — рад қилса, — Сенга таважжух эткаймен! Ва агар Сен рад қилсанг, — не-ткаймси, ва, кимга кеткаймен?!"

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, — риёдин асра! Ва, ибодатқа йўл кўргузсанг — хатодин асра!..."

Тепаликдаги ғариб бинода, кимлардир ётиб-турган тўшақда тўлғанаётган Мирза Ғолиб...

қачон кўзи кетиб, қотиб қолганини билмас эди.

Тун бағрини ёрган нолами-қичкириқдан чўчиб уйғонди.

Уни тер босган, ҳаммомдаги сингари бадани жиққа ҳўл эди. Кечаси бўлса ҳамки, айна саратонда эшик-деразани очмай, кўрпага бурқаниб ётгач, у пишмай, ким пишсин...

Ўрнидан туриб-турмай, кўзи тушди... Хона сутдек ой нурига тўлган, шу билан бирга, ўзидан нур ўтказаетгандек, — нурга халал бермай, — кимдир деразага ёпишиб олган эди!

Мирза Ғолиб аввалига, уй эгаси, демек, мен нотўғри ўйлаган эканман, бу эгасиз, ташландиқ жой эмас экан, деган хаёлга борди. Ўрнидан ирғиб, дарҳол эшикни очгиси келди! Бироқ шу ондаёқ иккиланди. Уринга қапишди... Уй эгасининг бундай ўзини жонсарақ деразага уришига унинг негадир кўнглида иштибоҳ тугилган эди!

Мирза Ғолибнинг хаёлидан, бегона биров, деган гап ҳам ўтди. Аммо бегона киши, бегона жойда ўзини журъатсизроқми, бошқача тутди! Деразага сакрамайди, нари борганда, эшикни зарб билан қоқади! Ташқаридаги кимсанинг туриши — кўршапалакдек деразага ёпишиб олгани ҳам — бир оз гайритабиий, айниқса, нега ўзидан нур ўтказаетганига тушуниб бўлмас эди! Мирза Ғолиб иккиланмоқда эди. Умуман, уйда қандайдир жасадлар ётгани, бунинг устига, ёнида бировларнинг омонати борлигидан... тўхматга учрайдими?! Уни тунаб кетишадими?! Бу иш нима билан тугайди?! — билмаганидан, Мирза Ғолиб ҳар кимга эшик (ёки деразани) очгиси йўқ эди!

Нола чеккани-қичкирган ким?! Шу — дераза ортидагими, бошқами?! — у ҳали англаб етмаган эди... деразадаги кўлапка титраб-қақшаб, қичқирди:

— Оч, номард! Оч! Ердан беринглар! Уламан...

Мирза Ғолиб — яхшироқ диққат қилган ёки овозга эътибор бергандир?! — ҳар қалай, мана, энди сездим: ташқаридаги — аёл киши эди! Мирза Ғолибнинг сал ҳамянти келди! Шунинг баробарида, хижолат чекиб, саросималанди. Кўрқоқлик ҳам эви билди! Эҳтиёт бўлишининг ҳам чегараси бор! У, аёл биров фалокатга йўлиққан, аралашиб, ёрдан бериш керак, албатта, деб ўйлади. Ўрнидан сапчиб, дераза томон босди. Ва беҳосдан...

эс-ҳуши оғди.

Ташқаридаги аёл... Мاستура! — эди.

Мирза Ғолиб — дераза ёки эшик?! Қайси бирини тезроқ очиш мумкин?! — шу паллада, довлдираб қолганидан, аниқ фикрга келолмай бир дераза, бир эшик томон отилди. Мастурани бағрига босиб, ичкарига олиб кирмоқчи, агар шунга эҳтиёж бўлса, — жонини бермоқчи эди! Ана, сен кўришга ошиққан — Мастура! Сен аҳволини билишга ошиққан — Мастура! Оч! Оч!

Бироқ ҳаяжонланиб-талпинганича, тўхтади.

Мабодо, ким бўлмасин, — биров! — эшикни тақиллатиб, тирик жон борми, оч, деса, Мирза Ғолиб ҳеч иккиланмай, аллақачон — уйғонганидаёқ, — бориб эшикни ланг очар эди! Мулоҳаза юритиб ўтиришга ҳам улгурмасди! Аммо эшик биров марта тақилламаган эди! Умуман, ташқаридаги кўланканинг эшикни кўйиб, деразага ёпишиб олганидан ҳамон Мирза Ғолибнинг кўнглида шубҳа уйғонмоқда эди!

Яна, мабодо, ичкарида жасадлар ётмаганида, Мирза Ғолибнинг хаёли қочмас эди! Олачалпоқ парда орқасидаги кимларнингдир жасади уни, очма, деб огоҳлантираётгандек эди!

Айниқса...

ташқаридаги аёл негадир сўнгги пайтлардаги эмас, Мирза Ғолиб янги танишган — анча йил бурунги Мастурани эслатар эди! Қолаверса, Мастурунинг энг оғир шаронтида ҳам, яқинми-узоқми, ҳеч кимга сенсираб, номард, деб бўғилиб-сўзлашадиган феъл-атвори йўқ! Мўмин-қобил. Одатда, жан-жазли нарсаларни ҳам сирдек, шивирлаб гаплашади... Булардан ташқари, муҳими: туққанми, шунча пайт ўтиб, ҳали ҳам "семириб" юрибдими?! — нима қилганда ҳам, — Мастура шу кунлар уйдан чиқадиган аҳволда эмас! Хўп, уйдан чиқди, дейлик... Мирза Ғолибни минг қидирганда ҳам, идорадан аниқлаб, тўғри кўналгага бормайдими — Мастура?! Тўқайзор ичидаги бу харобага қаердан келиб қолиши мумкин?! Деразадаги кўланканинг юпқа бир матоҳга ўхшаб, ўзидан нур ўтказаетганини айтмайсизми?!"

Мирза Ғолибга ақлу ҳуш шуларни уқдирмоқда, лекин бу гал ҳам у — олдингидан кўпроқ! — иккиланмоқда эди.

Шу пайт...

қаердандир — тепаликнинг этак томонидан, — тинчи бузилган итнинг — ҳалиги, юнги пахмайган, айиқдек ит бўлса керак! — ув тортиб, қаттиқ ҳураётгани эшитилди.

Мирза Ғолиб шошиб қолди. Тезроқ бир қарорга келиш керак! Тезроқ! Тезроқ!

Аммо унинг кўз ўнгида, шу сонияда дабдурустдан ташқаридаги аёл буришиб-бужмайган кампирдек қиёфага кирди.

Кейин, гижимлаб-ёққан қоғоз сингари қорайди.

Кейин, бирдан туси ўчди.

Кейин, итнинг ҳам овози тинди...

Мирза Ғолиб қайтиб ўринга келиб чўкди.

У энди — ўзи нима бўлаётган эди-ю, нима бўлди?! — билмаганидан, даҳшатга тушган, биров эшик деразани бузиб, ана-мана хонага бостириб кирадигандек, қимир этмай ўтирар эди.

Ухлаш қаёқда! Энди шунчаки кўзини юмиб, мудрашни ҳам хаёлига келтирмаётган эди...

Уйқуга ўхшар — ўлим,

Ўлим ўхшар — уйқуга...

Ахйир, осмонда ой бўзариб, тонг ёриша бошлади.

Бироқ, Мирза Ғолибнинг ҳамон қимир этишга ҳоли йўқ эди.

Ниҳоят, офтоб ҳам ёйилди.

Мирза Ғолиб шошмай, туриб, кўрпа-тўшагини йиғди.

Кейин, кўнгли тиламаса ҳамки, нонушта қилишга уринди.

Кейин, эшик томон босди.

Эшик томон босди-ю, тўхтаб, ўгирилди. Қаради.

Унинг олачалпоқ парда орқасида яна бир қур кўз ташлагиси келди.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Ажаб! Парда орқасида ҳеч вақо йўқ... тўғрироғи, бир-бирининг оёғига бош кўйиб, қатор ётган жасадлар йўқ, фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса қаққайиб турар эди!

Мирза Ғолиб, нафаси ичга чўкканича, бўйни, слкаларини қисиб,

пардани қайтиб ёпди.

(Давома 22-бетда).







ИсмаТ ХУДОЁР

# Ўззги япроқлар

\*\*\*

...Эслайсанми,  
Муҳаббатнинг соф кўчасида  
Юлдузларни санаб ўтган кунларимизни.  
Ва бематлуб,  
Ва саргардон  
Сир соҳилида  
Ўйга чўмиб  
Узоқ-узоқ юрганамизни...  
У беором кунларимнинг бағридан алҳол  
Кетолмадим —  
Дайдиб-дайдиб юрибман ҳамон.  
Хаёлимнинг хазонрезги боғида танҳо  
Дарвешона ўлан айтиб  
Юрибман, омон...  
Замҳарирнинг қаҳри ялаб,  
Ямлаб юлқаган  
Дарахт асраб қолган каби иссиқ жонини —  
Қалтираган  
Сўнгги япроқ руҳини йўқлаб  
Такрорлайман у кунларнинг унут номини...

\*\*\*

Эслайсанми,  
Номозшомда  
Далли дарёнинг  
Соҳилларда қотиб қолган қонли  
сўзларин?  
Эслайсанми,  
Сўз ахтардик  
шунда дарёнинг  
Юлдуз каби чарақлаган  
Мунглиг кўзларин...  
Секин  
Туртиб уйготарди сокин шамоллар  
Соҳилларда  
сочин ёзган  
оқбадан шомни...  
Ва дарахтлар куйлар эди  
Эгиз туғилиб  
Ўзи билан бирла кетган  
Қўшиқларини...  
Эслайсанми,  
Биз кетар чоғ  
Безовта тунни... —  
Оятини тугатмади нечун шамоллар...  
Дарёларнинг умрбоқий  
Қўшиғи тинди,  
Қайда қолди  
оққуш каби  
учган саволлар?  
Сирдарёнинг балиқлари недан қутурди?..  
Тўлқинлари нечун  
Сарсон-сарсон чопарлар?..  
Мен билмайман,  
нечун улар  
Зор юрагимга  
Ҳазин-ҳазин  
Қўшиқларини

тўкиб соларлар...  
Йўлларимиз айро экан  
Биз билмадик, оҳ,  
Шундан балки  
Етолмадик  
Бир-биримизга...

\*\*\*

...Тагин келдим  
Ўша ерлар —  
Муҳаббатимнинг  
Ёлғиздан ҳам ёлғиз ва зор кўчаларига.  
Яраларим битгани йўқ,  
Ва шундан балки,  
Қирғоқларнинг  
Чағир тоши  
Ўткир тигини  
Шафқат қилмай  
санчиб олар  
товонларимга...  
Бошим эгдим  
Ва тингладим  
Мен, Сирдарёда  
Сувлар эмас  
Оқиб кетган  
сағир сўзимни  
Соғинч куйи басталаган қўшиқларига...  
Ўша қуни  
Ёмғир ёғди  
Соҳилда  
тинмай... —  
Эсингдами, ўшанда ҳам, ўшал дамда ҳам,  
Булуларнинг кўнгли юмшоқмиди,  
Ҳабибам?..

\*\*\*

...Ғуруб —  
Туннинг аёл учун аталган қони.  
Тонглар оппоқ — чимилдиқнинг  
Ҳарир пардаси,  
Ва номусли кечаларнинг нишонаси —  
Ой Тун тўшаги ичра танҳо  
Тунлаганда ҳам  
Исмагини, иснодини асраган аёл.  
Зеро, унга  
етиб бормас  
Бу тирикликнинг  
Осмон аро узанги кир,  
Қоқшол  
қўллари...  
У кунларни эсламайлик, етар, Ҳабибам,  
Яна ёлғиз тентирайлик,  
Йўлларимизга  
Термулмасин муҳаббатнинг зор  
кўчалари...  
...Яна ёмғир ёғар,  
Ёмғир —  
Даричаларда  
Қайтмас кунлар хотираси, сўлғин суврати —

Титраб, қақшаб  
Силкинади  
Дарахтзорларнинг  
Ўл-шалобба япроқлари...  
Эслаясанми,  
Дунёни бахт ортилган  
Бир улкан кема деб  
Ўйлагувчи талабалик, телбаликларни.  
Эслайсанми,  
Шаҳримизда томошагоҳлар  
Борлигидан  
Тўрт йил ўқиб воқиф бўлмаган  
Сирожиддин Қурбонни... —  
Мен  
доим ўйлайман  
Шу болани,  
Тушларимга  
Кириб чиқар у.  
Кейин билдим  
Ичимизда  
Битта-ю битта  
ОДАМ ўша экан...  
Одам...  
Оҳ, хотиралар —  
Турналардай  
кетиб борар  
кетиб борар жим...



ИсмаТ Худоёр 1964 йилда  
Тожикистон Республикасининг  
Ҳисор туманидаги Чуқурак қиш-  
лоғида туғилган. Хўжанд до-  
рилмуаллимининг ўзбек  
филологияси куллиётини тугал-  
лаган. Ҳозир "Халқ сўзи"  
рўзномасида хизмат қилади.

И.Худоёр 1989 йилдан буён  
ўз ижоди билан Ўзбекистон  
матбуотида мунтазам қатна-  
шиб келади. Бир туркум шеър-  
лари "Ёлқин" ("Ёзувчи"  
нашриёти, 1991 й.) жамоа  
тўпламида нашр қилинган.





# СИРЛАРНИНГ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳазратларининг номи шарифлари ислом оламида шу даража машҳурки, таърифу тавсифга эҳтиёж йўқ.

Илму-маърифатга, имону-этиқодга даъват унинг асарларида марказий ўринни эгаллайди. Афсуски, кейинги даврдаги мафкуравий чеклашлар натижасида Ғаззолий асарлари деярли ўрганилмади. Тўғри, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга баъзи бир ҳаракатлар бўлди. Хусусан, "Кимёи саодат турки" асари эълон этилди, ҳаёти ва фаолиятига оид мақолалар ёзилди, лекин, бу ҳали етарли эмас. Ал-Ғаззолий асарлари ҳали ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ушбу кичик сўз боши ва улуг олимнинг "Дақойиқ ул-ахбор" асари таржимасининг нашрга тайёрланиши ҳам шу йўлдаги бир уриниш сифатида баҳоланмоғи керак.

"Хужжаттул-ислом" деган улуг унвон соҳибининг "Дақойиқ ул-ахбор" ("Муҳим хабарлар") асари ҳам бошқа асарлари каби араб тилида ёзилган. Ушбу асар Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший томонидан туркий тилга таржима этилиб, 1325 ҳижрий, 1907 милодий йили Тошкентда Фулом Ҳасан ибн Орифхон матбаасида чоп қилинган.

Қисқача мутаржим ҳақида. "Боситхон Зоҳидхон ўғли Шоший /1878-1959/, табиб, шоир ва таржимон. Тошкентнинг Себзор даҳаси Хўжақўча маҳалласида табиб оиласида туғилган. Боситхон табобат илмини "Жом шароб" лақабли Муҳаммад Расул ҳақим ва отаси Зоҳидхондан ўрганган, араб, форс ва туркий тилларда битилган табобат ва бошқа соҳага оид илмий асарларни таржима қилган. Боситхоннинг ўзбек тилида битилган медицинага оид иккита қўлёзма асари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Биринчиси икки жилдик "Қонуни Боситий" ёки "Қонун ал-масбут" (1942 йили ёзилган) табобатнинг кўпгина назарий ва амалий масалаларини қамраб олган.

Иккинчиси "Истилоҳот ул-тиббо фи интифойот ал-аҳиббо" ("Дўстлар фойдаланадиган тиббий терминлар" (1944 йили ёзилган) бўлиб, шарқ табобатида учрайдиган юнонча, арабча, форсча ва бошқа тиллардаги терминларнинг ўзбекча

таржимасидир. Боситхон "Ҳариқий" тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Хўжа Аламбардор қабристонига дафн қилинган". (ТОШКЕНТ энциклопедияси, 79-бет).

Боситхон Шоший "Дақойиқ ул-ахбор"нинг таржимасига "Ҳақойиқ-ул-асрори туркий" деб ном берган.

Асарда асосан охирагга алоқадор ҳодисалар тўғрисида фикр юритилиб, мулоҳазалар Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари билан далилланади. Асарнинг моҳиятида бу дунёнинг фонийлиги, имтиҳон дунёси эканлиги, инсон уз умрини яратган парвардигорини танишга, солиҳ амалларга бағишламоғи лозимлиги, шундагина у икки дунё саодатига эришмоғи мумкинлиги тўғрисидаги исломий таълимот ётади.

Этиқод эркинлигига кенг йўл берилатган ҳозирги даврда Абу Ҳомид ал-Ғаззолийдек улуг алломаларимизнинг исломий маърифатни тарғиб этувчи асарларига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучлироқдир. Зеро, мустақил юртнинг порлоқ келажагини мустаҳкам этиқод, юксак илму маърифат соҳибларига таъмин этиши мумкин. "Ҳақойиқ ул-асрор" ҳам худди шу йўлга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Ушбу китобни кўз қорачигидек асраган ва бизга ҳадя қилган таниқли мусаввир, маърифатпарвар инсон Неймат Ҳақимга самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Нашрга тайёрлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар учун муҳтарам журналхонларимизга олдиндан узр айтамыз ва бизни дуо қилишларини ўтинамыз.

Нурбой Абдул ҲАКИМ,  
филология фанлари номзоди.



ҒАЗЗОЛИЙ

## МУҚАДДИМА

Ситойиши бағоят ва нийоиши бениҳоят ул зотғаким, "лом" лутфи насибаи ом ўлуб, вужуди олам пайдо бўлди ва "алиф" иътоси "мадд" атосига дам уруб, сурати Одам ҳувайдо бўлди. Ва "коф" карами "лом" илмига мураккиб бўлуб, каломни василаи худо бўлди. Ва соловати беҳад ва таҳиййоти беҳад ул расулиғаким, ЛАВ ЛАКА ЛИМА ХОЛОҚТУЛ-АФЛАК иқтизосича вужуди шарифи боис ижоди ашб бўлди. АРСАЛНАКА РАҲМАТАН ЛИЛ-ОЛАМИЙН фаҳвосича умматларга ихдои тариқи Ҳақ ва илқои саодати мутлақ бўлди. Ва салом мутақосира ани авлод ва асқобиғаким, аҳодис бирла умматларга муқтадо бўлди.

Хусусан, баъзи ҳофизини ойоти каломуллоҳдин ва жомийи аҳодиси расуллоҳдин бир асари зуҳурга келди, ани бирла этиқоди муттақийн муқавво бўлди. Лекин, мазкурни дақиқ бўлғонига мувофиқ иборати ҳам араб тилида баён қилинғонини учун Туркистон аҳлининг асарларини наздларида гўё нуқтаи муаммо бўлди. Бинобарин, камина бу нухсани туркий тилига таржима қилдимки, китоби мустатоби файзмаоб ва саодатматоб ва манбаъи хайру савоб ва марбаҳи авлоул-албобдур. Ва ҳақиқатдан асрори азалия ва кайфияти аҳволи абадияни баён қилмоқда беадил ва ложавобдур. Лиҳзаза бу нухсани "Ҳақойиқ ул-асрор" исми бирла тасмия қилдим. Аммо тазйини таъбирга эҳтимом қилдим, балки, бақадри имкон изоҳ ва эълонининг

андишасида баъзи қабойиҳи маъйубаларга илтифот қилдим. Чунки, бу нухса агарчи маҳбуи уламо ва марғуби фузалодур, лекин таржимадин матлуб истифодаи оммаи тулабо ва зуафодур.

## БИРИНЧИ БОБ

### ПАЙҒАМБАРМИЗ СОЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ НУРИ ПОКЛАРИНИ ЯРАТМОҚНИ БАЁНИ

Асқоби муҳаққиқи ойот ва арбоби мудаққиқи ривойот чунон ривоят қилибдурларки, батаҳқиқ Оллоҳ таоло аввал бир дарахт яратдики, ул дарахтнинг тўрт шохи бордур ва ани номини шажаратул-яқин дерлар. Андин сўнгра ҳазрат Муҳаммад соллоллоҳу таоло алайҳи васалламнинг нури покларини товус суратида яратиб, бир оқ дурдин парда яратиб, шул пардага ўраб ўшал дарахтни устига қўйди. Муҳаммад соллоллоҳу таоло алайҳи васалламнинг нурулари ўшал дарахт устида туруб, етмиш минг йилгача тасбиҳ айттилар. Андин сўнгра худойи таоло бир ойна яратиб, ўшал нурунинг олдига қўйдикки, ани номини ойинаи ҳаё дерлар. Вақтики, нур ойинага назар қилди, кўрдикки, ўзининг сурати товус шаклидадур. Бу суратини бошқа нимарсаларнинг суратидин



зёбороқ кўруб, ўз ҳуснига Оллоҳ таолодин ҳаё қилиб, камоли уёлғонидин худойи таолога беш марта сажда қилди ва бул сажда даргоҳи илоҳийга мақбул бўлди. Бинобарин, бу дунёда Муҳаммад алайҳиссаломга ва умматларига беш вақт намоз ўқуб сажда қилмоқни амр қилди ва бизларга бул беш вақт намозда сажда қилмоқ фарзи муваққат бўлди.

Андин сўнгра Оллоҳ таоло ўшал нурга назари раҳмат бирла қараб эрди, нур худойи таолодин уёлғонидин терлади. Бас, ўшал нурнинг бошидин чиққон тердин худойи таоло малоикаларни яратди, юзидан чиққон тердин аршу курси ва лавку қалам ва осмон ва офтоб ва ой ва юлдуз ва булардин бошқа осмондаги бор нимарсаларнинг ҳаммасини яратди. Кўкрагидин чиққон тердин ҳамма анбиёларни ва пайгамбарларни ва олимларни ва шаҳидларни ва солиҳларни яратти. Ва икки қошидин чиққон тердин жамиъ мусулмонларни яратди ва икки қулоқидин чиққон тердин жуҳудларни ва носароларни ва оташпарастларни ва мунга ўхшаш гайридинларни яратди.

Андин сўнгра Оллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурларига амр қилди, айттики: "Ё нури Муҳаммад, олдинта ва орқангта ва икки ёнинта қарагил". Бас, Муҳаммад алайҳиссаломни нурлари олдиларига қарадилар, бир нур кўрдилар, ва орқаларида бир нур кўрдилар ва ўнг тарафларида бир нур кўрдилар ва сўл тарафларида бир нур кўрдиларки, ул нур ҳазрати Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розийоллоҳу анҳумнинг нурларидур.

Андин сўнгра Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурлари етмиш минг йилгача тасбиҳ айтиб турдилар. Андин сўнгра худойи таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурларидин ҳамма пайгамбарларнинг нурларини яратти ва ул нурларга назар қилиб аларнинг арвоҳларини ва бошқа одамларнинг арвоҳларини яратти. Бас, ҳаммалари айттилар: ЛА ИЛАҲА ИЛЛОЛЛОҲУ МУҲАММАДУР-РАСУЛУЛЛОҲ.

Андин сўнгра Оллоҳ таоло бир қизил ақидин бир қандил яраттики, камоли тинигелигидин шишадек ичи сиртидин кўринур эди. Андин сўнгра Муҳаммад алайҳиссаломнинг суратларини дунёдаги суратлардек суратда яратиб, ўшал қандилнинг устига кўйдик, дунёда намознинг қиёмида тургондек турдилар. Андин кейин ҳамма арвоҳлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурларини тавоф қилиб, юз минг йилгача тасбиҳ ва таҳлил айтиб турдилар. Худойи таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг суратига қаранглар деб ҳамма арвоҳларга амр қилди. Ҳаммалари қарадилар. Бас, ҳар кимик, қарагон вақтида бошларини кўрди, ул дунёга келганда халойиқ аросида султон ва халифа бўлди. Ҳар кимик юзларини кўрди, дунёда подшоҳи одил бўлди. Ҳар кимик, кўзларини кўзлади, дунёда хофиз каломуллоҳ бўлди. Ҳар кимик, қошларини кўрди, саодатманд бўлди. Ҳар кимик, қулоқларини кўрди, насихатпазир бўлди. Ҳар кимик, юзларининг рўҳини кўрди, яхши ва оқил бўлди. Ҳар кимик, мурунларини кўрди, ҳаким ва табиб бўлди. Ҳар кимик, лабларини кўрди, хушсурат бўлди ва подшоҳларга вазир бўлди. Ҳар кимик, оғзиларини кўрди, дунёда рўздор бўлди. Ҳар кимик, тишларини кўрди, хоҳ эркак, хоҳ хотун, ниҳоятда хушсурат бўлди. Ҳар кимик, тилларини кўрди, подшоҳлар аросида элчи бўлди.

Ҳар кимик, ҳалқларини кўрди, воиз ва муаззин ва насихатгўй бўлди. Ҳар кимик соқолларини кўрди, худонинг йўлида ғазот қиладургон бўлди. Ҳар кимик, гардларини кўрди, савдогар бўлди. Ҳар кимик, икки билакларини кўрди, худонинг йўлида найза ва қилич урадургон бўлди. Ҳар кимик, танҳо ўнг билакларини кўрди, қортуқ соладургон бўлди. Ҳар кимик, таиҳо сўл билакларини кўрди, жаллод ва тавоно бўлди. Ҳар кимик, ўнг қўлларини кафини кўрди, сарроф ва нақшош бўлди. Ҳар кимик, сўл қўлларини кафини кўрди, тарозубон бўлди. Ҳар кимик, бутун қўлларини кўрди, саҳий ва зийрак бўлди. Ҳар кимик, икки қўллари кафининг орқа тарафини кўрди, бахил ва лам бўлди. Ҳар кимик, танҳо ўнг кафларининг орқасини кўрди, буюқчи бўлди. Ҳар кимик, танҳо чап тараф кафларининг орқасини кўрди, ўтун терадургон ўтунчи бўлди. Ҳар кимик, панжаларини кўрди, котиб бўлди. Ҳар кимик, танҳо ўнг тараф панжаларининг орқасини кўрди, тикувчи бўлди. Ҳар кимик, чап тараф панжаларининг орқасини кўрди, темирчи ва чилангар бўлди. Ҳар кимик, кўкракларини кўрди, олим ва мужтаҳид бўлди ва худого кўп шукр қиладургон бўлди. Ҳар кимик, орқаларини кўрди, хуштавозиёш ва шариат амрига итоат қиладургон бўлди. Ҳар кимик, пешоналарини кўрди, дунё розий бўлди. Ҳар кимик, қоринларини кўрди, қаноатлик ва тақволик бўлди. Ҳар кимик, тиззаларини кўрди, ракуъ ва сужуд қиладургон, яъни нафл намозини қўб ўқуйдургон бўлди. Ҳар кимик, икки оёқларини кўрди, сайд ва шикор қиладургон бўлди. Ҳар кимик, оёқларининг тагини кўрди, пиёда юрадургон бўлди. Ҳар кимик, ўзларини кўролмади, сояларини кўрди, созанда ва танбурсоз бўлди. Ҳар кимик, ўшал вақтда асло қарамагандур, дунёда мутакаббир, муддаий ва мушрик бўлуб, фиръавндек, даъвои худодик қилди. Ҳар кимик, ўшал вақтда қаради, лекин ҳеч нимарса кўролмади, алар жуҳуд ва носаро ва оташпараст бўлди.

Билгилки, батаҳқиқ Оллоҳ таоло намозни Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васалламнинг суратларида буюрди. Чунончи, намоз ўқугонда қиёмда турмоқ "алиф" суратига ўхшайдур. Рукуда ҳам бўлуб турмоқ "ҳо" суратига ўхшайдур. Саждала ётмоқ "мим" суратига ўхшайдур. Қаялада ўтурмоқ "дол" суратига ўхшайдур. Ва яна одамнинг суратини Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васалламнинг суратларида яратти. Чунончи, одамнинг боши "мим" суратига ўхшаш юмалоқдур. Икки қўли "ҳо" суратига ўхшайдур. Қорни яна "мим" суратига ўхшайдур. Оёғи "дол" суратига ўхшайдур. Одамнинг сурати бу тариқда яратилгон учун Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи шарифларининг ҳурматидин худойи таоло қиёмат кунинда ҳеч бир кофирни ўз суратига қўйиб дўзахда куйдурмас, балки суратини тўнгуз суратига айлантуруб куйдурар. Чунки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг номларига ўхшаган суратнинг дўзахда куймағи муносиб эмас. Валлоҳу аълам биссабов.

## ИККИНЧИ БОБ

### ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМНИ ЯРАТМОҚНИНГ БАЁНИ

Ҳазрат Ибн АББОС розийоллоҳу таоло анҳу айтибдурларки, худойи таоло Ҳазрат Одам алайҳиссаломни ҳамма иқлимни туфроғидин олиб яратти. Бу тариқадан бошларини Каъбатуллоҳнинг туфроғидин, кўкракларини Даҳанонинг туфроғидин, қорин ва орқаларини Ҳинд туфроғидин, икки қўлларини Машриқнинг, икки оёқларини Мағрибнинг туфроғидин яратти. Яна Ваҳб ибн Минбаҳ розийоллоҳу таоло анҳу айтибдурларки, Оллоҳ таоло Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг жасади муборақларини етти табақа ернинг ҳаммасидин олиб халқ қилди. Шул тариқдаки, бошларини биринчи табақа ердин, гарданларини иккинчи табақа ердин, кўкракларини учинчи табақа ердин, икки қўлларини тўртунчи табақа ердин, орқа ва қоринларини бешинчи табақадин, сонларини ва думбаларини олтинчи табақадин, иликларини ва қадамларини еттинчи табақадин.

Ва бир ривояда ҳазрат Ибн Аббос розийоллоҳу анҳумо айтибдурларки, худойи таоло Одам алайҳиссаломнинг бошларини Байтул-Муқаддаснинг туфроғидин, ўнг қўлларини Каъбатуллоҳнинг туфроғидин, чап қўлларини Форсинг туфроғидин, икки оёқларини Ҳинднинг туфроғидин, устухонларини тоғнинг туфроғидин, авратларини Бобилнинг туфроғидин, орқаларини Ироқни туфроғидин, тилларини Тоифнинг туфроғидин, юзларини Жаннатул-Маъвонинг туфроғидин, тишларини ва кўзларини ҳавзи Кавсарнинг туфроғидин, дилларини Жаннатул-Фирдавснинг туфроғидин яратти.

Бас, вақтики, Одам алайҳиссаломнинг бошлари Байтул-Муқаддаснинг туфроғидин эрди, бинобарин, ақлнинг ва зийракликнинг макони бўлди. Юзлари жаннатнинг туфроғидин эрди бинобарин, малоҳатнинг макони бўлди. Ўнг қўллари Каъбанинг туфроғидин эрди, бинобарин, саховатнинг макони бўлди. Чап қўллари Форсинг туфроғидин эрди, едилар, худойи таолога беадаблик бўлди. Бу сабабдин чап қўл бирла таом емак бизларга макруҳ бўлди. Орқалари Ироқнинг туфроғидин эрди, бинобарин, қувватнинг макони бўлди. Авратлари Бобилнинг туфроғидин эрди, бинобарин, шаҳватнинг макони бўлди. Устухонлари тоғнинг туфроғидин эрди, бинобарин, барполининг ва қаттигелиннинг макони бўлди. Диллари Жаннатул-Фирдавснинг туфроғидин эрди, бинобарин, имоннинг макони бўлди. Тиллари Тоифнинг туфроғидин эрди, бинобарин, шаҳодатнинг макони бўлди.

Билгилки, Худойи таоло Одамнинг жасадин тўққиз эшик очти. Еттиси Одамнинг бошидадур ва иккиси паст жасадидадурки, бул ҳаммаси марҳамати илоҳийдур. Яъни, Одамга икки кўз ато қилди, Каломуллоҳни кўруб, қудрати илоҳийни мушоҳиди мушоҳада қилмоқ учун. Аммо, номаҳрамга назар қилмоқ, бир гайрининг айбига назар қилмоқ учун эмас. Ва икки қулоқ берди, Каломуллоҳнинг тиловатини ва азонини эшитмоқ ва яхшиларнинг насихат ва амри маъруф ва наҳий мункарларини тингламоқ учун. Аммо, ғийбат ва шикоятни эшитмоқ учун эмас. Икки мурун берилди, зоҳирда роиҳоти тойиба бирла ўзини пок тутуб нажас ва бошқа ҳаромлардин баданини муҳофазат қилмоқ учун ва ҳақиқатда насими биҳишт бўйидин баҳравар бўлуб, ибодатга барпо бўлмоқ учун. Аммо роҳи шайтонийдин бўйи касофат олиб, маъсиятни иртиқоб қилмоқ учун эмас. Оғиз берди, Худойи таолонинг зикрига ва шукрига ва каломининг тиловатига машғул бўлмоқ учун. Аммо, ғийбат ва шикоят сўзламоқ учун эмас. Ва паст аъзоларидин икки йўл берди, азбаройи қазойи ҳожат ва маоши мақбули шариат учун. Аммо, иртиқоби маъсият учун эмас.

Ривоят қилибдурларки, вақтики, Худойи таоло Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг жасадирига жон киргузмоқни ирода қилди, шул вақтда "Одамнинг жасадири киргил" деб жонга амр қилди.



Бас, жон келиб Ҳазрат Одамнинг димоғларида икки юз йилгача айланиб юрди. Андин сўнг Одамнинг бошидин тушуб, икки кўзига келди. Ва бул жоннинг қуввати бирла Одам алайҳиссалом ўз жасадига қаради. Кўрдики, ҳамма жасади лойдур. Андин сўнг, вақтики, жон Одамнинг қулогига келди, анинг қуввати бирла малонкаларнинг тасбиҳини эшитти. Андин сўнгра Одамнинг мурунига етти, анинг қуввати бирла Одам алайҳиссалом бир акса урди. Ҳануз аксадин фориг бўлғони йўқ эрди, жон Ҳазрат Одамнинг оғзига ва тилига келди. Бас, Одам алайҳиссалом "Алҳамду лиллаҳ" деб талқин айттилар. Оллоҳ таоло Ҳазрат Одамнинг талқинини ижобат қилиб "Йарҳамуколлоҳ, йа Одам" деб жавоб берди. Андин сўнг жон Ҳазрат Одамнинг кўкрагига тушуб эрди. Ҳазрат Одам тезлик бирла турмоққа қасд қилди. Лекин, паст аъзода жон бўлмаган сабабидин турмоқ мумкин бўлмади. Қавли Оллоҳи таолоки, ВА КАНАЛ-ИНСАНУ АЖУВЛАН шул мазмунга нозил бўлди.

Вақтики, жон Ҳазрат Одамнинг қоринларига етиб эрди, таом эмоқни хоҳладилар. Андин сўнг жон тамом баданларига тарқаб эрди, баданлари гўшт, қон, тамур ва пай бўлди. Андин сўнгра Худойи таоло Ҳазрат Одамнинг тамом баданига тирноқ бирла либос кийгузган эрди, яъни, ҳамма баданлари тирноқ эрдик, кундин-кунга ул тирноқнинг ҳусни зиёда кўрунур эрди. Вақтики, Ҳазрат Одам гуноҳга яқин бўлуб эрди, Худойи таоло таъзир учун анинг баданидаги тирноқни терига айлантуруб, панжалариди андак намуна қўйди. Токи, аввалги ҳоли ёд қилиб, гуноҳидин пшаймон бўлсун учун.

Андин сўнг Худойи таоло Ҳазрат Одамга жаннатнинг либосларидин кийгузди. Ушал вақтда Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг нурулари Ҳазрат Одамнинг пешоналаридин шуъла бериб, гўёки, ўн тўрт кечалик ойдек тобиш берар эрди. Бас, Оллоҳ таолодин фармон бўлдики: "Эй малонкалар, Ҳазрат Одамни осмонлардин айлантурунглар, токи, осмонни ва осмонда бор нимарсаларнинг ажойиблигини тамошо қилиб, мандек Худонинг азаматлигимга илми яқин пайдо қилсун" деб. Фаришталар дарҳол "Роббана, самиъна ва атоъна" деб жавоб бердилар. Яъни, эй парвардигоримиз, фармонингни эшитдк ва фармонбардорлик қилдк" деб гарданларига Ҳазрат Одамни кўтариб, икки юз йилгача осмондин айлантурдилар. Андин сўнг Худойи таоло Одам учун мушки тезбўйдин бир от яратди. Ул отнинг икки қаноти бор эрди. Бири дурдин ва бири маржондин эрди. Бас, Ҳазрат Одам ул отга миндилар ва Жаброил алайҳиссалом юганидин етаклаб, ўн тарафларидин Микоил алайҳиссалом, чап тарафларидин Исрофил алайҳиссалом юруб, ҳамма осмонларни айланур эрдилар. Одам алайҳиссалом ҳар ерда фаришталарни кўрсалар "Ассалому алайкум" деб салом бера эрдилар. Фаришталар "Ва алайкум асسالом ва раҳматуллоҳ" деб жавоб берар эрдилар. Худойи таоло буларнинг саломларини мақбул қилиб айтдики: "Эй Одам, сизнинг бу саломингиз эмди то қиёматгача мусулмон авлодларингизнинг миёнларида жорий бўлуб". Валлоҳу аъламу бис-саов.

## УЧИНЧИ БОБ

### ФАРИШТАЛАРНИ ЯРАТМОҚНИНГ БАЁНИ

Билгилки, Худойи таоло аввал тўрт фаришта яратди. Номлари Микоил, Исрофил, Жаброил ва Азроил алайҳиссаломдурлар. Буларнинг ҳар бирларини халойиқ ишларига ва оламнинг тадбирларига сабаб қилди. Масалан, Жаброил алайҳиссаломни ваҳийга ва элчиликка муаккил қилди. Микоил алайҳиссаломни қор ва йамғурга ва махлуқотнинг ризқларига муаккил қилди. Азроил алайҳиссаломни махлуқотнинг жонларини олмаққа муаккил қилди. Исрофил алайҳиссаломни охир замонда сур тортмоққа муаккил қилди.

Ҳазрат Ибн Аббос розийоллоҳу анҳу айтибдурларки, Ҳазрат Исрофил Худойи таолодин етти табақа осмоннинг қувватини сўрадилар. Худойи таоло Исрофил алайҳиссаломга етти табақа осмоннинг қувватини берди. Сўнг етти қабат ерининг қувватини сўради. Анинг қувватини ҳам берди. Тоғларнинг қувватини сўради, анинг қувватини ҳам берди. Тоғлардаги даррандаларнинг қувватини ҳам сўради, аларнинг қувватини ҳам берди. Инс ва жинларнинг қувватини ҳам сўради, аларнинг қувватини ҳам берди. Исрофил алайҳиссаломнинг бошларидин то оёғларигача неча адад қаноатлари бордур ва тамом баданларида заъфарондин парлари ва ҳар парларида минг-минг юзлари бордур. Ҳар юзларида минг-минг оғизлари ва тиллари бордур. Ва бул оғиз ва тиллари ҳаммаси қанотлари билан ўролгондур. Ҳар бир тиллари бирла минг-минг лугатда Худога тасбиҳ айтурлар. Ва ул кишининг ҳар бир нафасларидин Худойи таоло ҳар бир фаришта яратадурки, аларнинг ҳаммалари то қиёматгача Худойи таолога тасбиҳ айтурлар. Аларнинг номларини Малонкатул-муқаррабун дерларки, Худойи таолонинг даргоҳига яқиндурлар. Аларнинг баъзилари Аршни кўтариб

турадургондурлар. Баъзилари киромул-котибайндурлар, яъни, бандаларнинг савоб ва гуноҳларини номаи аъмолига ёз- турадургондурлар. Буларнинг ҳаммаларининг суратлари ҳазр. Исрофил суратларидадур. Исрофил алайҳиссалом ҳар куни ул маротаба жаҳаннамга қарарлар ва жаҳаннамнинг шиддатидин банданлари эриб, ўзлари гўё камоннинг зиҳидек бўлуб чунон йилгаб зори ва тазарруф қилурларки, агар йилгамоқларини Худойи таоло манъ қилиб, кўзларининг ёшини тўхтатмаса эрди, кўзларининг ёшига ер юзи тўлуб, Нуҳ алайҳиссаломнинг тўфонларидек оламни хароб қилур эрди. Исрофил алайҳиссаломнинг жисмларининг катталиги чунон эзурки, агар ҳамма дарёларнинг сувини Исрофил алайҳиссаломнинг бошларидин тўкса, бир қатра сув ерга тушмай ҳаммаси бошларида қолур.

Микоил алайҳиссаломни Худойи таоло Исрофил алайҳиссаломдин беш юз йил кейин яратди. Ва бул кишига беадад қанот бердики, ҳамма қанотлари забаржаддиндур, бошларидин то оёғларигача заъфарондин парлари бордур. Ҳар бир парларида минг-минг юзлари ва ҳар юзларида минг-минг кўзлари бордур, минг-минг оғизлари бордур. Ва ҳар бир тиллари билан минг-минг хил лугатда гуноҳқор мўминларнинг гуноҳларини Худойи таолодин тиларлар. Ҳар бир кўзлари билан гуноҳқор мўминларнинг ҳолига раҳм қилиб йилларлар. Ва ҳар бир кўзларининг ҳар нафасда етмиш минг қатра ёш тўкулуб. Ҳар бир қатра ёшларидин Худойи таоло бир фаришта яратадурки, алар то қиёматгача Худойи таолога тасбиҳ айтиб, бандаларнинг гуноҳларини Худойи таолодин тилаб турарлар. Аларнинг номларини Руҳонийун дерлар.

Аммо Малакул-мавт, яъни, ҳазрат Азроил алайҳиссаломнинг суратлари ҳар ваҳждин Исрофил алайҳиссаломнинг суратларига ўхшашдур.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

### ЎЛУМНИ ЯРАТМОҚНИНГ БАЁНИ

Ҳазрат пайгамбаримиз алайҳиссаломати вас-саломдин ривоят қилибдурларки, вақтики, Оллоҳ таоло ўлумни яратти, анга етмиш минг қанот, етмиш минг кўз берди. Анинг катталиги шундоғдурки, етти табақа осмон ва етти қабат ердин каттадур. Ани аввал ҳолда Худойи таоло минг-минг парда бирла ўраб, халойиқдин беркитиб қўйган эрди. Ва Тангри таоло ўз қудрати билан ани етмиш минг занжир бирла боғлаб қўйган эрдик, ҳар бир занжирнинг бўйи бир минг йиллик йўлдур. Фаришталар бул ўлумнинг яқинига келмас, анинг овозини атрофдин эшитар эрдилар. Аммо, ўзининг қайда эканлигини билмас ва бу овоз қиладургон нимарсанингни ўзини қандоғ нимарса эканлигини билмас эрдилар.

Вақтики, Худойи таоло Одам алайҳиссаломнинг жонларини олмаққа Ҳазрат Азроил алайҳиссаломни мусаллат қилиб эрди, сўрадиларки: "Эй парвардигори олам, ўлум нимадур?" Бас, Худойи таоло ўлумни ўраб беркитиб қўйган пардаларга амр қилди, пардалар очилдилар. Ҳазрат Азроил ўлумни кўрдилар ва фаришталар ўлумнинг ҳайбатидин кўрқуб қочиб эрдилар, Худойи таоло фаришталарга "Тўхтанглар ва ўлумга қаранглар" — деб амр қилди. Фаришталар ночор Худойи таоло амри билан тўхтаб, ўлумни кўруб, тамошо қилдилар. Андин кейин Худойи таоло ўлумга амр қилдики: "Эй ўлум, ҳамма кўзларининг очиб ҳамма қанотларинг бирла фаришталар тарафига қараб учил". Вақтики, ўлум аларнинг тарафларига қараб учиб эрди, фаришталар ҳаммалари анинг ҳайбатидин кўрқуб икки минг йилгача беҳуд бўлуб йиқилдилар. Вақтики, ҳушларига келдилар, айдилар: "Эй парвардигори олам, ҳеч мундин ҳам каттароқ нимарса яратқонмусан?" Худойи таоло айдди: "Ушбу ўлумники ман яратдим, ўзум мундин каттадурман. Ҳар махлуқики, ман яратурман, албатта ўлумни шарбатидин ичар. Қавли Оллоҳ таолоки, КУЛЛИ НАФСИН ЗАЙҚАТУД-МАВТ, ушбу мазмунга нозил бўлди. Худойи таоло яна айдди: "Эй Азроил, ман сани бу ўлумга мусаллат қилдим". Азроил алайҳиссалом айдилар: "Худоё, ман мундоғ катта нимарсага қайси қувват бирла мусаллат бўлуб, мун ишларман". Худойи таоло қувват ато қилди. Азроил алайҳиссалом ўлумни ушлаб эрдилар, ўлум тўхтади.

Андин сўнгра ўлум Худойи таолонинг даргоҳига илтижо қилдики, "Худоё, манга ижозат берсанг, токи ман осмон бирла ерининг орасида туруб бир нидо қилсам". Бас, Худойи таоло ижозат берди. Ўлум бандан овоз бирла нидо қилиб айдди: "Эй Худонинг махлуқлари, билинглар! Ман шундоғ ўлумдурманки, икки дўстинг бирини биридин, эрни хотундин, қизни онадин, ўглини отадин, огани инидин жудо қилурман. Ман шундоғ ўлумдурманки, уйларни ва кўшларни хароб қилурман. Ман шундоғ ўлумдурманки, сизларни ўлдуарман. Агарчандики, мустаҳкам кўшқ қилиб беркиниб ўлтурсанглар ҳам асло мапдин халос тополмайсизлар. Ҳеч бир махлуқ маннинг шарбатимдин ичмай қолмас". Ҳар вақтики, ўлум бир кишига



келса, аввал келиб ўшал ҳайбатли суратда олдида турар. Ул киши айтур: "Сан кимсан?" Ўлум айтур: "Мани шундоғ ўлумдурманки, сани дунёдин чиқарурман. Фарзандларингни етим, хотунингни бева қилурман ва сан ёмон кўрадургон ворисларинга молингни мерос қилурман. Бас, агар ўзинг учун илгари яхшилик ва хайр иш қилган бўлсанг, бугун ўз яхшилигинг ўзининг олдинга қайтур ва мундин кейин хайрлик санго наф қилмас".

Бир вақтики, ул киши бу сўзни эшитур, дарҳол юзини ўлум тарафидин ўгуриб девор тарафига қарар. Кўрарки, ўлум девор тарафидадур. Дарҳол яна бир бошқа тарафга қарар. Кўрарки, ул тарафда ҳам ўлум ҳозирдур. Ҳар тарафга қараса, ул тарафдин ўлум кўрунур, ўлумдин ўзга ҳеч нимарса кўрунмас.

Андин сўнгра улум айтурки: "Эй бандаи гариб, сан мани тонимадингму? Мани шундоғ ўлумдурманки, ота ва онангинг жонини олдим. Ўшал вақтда сан ота ва онангинг бошида ўлтуруб эрдинг, мандин халос қилиб ололмадинг. Эмди ўзининг жонингни ҳам олурманки, фарзандларинг сани ҳам мандин халос қилиб оломаслар. Мани шундоғ ўлумдурманки, подшоҳларинг ва тавоно кишиларинг жонини олдим. Алар ҳам бу қадар лашкар ва бу қадар қувватлари бирла мандин халос тополмадилар. Ваҳоланки, алар сандин бақувватроқ эрдилар".

Андин сўнгра ўлум ул кишини сўрар: "Эй банда, дунёни қандоғ кўрдинг? Ул банда айтур: "Дунёни бевафо ва фирибгар кўрдим".

Андин сўнгра Худойи таоло дунёни бир кампир хотун суратида қилиб ул кишига юборур. Дунё айтурки: "Эй осий, мундоғ ёлгон сўзни айтголи уёлмасмусан. Санинг ўзинг манда туруб гуноҳ қилдинг, гуноҳдин ўзингни сақламадинг. Мани ўзинг талаб қилдинг, аммо сани талаб қилмадинг. Ҳаттоки, ҳалол бирла ҳаромни фарқ қилмадинг. Хаёлингда дунёдин кетмасман деб гумон қилдинг. Мани бул гуноҳлардин биридурман. Нечук мани фирибгар десаи?"

Андин кейин ул бечора киши молларига қарар. Кўрарки, ҳаммаси бошқа одамларнинг қўлига тушиб кетгандур. Ул моллар бул кишига қараб итоб қилиб айтурки: "Эй осий, батаҳқиқ сан мани ҳаромдин касб қилиб топдинг. Фақир ва мискинларга мандин садақа бермадинг. Эмди бу кун бошқаларнинг қўлига кирдим, манинг ҳузур ва ҳаловатимни алар, азобу ўқубатимни сан кўрарсан. Қавли Оллоҳ таолоки, ЙАВМА ЛА ЙАНФАЪУ МАЛУН ВА ЛА БАНУН ИЛЛА МАН АТАОЛЛОҲУ БИҚОЛБИН САЛИМИН" 4 ушбу маънига нозил бўлбдур.

Андин кейин ул бечора айтурки: "Худоё, мани ўлдурмай дунёга иккинчи қайтарғил, шоядки, аввалда тарк қилгон савобларини эмди қилсан ва гуноҳлардин парҳез қилсан".

Худойи таоло айтурки: ФАИЗА ЖАА АЖАЛУҲУМ ЛА ЙАСТАҲХИРУНА СОАТАН ВА ЛА ЙАСТАҚДИМУН 5, ВА ЛАН ЙУҲХИЗОЛЛОҲУ НАФСАН ИЗА ЖАА АЖАЛУҲА 6. Яъни, маҳлуқотнинг ҳар вақт ажаллари етушса бир соат кейин ҳам қолмаслар ва ажалдин бир соат илгари ҳам ўлмаслар. Агар ҳар кимнинг ажали етушса Худойи таоло ҳаргиз ўлумни кечиктирмас.

Андин кейин Азроил алайҳиссалом келиб Худонинг амри бирла жонини олур. Агар ул киши мўмин бўлса, охиратга небаҳтликда борур. Агар мунофиқ бўлса, бадаҳтликда борур. Қавли Оллоҳ таолоки, ИННА КИТАБАЛ-АБРОРИ ЛАФИЙ ИЛЛИЙИН ВА ИННА КИТАБАЛ-ФУЖЖАРИ ЛАФИЙ СИЛЖИЙИН 7, ушбу мазмунга нозил бўлбдур. Валлоҳу аъламу бис-савоб.

## БЕШИНЧИ БОБ

### ҲАЗРАТ АЗРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҚАЙСИ ТАРИҚАДА ЖОН ОЛМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ

Китоби Салвонда Муқотил ибн Сулаймон раҳматуллоҳи алайҳинг ривоят қилурки, еттинчи осмонда ҳазрат Азроил алайҳиссаломнинг турадургон бир тахтлари бордур. Анинг етмиш миғг пояси бордурки, ани Худойи таоло нурдин яратқондур. Баъзи ривоятда ул тахт тўртинчи осмондадур. Азроил алайҳиссаломнинг ҳамма аъзоларида кўзлари, тиллари ва қўллари бордурки, адади бу дунёга келган ва эмди келадургон ҳамма жонворларнинг ададига баробардур. Ҳар бир кўзлари бир жонворнинг жонини олмоқ қастида мунтазирдур. Ҳеч бир одамидин ва паррандалардин ва ваҳший ҳайвонлардин ва бошқа жонворлардин йўқдурки, Азроил алайҳиссаломнинг анга қараб тургон кўзлари бўлмаса. Албатта, ҳар бир маҳлуққа бир кўз, бир тил ва бир қўллари бордурки, анинг бирлан ул маҳлуқнинг жонини олурлар.

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айдиларки, ҳазрат Азроил алайҳиссаломнинг олти юзлари бордур. Бир юзлари олдиларида, бир юзлари орқаларида, бир юзлари ўнг

тарафларида, бир юзлари чап тарафларида, бир юзлари бошларида ва бир юзлари оёқларининг тағидадур.

Асҳоблардин бирлари сўрдиларки: "Е расулуллоҳ, бир кишига олти тарафдин юз бўлмоғининг сири нимадур?" Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айдилар: "Ҳазрат Азроил алайҳиссалом ўнг тараф юзлари бирла Машриқ тарафига қараб, ақли Машриқнинг жонларини олурлар. Чап тараф юзлари бирла Мағриб тарафига қараб, ақли Мағрибнинг жонларини олурлар. Орқа тараф юзлари бирла кофирларнинг ва ақли дўзахиларнинг жонларини, олди тараф юзлари бирла мўминларнинг ва ақли жаннатларнинг жонларини олурлар. Бош тараф юзлари бирла осмон тарафига қараб ақли осмонларнинг ва охир замонда фаришталарини, оёқларининг тағидаги юзлари бирла жинларнинг ва ер тағидаги жонворларнинг жонларини олурлар. Ҳоказо, қайси тарафдаги маҳлуқнинг қазоиси етса, юзлари бирла қараб, ўшал тарафдаги кўзлари бирла кўруб, ўшал тарафдаги қўллари бирла олурлар. Бас, агар бир маҳлуқи ўлса, Азроил алайҳиссаломнинг жасадиридин бир кўзлари йўқ бўлур.

Баъзи ривоятда Азроил алайҳиссаломнинг тўрт юзлари бордур. Бир олдинларида, бири бошларида, бири орқаларида ва бири оёқларининг остидадур. Бас, бошларидаги юзлари бирла пайгамбарларнинг ва фаришталарнинг, олдиларидаги юзлари бирла мўминларнинг, орқаларидаги юзлари бирла кофирларнинг, оёқларининг остидаги юзлари бирла девларнинг, жинларнинг ва шайтонларнинг жонларини олурлар. Ўзлари ҳамма вақт ўнг оёқларини жаннатнинг тахтига ва чап оёқларини жаҳаннамнинг кўфруги устига қўйиб турарлар. Ҳазрат Азроил алайҳиссаломнинг катталикларини ровийлар шундоғ дебдиларки, агар дунёдаги ҳамма дарёларнинг ва ҳамма анҳорларнинг сувини Азроил алайҳиссаломнинг бошларидин тўкса, бир қатра сув ерга тушмай, ҳаммаси бошларида қолур.

Ривоят қилибдиларки, дунёнинг ҳаммаси гўё бир хондурки, анинг устига ҳар хил таомлар қўйулгондур, меҳмон қайси таомдин хоҳласа, олиб ер. Азроил алайҳиссалом меҳмон қилибдиларки, дунё ул кишининг наздларида хон кибибдур. Бул дунёда қайси маҳлуқнинг қазоиси етса, хондин таом олиб егандек анинг жонини олурлар. Азроил алайҳиссалом дунёни кафларига олиб, гўё киши кафига бир тангани олиб ўйнагондек олиб ўйнамоққа қодирдилар.

Баъзи қавлда Азроил алайҳиссалом пайгамбарларнинг руҳларини қабз қилмоққа нозил бўлурлар. Аммо ўзга одамларнинг ва ўзга маҳлуқларнинг руҳини қабз қилмоққа ўзлари нозил бўлмаслар, балки, неча адад ноиблари бордурки, алар нозил бўлб маҳлуқотни қабзи руҳ қилурлар.

Ривоят қилибдиларки, агар Худойи таоло ҳамма маҳлуқотни фано қилмоқни хоҳласа, албатта, Азроил алайҳиссаломнинг жасадиридин ҳамма кузлари фано бўлур. Магар саккиз кўзлари боқий қолур, саккиз киши учунки, алар Жабрил, Исрофил, Микоил алайҳиссалом, Азроил алайҳиссаломнинг ўзлари ва аршини кўтариб турадургон тўрт фариштадурлар. Аммо маҳлуқотларнинг ажаллари етгани Азроил алайҳиссаломнинг ўзлари билмаслар, балки ҳар вақт ўлумнинг нишонаси ва касалининг намунаси маълум бўлса, ул вақтда Худойи таолога айтурлар: "Худоё, бул банданинг жонини қай вақтда ва қайси ҳолда олурман ва қайси кайфиятда тортурман". Худойи таоло айтурки: "Эй Азроил, банданинг жонини қайси вақт ва қайси тариқада олмоқдиг манинг илми гаёбидурки, мун мандин ўзга киши билмас. Лекин, жон олмоқ вақти келса, санго ўзум билдирурман ва қазоиси етган кишида неча хил аломатлар зоҳир қилурманки, анинг бирла ул маҳлуқнинг умри охир бўлгониши билурсан. Ул аломатлардан бири шулки, банданинг нафасига муаккил бўлгон фаришта санго келиб айтурки, фалон ибни фалон банданинг нафаси тамом бўлди. Ризқиға муаккил бўлгон фаришта келиб айтурки, фалон ибни фалон банданинг ризқи тамом бўлди. Ҳаракатиға муаккил бўлгон фаришта келиб айтурки, фалон ибни фалон банданинг ҳаракати ва аъмоли тамом бўлди. Яна бир фаришта келиб Сидратул-мунтаҳо деган дарахтинг баргидин бир яфронини олиб келиб ҳазрат Азроил алайҳиссаломнинг олдиларига қўярларки, фалон ибни фалон банданинг умри тамом бўлди деган иборат ёзилгондур.

Бу аломатлар зоҳир бўлгондин сўнгра Ҳазрат Азроил алайҳиссалом ул банданинг жонини олурлар. Агар ул банда небаҳтлар қаторида бўлса, ўшал яфронг узра ёзилгон номининг атрофидин бир нур зоҳир бўлур, агар бадаҳтларнинг қаторида бўлса, ул яфронг узра ёзилгон номи ниҳоят даражада қаро бўлур. Ҳаттоки, Азроил алайҳиссалом ўқуйолмаслар.

Андин сўнгра аршининг тағидаги Шажаратул-яқин деган дарахтинг яна бир яфронг Азроил алайҳиссаломнинг олдиларига тушурки, ул яфронг узра ул банданинг номи қаро хат бирла ёзилгондур. Ул хатни кўруб Азроил алайҳиссалом ул банданинг жонини олурлар.

Яна ҳазрат Хўжа Каъбул Ахбор розийоллоҳу таоло анҳу пайгамбар алайҳиссаломдин ривоят қилибдиларки, Оллоҳ таоло аршининг тағида бир дарахт яратқондурки, баргининг адади жумла халойиқнинг адади бирла баробардур ва ҳар бир



барг узра бир махлуқнинг номи ёзилгандур. Бас, агар банданинг умри охир бўлса, умридин қирқ кун қолгон вақтда ул дарахтдин бир барг тушуб, Азроил алайҳиссаломнинг ёнларида турар. Андин сўнгра, ул бандани осмонда ўлук деб от қўялар, агарчандики, ер юзиде қирқ кунгача тирик юрса ҳам. Қирқ кундин кейин Худойи таолонинг фармони бирла анинг жонини олурлар.

Бир ривоятда Микоил алайҳиссалом Худойи таоло тарафидин бир хат олиб келиб, Азроил алайҳиссаломнинг қўлларига берурларки, ул хатга умри тамом бўлган банданинг номи ёзилгандур. Азроил алайҳиссалом ул хатни ўқуғонларидин сўнгра, ул банданинг жонини олурлар.

Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳни таоло алайҳи ривоят қилибдуларки, Азроил алайҳиссаломнинг қўлларида бир саҳифа қоғоз бордурки, анга ҳамма махлуқотнинг номи ёзилгандур. Ҳар кимнинг қазоси етса, ул қоғоздаги номининг устига аршдин бир қатра сув томиб, номини ўқуғурар. Бас, агар ул киши некбахт бўлса, аршдин томгон сувнинг ранги оқ бўлгон, агар бадбахт бўлса, сувнинг ранги кўк бўлгон.

Ул банданинг қайси жойда ўлмоғини Азроил алайҳиссалом на тариқада билмоқларини шундоғ ривоят қилибдуларким, Худойи таоло бир фаришта яратиб, жамъи онодин тўғуладургон махлуқларга муаққил қилди. Ул фаришта ҳар қайси банданинг туфроғини бир ердин олиб, онасининг раҳмига қўйур ва ул туфроғ фарзанд бўлуб таваллуд топар. Баъзи ривоятда ҳар бир махлуқнинг ўзига алоҳида бир фаришта муаққилдурки, аларнинг номларини Милоикатул арҷом дерлар. Аларнинг ҳар қайсилари ўзлари муаққил бўлгон махлуқнинг туфроғини ҳар бир ердин олиб келиб, онасининг раҳмига қўялар ва ул туфроғ фарзанд бўлуб таваллуд топар, ва ер юзиде Худойи таолонинг таъйин қилгон замониғача юруб, охир фурсатда Худойи таолонинг иродаси бирла ўшал ўзининг туфроғи олингон ерга борур. Бас, муаққил бўлгон фаришта келиб Азроил алайҳиссаломга айтурки, маннинг муаққилим фалон ибни фалон ўзининг туфроғи олинган маконига келди. Бас, Азроил алайҳиссалом ул ерда анинг жонини олурлар. Қавли Оллоҳ таолоки, ҚУЛ ЛАВ КУНТУМ ФИ БУЙУТИКУМ ЛАБАРОЗАЛЛАЗИНА КУТИБА АЛАЙҲИМУЛ ҚАТЛУ ИЛА МАЗОЖИЪИҲИМ 8 ушбу мазмунга далолат қилур.

Бинобарин, ҳикоят қилибдуларки, қадим замонда Азроил алайҳиссалом кўзга кўрунуб келур эрдилар. Бир кун ҳазрат Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом олдиларида бир ёш бола ўлтуруб эрди. Азроил алайҳиссалом келиб, ул болага назари ҳайрат бирла қарадилар. Ул бола камоли қўрққанидин тамоми бадани ларзага тушди. Андин сўнгра Малакут-мавт боланинг кўзидин гойиб бўлдилар. Ул бола ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломга арз қилдики: "Ё набийуллоҳ, жанобингиздин умид қилурманки, шамолга амр қилсангиз, токи мани олиб бориб Чин шаҳрига қўйса". Сулаймон алайҳиссалом шамолга амр қилдилар, шамол бул болани кўтариб кетиб, Чин шаҳрига қўйди. Азроил алайҳиссалом Чин шаҳрига бориб, ул боланинг жонини олдилар. Андин сўнгра келиб ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломнинг олдиларида ҳозир бўлдилар. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом Азроил алайҳиссаломнинг ул болага ҳайбат назари бирла қарагонларининг сабабини сўрдилар. Ҳазрат Азроил алайҳиссалом айтдиларки, батаҳқиқ Худойи таоло манго амр қилдики, ул боланинг жонини Чин шаҳрида олгил деб. Бас, ман кўрдимки, сизнинг олдингизда ўлтурубдур, бу маънига таажуб қилиб, боланинг кўзидин гойиб бўлдим. Бас, Сулаймон алайҳиссалом бу боланинг қиссасини баён қилиб айдиларки, бу бола манго арз қилдики: "Ё набийуллоҳ, шамолга амр қилсангиз, то мани Чин шаҳрига олиб бориб қўйса. Токи, ул ҳайбатлиг кўрунгон нимарсадин йироқ бўлсам". Бас, илтимосга мувофиқ амр қилдим. Ани шамол учириб бориб, Чин шаҳрига қўйиб келди. Ҳазрат Азроил алайҳиссалом айдилар: "Орий, шундоғ бўлди. Ман ҳам бориб Худойи таолонинг амрига мувофиқ ул боланинг жонини Чин шаҳрида олдимки, анинг туфроғи Чин шаҳридин олингон экан. Бинобарин, ул ерга бормоқга Худойи таолонинг иродаси бирла ўзи сабаб бўлур".

Баъзи ривоятда айтибдуларки, Азроил алайҳиссалом пайғамбарлардан ўзга кишининг жонини олмаслар. Балки, ўзга одамларнинг ва ҳайвоиларнинг жонларини олмоқ учун пече адад ноиблари бордурки, алар олурлар. Чунончи, ҳикоят қилибдуларки, бир одам бор эрди, доим "Аллоҳуммағфир лий ва лималкиш-шамс" деб истиффор айтар эрди. Яъни, "Эй бор Худоё, мани ва офтобга муаққил бўлуб тургон фариштани мағфират қилгил" дер эрди. Бир кун ул фаришта ўшал одамни зиёрат қилмоқ учун Худойи таолонинг ижозат сўради. Худойи таоло ижозат берди. Бас, ул фаришта келиб, ўшал одамдин сўрадики: "Эй банде, сан мани доим дуо қилурсан, манда нима ҳожатинг бордур?" Ул одам айтиди: "Сандин илтимосим шулки, мани кўтариб ўзининг маконингга олиб чиқсанг ва ҳазрат Азроил алайҳиссаломга илтимос қилсангки, умрим охир бўларидин илгари манго келиб, фалон соатда жонингни олурман деб маълум қилсалар, токи, ман дунё ишларидин кўнгулни узуб, охират аъмолига тааллуқ нимарсаларни васият

бирла гарданимдин соқит қилиб, ўзумни ўлумга тайёр қилиб турсам". Ул фаришта анинг илтимосини қабул қилиб, кўтариб, тўртинчи осмонга, офтобнинг маконига олиб чиқиб ўзининг ўрнига ўтқизди. Ўзи Азроил алайҳиссаломнинг олдиларига бориб, илтимос қилдики, фалон ибни фалон банде мандин илтимос қилурки, умри охир бўлардин илгарироқ сиз хабар берсангиз, токи баъзи зарурийоти ухравийясини васият бирла гарданимдин соқит қилиб ўзини ўлумга тайёр қилиб турса. Бинобарин, хизматингизга илтимос қилиб келдим. Ҳазрат Азроил алайҳиссалом китобларини очиб қўриб айдиларки, ул банданинг умри ҳозир дароз бўлса керак, чунки, ул банде охир умрида тўртинчи осмонга, офтобнинг маконига чиқиб, сизнинг жойингизга ўлтурур, ул вақт ноибларим бориб анинг жонини олурлар. Ул фаришта айтиди: "Ҳозир ул банде маннинг жойимга чиққондур". Ҳазрат Азроил алайҳиссалом айдилар: "Андоғ бўлса, маннинг ноибларим бориб, жонини олгон бўлсалар керак. Чунки, аларга бу китобдин нусха бергандурман. Анга мувофиқ қазоси етган кишининг жонини таъхир қилмай олурлар."

Аммо чорполарнинг ва паррандаларнинг ажаллари қайси вақт етмоғи хусусида ҳазрат расули ақрам саллоллоҳу алайҳи васаллам айтибдуларки, чорполарнинг ва паррандаларнинг ажаллари Худойи таолонинг зикрига мавқуфдур. Ҳар вақт Худойи таолонинг зикрини айтиб юрсалар, дунёда зинда бўлуб юрлар ва қайси вақт Худойи таолонинг зикрини тарк қилсалар, Оллоҳ таоло қудрат қўли бирла анинг жонини олур. Буларнинг жонларини олмоқга Азроил алайҳиссаломнинг дахллари йўқтур.

Баъзилардин ривоят бордурки, ҳамма махлуқотнинг жонларини Худойи таолонинг ўзи олур. Ҳеч кимнинг жонини Азроил алайҳиссалом олмаслар. Лекин, жон олмоқни Азроил алайҳиссаломга нисбатан бермоқ гўёки, газотда ўлгон кишини касал душман ўлдурди, ёхуд касал бўлуб ўлгон кишини касал ўлдурди дегандек афсона сўздур. Чунки, қавли Оллоҳ таолоки, АЛЛОҲУ ЙАТАВАФФАЛ ҶУСА ҲИЙНА МАВТИҲА ВАЛЛАТИЙ ЛАМ ТАМУТТИФИ МАНАМИҲА ФАЙУМСИКУЛЛАТИЙ ҚОЗА АЛАЙҲАЛ МАВТА ВА ЙУРСИЛУЛ УҲРО ИЛА АЖАЛИН МУСАММАН ИННА ФИ ЗАЛИКА ЛААЙЯТИ ЛИҚОВМИЙ ЙАТАФАККАРУН 9 ушбу мазмунга далолат қилур. Валлоҳу аъламу бис-савоб.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ҲАЗРАТ АЗРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМГА ЖОННИНГ БЕРАДУРҒОН ЖАВОБИ БАЁНИ

Ривоят қилибдуларки, ҳар вақт Азроил алайҳиссалом банданинг жонини олмоқ қастида борсалар, ул банданинг жони Азроил алайҳиссаломга қараб айтурки, Худойи таолодин фармон бўлмаса ҳаргиз ман санга итоат қилмасман ва санинг қабзинга кирмасман. Малакул-мавт айтурлар: "Эй рӯҳи мўмин, мани санга Худойи таоло амр қилдики, шул соатда сани жасадингдин олурман". Жон айтурки, батаҳқиқ Худойи таоло мани яратти ва жасадимга киргузди ва амр қилдики: "Эй жон, сан бул жасадда барқарор тургил". Бас, ман Худойи таолонинг амридин чиқмасман, то бир фармони дигар бўлмагунча. Агар санга фармон бўлгон бўлса, Худойи таолонинг тарафидин манго далил ва ҳужжат кўрсатил, илло қабул қилмасман.

Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом Худойи таолога бориб арз қилурларки: "Худоё, фалон банданинг жони манга итоат қилмади ва саркашлик қилиб, қабз қилмоғимни қабул қилмади. Айдикки, маннинг бул жасад ичра турмоғимга Худойи таоло амр қилгандур. Эмди беижозат санго итоат қилиб жасадимдин чиқмасман. Агар Худойи таоло фармон қилгон бўлса, бул фармон учун Худойи таоло тарафидин далил ва ҳужжат кўрсатил дер".

Худойи таоло айтурки: "Ул банданинг жони рост айтибдур. Эй Азроил, жаннатга боргил ва жаннатнинг олмасидин бир дона олиб боргилки, ул олмага маннинг номим ёзилгандур. Ўшал олмани ул банданининг жонига кўрсатил, маннинг фармонимга ҳужжат бўлур." Бас, Азроил алайҳиссалом жаннатга бориб, бир дона олмани олиб келурларки, ул олмага "Бисмиллаҳир роҳманир роҳим" ёзилгандур. Ани ул банданинг жонига кўрсатиб айтурларки, Худойи таоло фармонига ҳужжат учун ушбу олмани олиб келдим. Вақтики, жон ул жаннат олмасининг устида Худойи таолонинг номини кўрар, ниҳоятда ҳурсанд бўлуб, шавқу завқ бирла жасаддин чиқар. Ул банде мастлик бирла қандоғ жон берганини билмай қолур.

Хабарда келибдуларки, бир кун бир хушовоз киши "Бисмиллаҳир роҳманир роҳим"ни қироат қилди. Анинг овозини бир ориф эшитиб оқ уруб айдикки, агар маҳбуби ҳақиқийнинг, яъни Худойи таолонинг номи шундоғ бўлса, дийдор қандоғ экан. Ажабо одамлар айтурларки, дунёда Азроил алайҳиссалом жон олур бўлсалар, дунё бир заррага эрзимас. Ман айтурманки, агар дунёда Азроил алайҳиссалом



бўлмасалар, дунё бир заррага арзимас. Чунки, ул киши дўстни дўстга еткурарлар, яъни жон олгон сабабларидин банда Худойи таолонинг дийдорига муяссар бўлар. Илло, тирикликда дийдор кўрмоқ мумкин эмас. Валлоҳу аъламу бис-сабов.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### ОДАМ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЛАР ВАҚТИДА АЗРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМГА БЕРАДУРҒОН ЖАВОБЛАРИНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, ҳар вақт Худойи таоло бир банданинг жонини қабз қилмоқни ирода қилса, ул банданинг жонини олмоқ учун ҳазрат Азроил алайҳиссалом оғзи тарафдин келурлар. Ул банданинг оғзи Азроил алайҳиссаломга қараб айтур: "Эй Азроил, манинг тарафимдин келиб жон олмоқинга йўл йўқдур, чунки, бул банда ман бирла Худойи таолога зикр айтар эрди.

Андин сўнгра, Азроил алайҳиссалом Худойи таолога бориб арз қилурларки, фалон банданинг жонини олмоқга борсам, ул банданинг оғзи шундоғ ва шундоғ дер, эмди анинг жонини қандоғ олурман. Худойи таоло айтур: "Борғил ва бошқа тарафидин олғил!" Ҳазрат Азроил алайҳиссалом ул банданинг қўл тарафидин келурлар. Қўл айтурки: "Эй Азроил, манинг тарафимдин ҳам жон олмоқинга сандо йўл йўқдур. Чунки, бул банда ман бирла закот ва садақа бергандур ва ман бирла етимларнинг бошини силагандур. Яна ман бирла мусулмонлик илмини китобат қилгандур ва Худойи таолонинг йўлида кофирларнинг гарданига қилич солгандур". Сўнгра оёғ тарафидин келурлар. Оёғ айтурки: "Эй Азроил, манинг тарафимдин келмоққа санго йўл йўқдур. Чунки, бул банда ман бирла номози жамъага, номози жамоатга, уламоларнинг суҳбатларига ва ёлғинларнинг ҳолини сурамоққа боргандур". Андин сўнгра икки қўлоқ тарафидин келурлар. Қўлоғи айтурки: "Эй Азроил, манинг тарафимдин келмоққа санго йўл йўқдур, чунки, бул банда ман бирла каломуллоҳни ва азони Муҳаммадияни ва Худойи таолонинг зикрини эшитгандур". Андин сўнгра кўзи тарафидин келурлар. Кўзи айтурки: "Эй Азроил, манинг тарафимдин келмоққа санго йўл йўқдур, чунки, бул банда ман бирла Қуръони каримга ва уламоларнинг юзларига қарагандур." Мунга ўхшаш одамнинг ҳар тараф аъзосидин келсалар, ул аъзоси бир жавоб бирла қайтарур.

Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом Худойи таолога бориб, арз қилурларки: "Эй бор Худое, фалон банданинг ҳамма аъзоси далил ва ҳужжат бирла мандин ғолиб бўлди. Эмди қайси тариқада жонини олурман?" Худойи таоло айтур: "Эй Азроил, қўлингнинг кафига маннинг номимни битиб, бориб ул бандага кўрсатғил. Маннинг қудратимни ва ул банданинг манга маҳаббатини тамошо қилғил. Бас, Азроил алайҳиссалом қўлларининг кафига "Оллоҳ"ни ёзиб, ул бандага кўрсатурлар. Шунда ул банданинг жони Худойи таолога камоли муҳаббатидин номи Оллоҳни кўруб, шавқ бирла жасадини чиқиб, Азроил алайҳиссаломнинг қўлларига келур. Жасади мастлик бирла қандоғ жон берганини билмай қолур, жон бермоқнинг аччиғидин халос топар. Нечук ҳам жон бермоқнинг аччиғидин ва азобидин халос тофмасунки, Худойи таоло мўмин банданинг кўкракига ўз номини битиб қўйгандур. Ҳар банда тирикликда ҳамма вақт Оллоҳ деса ва зикри Оллоҳга муҳаббати бўлса, ўлар вақтида ул зикрининг муҳаббати дасттирик қилур. Қавли Оллоҳ таолоки, УЛАЙКА КУТИБА ФИ ҚУЛУБИҲИМИЛ ИЙМАН 10 ва қавли Оллоҳ таолоки, АФАМАН ШАРАҲАЛЛОҲУ СОДРАХУ ЛИЛ-ИСЛАМ ФАҲУВА АЛА НУРИМ-МИН-РОББИҲИ 11 долалат қилурки, албатта бул банданин азоб ва қиёматнинг ваҳми зойил бўлур. Бул ҳоллар башартики ул банда некбахт ва дунёда бул тариқа сабов ишларга машғул бўлгон бўлса, доим дилида Оллоҳнинг зикри бўлсагина насиб бўлар. Агар бадбахт бўлса, сабов ишларни дунёда қилгон бўлмаса, ул вақтда анинг аъзолари Азроил алайҳиссаломга айтмоққа далил тополмас ва ул кишини қайтармоққа қодир бўлмас. Азроил алайҳиссалом ул банданин юз миғ ил азоб ва уқубат бирла жонини олурлар. Наъзу биллаҳи мин азабин-наъби.

Хабарда келибдурки, ҳар банданинг жон берар вақти бўлса, раҳмон тарифидин бир овоз келур: "Эй Азроил, бир соат тўхтағил, токи бул банда андак ором олсун." Азроил алайҳиссалом бир соат тўхтаб, яна жонини тортарлар. Жон ул банданинг тиззасига чиққон вақтда яна бир овоз келур: "Эй Азроил, бир соат тўхтағилки, андак ором олсун". Яна бир соат тўхтаб, жонини тортарлар. Жон белига чиққон вақтда яна бир овоз келур: "Эй Азроил, бир соат тўхтағил, токи андак ором олсун". Бир соат тўхтаб, яна жонини тортарлар. Жон кўкракка келган вақтда яна бир овоз келур: "Эй Азроил, бир соат тўхтағил, токи бул банданинг аъзолари бир-бири бирла видолашсунлар". Бир соат тўхтар. Ул вақтда

одамнинг икки кўзи бир-бирлари бирла видолашиб айтурларки: "Ассалому алайкум эй биродари азиз, Худойи таолонинг раҳмати то қиёматгача сизга нозил бўлсун". Икки қўл ва икки оёғи, бир-бирлари бирла, жон танаси бирла ушбу тариқада видолашурлар. Илоҳо, ул вақтда имоннинг тилдин ва маърифати раҳмоннинг дилдин видолашуб, бир-бирларидин жудо бўлмоқларидин Оллоҳ таоло ўз паноҳида саломат сақласун.

Андин сўнгра Азроил алайҳиссалом анинг жонини тортиб олурлар ва ул банданинг икки қўли ва икки оёғи ҳаракатсиз, кўзи нурсиз ва бадани жонсиз қолур. Бас, агар ул вақтда тили шаҳодатсиз ва дили маърифатсиз қолса, ул банда бечоранинг ҳоли лаҳад ичра қандоғ бўлурки, анда на отасини кўрар, на онасини, на авлодини, на оға-иниларини, на ёру дўстларини кўрар. На остида фалоси, на ўтурмоққа кўрпаси бор. Дунёнинг лаззат ва неъматидин баробар махрум қолур. Ул вақтда агар Худованди карим ўзи раҳм қилмаса, анинг ҳоли ҳасрат ва нақоматдадур.

Ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурларки, дунёдин охиратга беимон кетадургон одамларнинг аксарларининг имонлари жон берар вақтда кетар. Наъзу биллаҳ ва иййакум мин салбил-иман. Валлоҳу аъламу бис-сабов.

## ИЗОҲЛАР

1. Агар сен бўлмасанг, фалакларни яратмас эдим.
2. (Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни, Оллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик (21-107).
3. Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчидир (21-35).
4. У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Оллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина фойда берар (26-88,89).
5. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бир соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар (7-34).
6. Оллоҳ бирон жонни ажали келган вақтида (вафот эттирмасдан) қолдирмас (63-11).
7. Яхшиларнинг номаи аъмоллари шакшубҳасиз Иллийюндадур ва фисқ-фужур қилгувчи кимсаларнинг номаи аъмоллари албатта Сижжийюнда бўлур (8-18,7).
8. Айтинг (Эй Муҳаммад) "Агар уйларингизнинг ичига беркиниб олгангизда ҳам ўлдирилиши Оллоҳ томонидан ҳукм қилинган кишилар шубҳасиз ҳалокат жойига келган бўлар эдилар" (3-154).
9. Жонларни ўлим вақтларида, (ҳали-ҳануз) ўлмаганларини эса ухлаётган пайтларида Оллоҳ олур. Бас, ўзи ўлимга ҳукм қилинган жонларни (бандаларга қайтармасдан) ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача, яъни ажаллари етгунича) қўйиб юборур, Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордур (39-42).
10. Ана ўшаларнинг диллариға (Оллоҳ) имонни битиб қўйгандур (58-22).
11. Ахир Оллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас ўзи Парвардигори томонидан бир нур — ҳидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми?) (39-22).



# МЕН КИМНИ КУТАМАН, ЎЗИМНИ ЁҚИБ

Ўтган йили навқирон ўзбек шеърляти яна бир ўртанарли, бевақт жудаликни бошидан кечирди. Жуда хокисор, дарвешкўнгил инсон, шеър санъаткори, олим Тилак Жўра 47 ёшида қирчинидан қийилиб орамиздан кетди. Мавридсиз йўқотиш бўлмаганида у ҳали яна қанча-қанча ўзидай беғубор, сўзидай оҳорли, куйидай сержило шеърляти билан кўнглимизни қирлардан форигъ этар, руҳимизни кўкларга кўтарган бўларди. Бу бизнинг тузалмас армонимиз. Унинг ўзи билан бирга куйиб кетган адоқсиз армонлари қанча бўлган бўлса... Начора, ўлим ҳақ! Жойи жаннатда, Оллоҳ раҳмати билан сийлаган бўлсин.

Бизнинг бир таскинимиз шоир Тилак Жўра қолдирган "Райҳон", "Олам остонаси", "Юлдузлар

табассуми", "Чорраҳадаги уй", "Сандувоч" китоблари ҳеч сўлимас атиргулдек ўз таровати ва ифори билан то рўзи маҳшаргача ўзбек кўнглига тоза, рангин туйғулар улашгуси. Бундан ташқари шоирнинг кўзи очиқлигида мухлисларига етказа олмаган юрак ёҳар шеърлари ҳам анчагина. Шундай сўнги шеърлардан айримлари билан бирга Тилак Жўранинг устози, жафокаш инсон ва фидойи олим, соҳиби дил Ғайбулло ас-Саломнинг қадрдон инисига аталган хотира сўзини ҳам ҳукмингизга ҳавола этаётимиз.

Шеърлят бўлими.

ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ

## ТИЛАК, ТИЛАГИМ...

Шукр, завқи баланд, яхши шоирларимиз кўп. Ҳар қанча ифтихорга арзигулик истеъодлар ҳам йўқ эмас. Ҳар қалай, анқога шафеъ эмас бу соҳиби қавл. Аммо шоирнинг ҳам шоири бор. Бизнинг ўзбекда Тилак Жўрадайн бир инсон ва чин маънодаги халқ шоири битта эди. Тилак Ўзбекистон Истиқлоли мадҳиясини жўшиб ёзганлардан бири. У ўзининг бетакрор қиёфасига эга, кулиб туриб йиғлар, йиғлаб туриб кула оларди. Уни умрида биринчи мартаба кўриб турган нотаниш кишиларнинг кўпи, "шоир Тилак Жўра деганлари шу бўлса керак", деб беҳато топарди. Сабаби, у ҳеч кимга ўхшамас ва ўша "ҳеч ким" ҳам, бирон адиб ёки олим унга ўхшамасди. Кўпчилик орасида уни "йўқотиб қўйишнинг" иложи йўқ.

Одамлар борки, тунд. Одамлар борки, одамнинг жони. Бир қоп ёнғоқ. Дали-гули. Одамлар борки, одамови. Одам иси ёқмайдиған. Тилакжон эса шундай инсон эдики, номини эшитган ҳамон, уни таниган, билган ҳар қандай такаббур, сипо кишининг ҳам лабига беихтиёр илиқ бир табассум кўнарди... Зеро, шоир, йўл-йўлакай, ўз қалб кўрини бошқаларга ҳам юқтириб юрарди. Унинг бутун вужудидан одамийлик, меҳр, самимият қуёш ёғдусидай ёғилиб турарди. Очиқ чеҳрасида болалик табиатига хос маъсум, тўпори бир жилмайиш мудом жилваланади. Уни хурсанд қилиш осон, хафа қилиш қийин эди. Дил ўн ранжиганини сира билдирмасди. Ич-ичидан қанчалик ўртанмасин кулиб турарди. Ута некбин, инсоний инсон эди раҳматлик.

Неҳқудир, бу дунёнинг одами эмаслиги билиниб турарди. Атоқли ёзувчи, маълум ва машҳур "Жалолиддин Румий" рўмонининг муаллифи Радий Фиш уни ниҳоятда яхши кўрарди. Хоҳ Тошкент, хоҳ Самарқанд ёки Масковда бирга бўлмайлик, бир дақиқа ҳам ундан ажралгиси келмасди. У билан учрашган чоқларида ўзини бағри бутун бўлгандай сезарди.

Шу ўринда бир сирни ошкор этишга эҳтиёж сезаман. Ун йил муқаддам, ўзимизда жоҳилият авжга миниб, одамлар ҳатто қазо қилган отасига жаноза ўқитишдан чўчиб қолган вақтларда, у, жаноби Фиш бўйнига митти Курьони Каримни тумор қилиб илиб юрарди. Асло "мода" йўригидан эмас, ихлос юзасидан. Бу интиҳойи ажойиб киши эди!

Ёдимда, бир гал Масковда юрак эканмиз, оғойи Радий Фиш менга усмонли турк тилида шундай деган эди: "Қаёқдан топгансиз, а, бу Тилак афандини? Ахир, у ибтидоий бир инсон. Онадан қандай тугилган бўлса, шу кўйи, асл гўдаклигича қолиб кетган. Теварак-атрофдаги кишилар, муҳит унга таъсир эта олмаган. Фирт мўъжизанинг ўзи бу. Бетакрор, турма куйчи. Бахши! Шу ҳазрати одамини кашф этганингиз учун ҳам Сизга ҳайкал қўйса арзийди!" Чиндан ҳам, Тилак Жўрада шундай сеҳрли, жозиб оҳанграбо бор эдики, дўстлари доим унга талпиниб туришарди. Уйи доим одамга гавжум. Кўпинча ўз уйида ўзи кўрпа-тўшаксиз қолиб кетарди! Бировларнинг ҳожатини чиқазаман деб бошқа бировлардан қарз олиб юрарди. Студент халқи-ку уни кипригида сақларди, ардоқларди. Мен бундан жуда-жуда завқланардим. Ажаб. Уни ҳамма севарди. Чунки ўзи ҳам барчани бирдай севарди-да. Некбинлар ҳам, бадбинлар ҳам унга интиларди. Бирон зот бул инсон хусусида ёмон гап айтганини эслаёлмайман.

Гапимга бемалол ишонаверинг, азизлар. Масковда адиб дўстларимиз билан кўчаларни тўлдириб юрак эканмиз, ўша Радий Фиш домла, таниқли таржимон Вил Ғани, Платон Суқрот ўғли, яна бир ўткир гуржи шоир-таржимон (исми-шарифи ёдимдан кўтарилган) ва бошқа бир қанча уфлатларимиз Тилакжоннинг кўнглини овлаш учун, галма-галига, сув ичса биқинидан кўриниб турадиган нозик адо, гўзал шоира ва таржимон қизларни унга таништиришарди!.. Оҳ, ўзбегим-а, жоним тасаддуқ, наинки у бундай ноёб "нарсаларга" бирон-бир майл билдирса. Ниҳоятда покиза, фариштадай беозор инсон эди.

Одамийлик матлаби қанчалик кучли эканини лоақал шундан ҳам билса бўладики, Шукр Бурҳондай, "дунёни узугида айлантирган" улуг санъаткоримиз шоирни, бу "ибтидоий содда" инсонни ўзи билан бирга олиб юрарди. Калом соҳибига бундан ортиқ таъриф ва мукофот бўлмас!

Қуш тилини қуш биледи дегандай, Муҳаммад Юсуф деган халқ суйган шоир Тилак Жўранинг сиймосини жуда аниқ чизган:

У хўп дейди, демас: менга ҳам керак,  
Ишонмасанг бориб ўзидан сўра.  
Жонингни прокатга бер дегин, Тилак,  
Икки қўллаб тутар: марҳамат, Жўра!  
Мен уни тугилмай туриб билардим,  
Мурғак чоғ жаннатда юзин кўрганман.  
Тегирмончиликни орзу қилардим,  
Унга ҳавас қилиб шоир бўлганман.

Беш-олти йил илгари Тилакнинг Мустафоқул ҳақида ёзган бир шеъри бўларди. Шоирнинг қаҳрамони армон қилади: қанийди бир парчагина еринг бўлса. Ҳовли саҳнидан туриб,



эркин-эркин нафас олсанг. Самоватни тамошо қилсанг. О, бу зулмат дунёни музайян қилиб турган кўёш, ой, юлдузлар!.. Бари-бари сеники бўлса. Сеники бўлса бу кенг жаҳон. Бир парча ер ва унинг теграсида чарх уриб айланаётган абадий самовату коинот... барчаси сеники бўлса!..

Шу топда ёзувчи Антон Павлович Чеховнинг бир гапи хотирамга келади. Иқтибос: "Дейдиларки, инсонга икки газ ер кифоя. Йўқ! Икки газ ер мурдага кифоя. Инсон эса коинот фарзанди ва унга бутун коинот керак".

Тилакжоннинг Бўлди хола деган опаси бор. Меҳри дарё инсон. У киши ўн йилча муқаддам Тошкентнинг Сағбон кўчасида шоир инисига баайни қутидай, тору танг бир ҳовлича олиб берган эдилар. Қоронги, захкаш кулба. Майли-да. Жигарчилик. Бир парча бўлсам — Ватан. Кейин билсам, ўша Мустафоқул, чамамда, шоирнинг ўзи экан. Бояги ҳовличанинг тик болохонасига чиқсангиз, деворлари Рихтер ўлчови бўйича тўрт-беш балл зарб билан муттасил қимирлаб тургандай, бошингиз гир-гир айланади. Юрганингизда замини ларзонга келади: лам-лам-лам... Бизнинг шоир — хурсанд! Ўша ердан туриб, худди ўрта аср мунажжимлари сингари, коинотни мағрур кузатади. Ва... шеър битади. Шеър айтади. Хиргойи қилади. Олам эса... ундан беҳабар. Мен ўша кезлари унга қараб туриб ҳайратланардим: Э-э, бахтли бўлиш учун кўп-да нарсга керак эмас экан-ку ҳазрати инсонга, бундай олганда. Бу ёқда алломайи эшон Қутбиддин пиримиз, ёш оташнафас шоир Абдували Қутбиддин, девор-дармиён мулла Нажмиддин Комил, сал нарида — Ўлмас Ширин деган яхши бир шогирдимиз яшардилар. Ҳасан Қудратулло ҳам шу ўрталарда турарди. Қўйингки, ҳамма нарсга муҳайё: нигоҳ, нафас, калом. Яна нима даркор?

Кунларнинг бирида, нима бўлдию, ўша ҳовли ёниб кетди! Ҳа, гуриллаб ёнди.

Ёзувчи Мурад Муҳаммад Дўст ўша кунлари, ўн йиллар муқаддам, иттифоқо шоир билан кўчада учрашиб қолади. Менга буни адибнинг ўзи айтиб берган.

— Аҳволлар қалай, Тилак ака?

— Яхши-ку. Уйим куйди, оғайни.

— Нима? "Уйим куйди?" Қўйингиз ҳазилингизни! Аста-таста фурилло. Оғзингиздан шамол учирсин. Ундай деманг. Яхши гапгайм фаришта "омин" дейди, ёмон гапгайм. Жа-а ношукур бўлмаслик керак, ака-шоир.

— Йўқ-йўқ. Ҳаммаси яхши-ку... Уйим куйиб кетди-да. Яхши-ку.

— А? Эси жойидами бу одамнинг? Қаршимда жилмайганча ўша-ўша афандичалиш, дарвештабиат шоир Тилак Жўра турарди, — деб хуноб бўлади Мурад. — Мени лақиллалатапти деб ўйлаб, бироз энсам қотди. Намунча нафаси совуқ бўлмаски кишини!.. Хуллас, бепарво ўтдим-да кетдим, — дейди у. — Ажаб: юзидан ҳеч қандай саросима ёки ташвишни уқиб бўлмасди. Кули-иб турибди! Орадан бироз фурсат ўтгач, бошқалардан эшитиб, воқиф бўлдим. Рост экан: ҳовлиси ёниб кетибди унинг. Ҳайрон қоласан киши: одамларнинг товухонаси чатнаса, бутун оламга айноҳаннос солади. Шўрлик шоирнинг бўлса кулбаи ёниб кетибдию, ўзи.. кулиб юрибди! Камбағали туянинг устида ит қопади, деганлари шу экан-да. Энди билсам, бу кажрафтор фалакнинг ишларидан кулаётган экан шоир...

Шундай, биродари азиз Дўст.

Ҳей! Йинглашга ҳолинг келмас — кул! Йинглаёлмасанг — кул. Кулавер, оғайни.

Вужуд — гилоф. Заминий ашё. Ҳаёт — дарё. Нафас — оташ. Муҳаббат — жавҳар. Меҳр — чўғ. Бари илоҳий.

Инсон борки, қандай қилиб сенинг қалбингга, руҳий оламингга, қону жонингга кириб келганини ва бир умрга сен билан бирга қолганини ўзинг ҳам сезмай қоласан. Ва бир умрга тақдиринг у билан чамбарчас боғланиб кетади. Усиз сен сен эмассан. Ажабмас, у ҳам сенсиз у билан бирга кечган онларнинг ғариб умрингнинг энг лаззатли ва энг фараҳли дамлари бўлиб қолади.

Ҳассос шоир Тилак Жўра мен учун ана шундай азизу муқаррам бир инсон эди.

Тилак ўз ижодида юракка кўп мурожаат этган. "Юрак" унинг энг сеvimли ва дардчил мавзуларидан бири эди. Шулардан бири олти йил илгари ёзилган "Юрак" менга ёд бўлиб кетган. У яна ва яна феълани айтиб тугатиб бўлмайдиган Тилагимни эсга солади.

Палаклар остига беркиниб,

Офтобни, ойни кўрмай,

Кўзларим яинатиб,

лабларни сўрмай.

Захил бўлган қовундай

Кўп ҳам беркинма менинг бағримга!

Осмондай ёрил сен,

Бу борлиқ садога қорилсин,

Менинг-да умидим ёрилсин,

Кўп ҳам беркинма менинг бағримга!

Бу ёруғ дунёда

Аламлар беркинар,

Армонлар беркинар,

Дармонлар беркинар,

Сен Ватансан барига

Ахир, Ватан қандай беркинар?

Кўп ҳам беркинма менинг бағримга!

Нафасим бўл, йўлимда бўлгин,

Рўмолчамдай ғижимлай сени,

Фақат менинг қўлимда бўлгин!

Майли сени кўтариб юрай,

Иймон бўлгин, бўғзимда бўлгин!

Нафрат бўлгин, кўзимда бўлгин,

Фақат менинг ўзимда бўлгин,

Кўп беркинма менинг бағримга!

Тилак ЖўРА

\*\*\*

Япроқлар ялиниб ёқо ийртади,  
Мезонлар илашиб руҳим чертади,  
Мен кимни кутаман, ўзимни ёқиб!  
Елкамда кўтариб хўржинсиз зорни,  
Бўғзимда бўғизлаб беҳудуд орни,  
Мен кимни кутаман, ўзимни ёқиб!  
Югуриб елдим, нени кўзладим,  
Оллоҳим мен сендан нени изладим,  
Умиддан умримга чақмоқлар чақиб.  
Зориқиб-зориқиб товоним ёнди,  
Уртаниб-уртаниб имоним ёнди,  
Кун кўрмай, қоронги йўлакка боқиб!  
Хас бўлмай, хас каби бунчалар куйдим,  
Оллоҳим Дунёдан бунчалар тўйдим,  
Уртаниб кундага бошимни куйдим!

\*\*\*

Кўнглим карахт.  
Тебратгани шамол йўқ, йиғла бадбахт.  
Ёш артгани рўмол йўқ.  
Бу ҳолимдан,  
Қайрилади қизгина,  
Қайрилиб—қайрилиб менадан айрилади...  
Айрилади аргамчининг ишлари.  
Бармоғимга илашиб ҳо илашиб,  
Кимга ёқар урваси йўқ гапларим.  
Тишлар билан тирноғини талашиб.  
Гапларимни кўкрагинга тақиб қўй,  
Имонингни ёқиб қўй...

\*\*\*

Тушларимда неларни кўраман,  
Биласизми, онажон!  
Олдинлари сизни кўрардим,  
Елкангизда бир ўрам ўт.  
Оғайтган кўнгдай қалқиб-қалқиб,  
Қайтардингиз даладан,  
Сўнгра ойни кўрдим,  
Юлдузни,  
Қушишимизни қизи кундузни,  
дарчасини қия очиб,  
майизни еб, думини отарди, мен томон.  
Сўнгра бепоён осмон,  
Ғала-ғовур шаҳар,  
Тушларимга кириб ичарди...  
Эндичи, энди,  
ўзим ҳам ҳайрон,  
Кўрпани елкамга тортдим,  
Тушларимга кирар бурда нон.

13.1.93

29.X.92.

## ОЙНА

Бир нигоҳ термилар узоқ-узоққа  
Ой титраб боқади,  
кун куйиб.  
Шабода шивирлар қулоққа,  
Бу жусса боради энкайиб,  
Энкайиб боради бу замон:  
Умидлар узилди,  
улғайиб армон,  
Ойнага қоқилиб қолар бир нигоҳ,  
Вужуддан кетаркан  
энг сўнги дармон...





Нарзулла АҲМЕДОВ

# „Асарни ҳазм айтишмоққа қилтифот қилмайдура...“

*“Муҳаммад Тарагай Баҳодир ўгли Амир Темур ёшлиқ чоғидан мард, довюрак, гурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди. Ҳадис илмини ўрганди. Имон-этиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди”.*

Ислом Каримов

Мустақил Ўзбекистон юртбошиси Ислом Каримов илмий асосга эга бўлган бу мулоҳазани соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанادا 1993 йил 31 августда сўзлаган нутқида айтганди. Чиндан ҳам бу хулоса илмий асосга эга. Бироқ собиқ Совет империяси даврида Туронзаминнинг бутун жаҳон эътироф этган фарзанди, буюк тарихий сиймоси Амир Темурнинг кўп қиррали ибратли фаолиятдан камчиликлар изланди, уни ёмон кўрсатиш, қоралаш, ёмонотлиқ қилиш, юртдошларини ундан узоқлаштириш, уларнинг буюк бобокалонга нисбатан нафратини кўзғатиш учун ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан Амир Темур ва темурийлар даврига оид илк манбаларнинг бир қисми диёримиз китобхоналарига етказилди. Хорижий мамлакатларда Амир Темур ва темурийлар даврининг ўрганилиши, бу борадаги қизиқишнинг тобора кучайиб бориши билан таққослагандагина янада аниқ билиш мумкин. Оврупада XVI асрданоқ ўша даврга оид илк манбалар турли тилларда чоп этила бошлангани ва уларни ўзларининг миллий кутубхоналарига тўплаш қизиқ кетганди. Шу боис илк манбаларнинг асл нусхалари жаҳоннинг турли бурчакларида, жумладан Британия, Париж, Истамбул, Мадрид, Қоҳира, Дамашқ сингари жойлардаги миллий кутубхоналарнинг қимматли хазиналарига аллақачонлар айланган. Улар турли тилларда чоп этилиши билан бирга бу манбалар устида илмий изланишлар олиб борилиб, уларнинг натижалари асрлар оша мунтазам равишда чоп этиб борилди. Парижда атоқли француз шарқшуноси Люсьен Кэрэн раҳбарлигида “Темурийлар даври ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси” бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб бутун дунёнинг эътиборини тортадиган ишлар қилмоқда. Биргина мисол: Люсьен Кэрэннинг “Темур ҳоқон салтанати” номли китоби 1978 йилда нашр этилгандан сўнг у Франция ва Швейцарияда бир неча мартаба нашр этилди. Бу

китобни Ўзбекистонда ҳам таржима қилишга киришилди. Унинг дастлабки боблари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафтаномасида берилди.

Собиқ Иттифокда эса Темурни ғирт саводсиз эди дейишгача борилди, ҳатто соҳибқирон қаламига мансуб бўлган “Темур тузуклари”, “Таржимаи ҳол”га сохта асар сифатида қараб келинди. Буларни ўзбек китобхоналарига етказиб беришга йўл қўйилмади. Улар иложи борица қораланди. Марказий Осиё тарихининг қомусий билимдони В.В.Бартольд “Улуғбек ва унинг даври” номли асарида шундай деб ёзади: “Чингизхон умрининг охиригача мўғул тилидан бошқасини билмади. Темур саводсиз бўлгани ҳолда ўзининг она тили турк тилидан ташқари форс тилини яхши билар эди.” (В.В.Бартольд. Соч., т.11, ч.2, с.59)

Шўро замонасида В.В.Бартольд сингари атоқли олимларнинг қарашлари тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар ҳақ маълумот деб билинган. Бунга қарши бориш асло мумкин эмасди. Аксинча уларга кўр-кўрона эргашилди.

Амир Темур томонидан 1401 йили Дамашқдан тутқун сифатида келтирилган ва унинг ашаддий душмани бўлган Ибн Арабшоҳнинг 1436 йилда ёзилган “Амир Темур тарихи” номи билан машҳур бўлган “Ажоиб ал-макдур фи тарихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) номли асарига асосланган. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг асарида шундай дейилади: “Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарса ўқимас ва ёзмасди; араб тилини мутлақо билмасди; форс, турк ва мўғул тилларини ўзига яраша биларди.” (2-китоб, 70-б.) Бунга ишонган олимлар натижада “Темур тузуклари”, “Таржимаи ҳол”ни Амир Темур томонидан ёзилганлигига шубҳа билан қарадилар.

Жуда кўп тадқиқотчилар эса биринчи манбаларга таянган ҳолда бу қомусий асарларни Амир Темур қаламига мансуб деб қатъий хулосага келганлар. Шу ўринда Ҳожи Абдурашид тахаллуси билан дарвеш сифатида Бухорога кириб келган, ҳатто бу ердаги масжидларнинг бирида



имомлик қилган, кейинчалик эса Пешт дорилфунунининг шарқ тиллари ва адабиёти профессори бўлган Ҳерман Вамбери "Бухоро тарихи" номли асарининг ўн биринчи бобида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

"Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси)ни ва балким кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насиҳат ва қўлланма тарзида ёзиб қолдирган "Қонунлар" ("Темур тузуклари") муаллифи сифатида Ўрта Осиёда кенг танилди. "Қонунлар" унинг томонидан ўша давр тилида ёзилган бўлиб, соддалиги ва жозибadorлиги билан ажралиб туради." (Ҳ.Вамбери. История Бухары. т.1, СПб, 1973)

"Темур тузуклари"ни рус тилига таржима қилган ва 1894 йилда Қозонда нашр эттирган Н.П.Остроумов ҳам худди шу фикрни билдирган. У ёзади: "Айрим мусулмон адибларининг сўзларига қараганда "Қонунлар"ни Темур ўз қўли билан ёзган." (Сомон йўли. 15-б.)

Шу ўринда қомусий олим Иброҳим Мўминовнинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли машҳур рисоласида яна бир эътиборга лойиқ фикр айтилган: "Темур тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди. Унинг "Темур тузуклари" асарини ўқиган киши бу фикрнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг доктринаси изоҳланган. Унинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодалангандир...

..."Зафарнома"нинг 90-91-саҳифаларида: "Манзумаи турк" асари турк тилида Темур бош девонида ёзилган ва Темур томонидан таҳрир этилган, деб ёзади Шарафуддин Али Яздий..." (34-б.)

Бундан ташқари зикр этилганидек, "Тузуклар" ва "Таржимаи ҳол"нинг руҳидан ҳам бу асарларни соҳибқироннинг ўзи ёзганлиги яққол билиниб турибди. Чунончи, уларда Амир Темур хатлар ёзгани ва келган хатларни ўқиганлиги, мадрасада таҳсил олганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Жумладан, "Таржимаи ҳол"да қуйидагиларни ўқиш мумкин:

"Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага топширишди ва қўлимга сўзлар жадвалини тутқазишди; мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан гоят севинчга тўлдим.

Мен тўққиз ёшга тўлганимда беш вақт намозни ўргандим ва мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олдим..." (31-б.)

Маълумотларнинг тўғрилигини Шоҳруҳ ва Ҳусайн Бойқаролар даврида яшаб ижод этган Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират аш-шуаро" номли тарихий асари ҳам тасдиқлайди:

"Дейдиларки, соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига борди. Ул киши бадавлат, нуфузли киши эди ва фаровонлик билан кун кечирарди. (Унинг) етмишта турк ва ҳинд қули бор эдики, унинг молларини шундан билса бўларди. Ўша киши соҳибқироннинг отасига шикоят қилди: "Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга (тамоман) ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим (эса) салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман". Соҳибқирон гапга аралашди ва деди: "Эй, ота, фарзандларингга молларингдан бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига дохил қилгинким, (улар) ўз-ўзи билан овора бўлсин. (Сўнг) турк қулларини ҳинд қулларининг тепасига қўйгинки, ҳиндларни ўз амри фармонида бўйсундирсинлар. (Кейин) ҳар уч қулни улардан ақллироқ бир қулнинг ихтиёрига топшир. (Сўнг) уларнинг ҳар бирини еттитадан қулнинг амири қил. (Кейин) етмиш қулга бош бўлган (ана шу) еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, (чунки) бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар." Ўша киши дарҳол амир Тарағайга деди: "...Сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни (унинг шу гапларидан фаҳмлаб турибман..." (Сўнг), сиёҳдон, қалам ҳозирлади ва ўша мажлисда соҳибқирондан хат (ёздириб) олдики, (бунда) "унинг давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, бирор киши ўша киши, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин; уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар; унинг қавми торхон қилинсин. Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида торхондирлар". (Б.Аҳмедов. Давлатшоҳ Самарқандий. — Т.: Фан, 1967, 48-49-б.)

Тарихий манбаларнинг ва академик В.В.Бартольднинг шоҳидлик беришича соҳибқирон мансуб бўлган барлос қабиласи туркийларнинг энг муқимларидан ҳисобланиб, маркази Кеш бўлган Қашқадарё воҳасидаги қабил а бошлиқлари, ўлка ҳукмронлари, беклари бўлганлар. Бу Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағайга ҳам тааллуқли бўлиб, у Кеш вилояти беги бўлган. "Таржимаи ҳол"дан маълум бўлганидек, соҳибқироннинг саводини чиқаришга удумасосида беш ёшга тўлганидан бошлаб киришилган. Шундан сўнг мадрасаларнинг бошланғич курсида таҳсил олган. Мадрасанинг дастлабки даврида таҳсил олганлар ҳожи домла раҳбарлигида Қуръони каримни қунт билан ўрганиб, тўлиқ ўзлаштириб олганлар. Мадрасада таҳсил олаётганлардан Амир Темур ўта тиришқоқлиги, қобилиятининг кучли эканлиги, дарсларни қунт билан бекаму кўст ўзлаштириб бориши ва ниҳоят тартиб интизомнинг кучлилиги билан кескин ажралиб турган. Шу боис ҳам у ўзининг бирга таҳсил олаётган тенгқурларига бошлиқ бўлган.

Темур ёш бўлишига қарамасдан унга савол бериш ҳуқуқи берилганди. Бу имтиёздан у тўла



фойдаланар, қолаверса саволларнинг чуқурлиги, мазмундорлиги билан кўпинча суҳбатдошларининг ақлини лол қолдирарди. Бу хусусда В.Чреванский эътиборни жалб этувчи мисол келтиради.

"Унинг саволига жавобан ҳожи домла Пайғамбарда анча ёшлик чоғлариданоқ жанговарлик қобилияти бўлганини ҳикоя қиларди. Ҳар қалай, жаноб олти ёшлигида жанг майдонида ерга тушган камон найзаларини йиғиб-териб амакиларига узатиб турган. Пайғамбарнинг руҳан пухталлигини ифодаламоқ учун ҳожи домла исломга қарши бош кўтарган кимсалар Пайғамбарни йўлдан оздиришга ҳаарчанд уринганларини айтиб берад эди..." (29-б.)

Хуллас, Амир Темур мадрасанинг бошланғич даврида Қуръони каримни пухта ўзлаштирди. Буни англаган юртдошлари Соҳибқирон сиймосида буюк ислом ҳомийси, дин пешвоси, уламси етилиб келаётганини кўрдилар. Ҳатто ҳожи домла соҳибқироннинг Қуръонни қироат қилишидан ҳайратланганди. Темур томонидан бу муқаддас китоб илк бор ўрганилганда Муҳаммад Тарағай мадраса атрофидаги мусулмонларга зиёфат беради. Мана шунда Темур Қуръондан бир неча сураларни қонун қоидалари билан келтириб қойилмақом билан қироат қилади. Зиёфатда қатнашганлар соҳибқироннинг истеъдодига таҳсинлар ўқийдилар ва унга белбоғ, салла, тўн, ҳатто бир қуролсоз феруза дастали шамшир туҳфа қилганлар.

Амир Темур мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли яқунлаш билан бирга ўқишини яна давом эттирган. У олий мадрасада ҳам таҳсил олган. Бунда мадрасалардаги барча билимлар манбаи Қуръонни янада чуқурроқ, атрофлича ўрганиш билан бирга кенг кўламда билим олади. В.Чреванскийнинг "Амир Темур" асарида қайд этганидек, "Темур бу ерда курраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканидан хабар топади. Биринчиси — зумрад, иккинчиси — кумуш, учинчиси — марварид, кейингилари — ёқут, олтин... ва ниҳоят нур таратиб турган бир текис зафъаронлик. Мадрасада Темур Ислом таълимотининг тўрт манбаи ҳақида ҳам тушунча олади..."

Олий маъҳадда уламои фозиллар боланинг истеъдодига тан берадилар. Темур бу ерда унча-мунча талабалар узоқ ўйга чўмиб муҳокама қиладиган масалаларни зумда ечимини топар эди...

Диний таълимотлар Темурнинг қалбини нечоғли ром этмасин, шунга қарамай, у ўз қобилияти ва фурсатини Қуръонга биноан ҳарбий ҳуқуқларни ҳамда фикҳ тафсиллари асосида урушни бошқариш қоидаларини ўрганишга қаратади..." (31-б.)

Амир Темурнинг мадрасада таҳсил олганлиги хусусида яна бир ибратли мисол бор. У жумладан ўзининг "Таржимаи ҳол"ида ёзади: "...Мен билан мадрасада бирга ўқиган ёш йигитлардан қирқ кишини тўплаб маслаҳатлашдим..." (39-б.) Булар-

ни яна шу нарса ҳам тасдиқлайдики, Амир Темур ёшлигида "ҳарбий машқлар ўтказган, уруш-уруш ўйнаган". Қирқдан ортиқ дўстлари кейинчалик унинг қабатида бўлган амир Хўжа Сайфиддин, Умар Аббос, Жоку Барлос, Идуку Темур, амир Сулаймоншоҳ, амир Довуд Барлос, амир Муайд Арлот ва бошқалар Амир Темурнинг мадрасадош тенгқурлари бўлганлигини кўрсатади. Улар ўз навбатида Амир Темурга ҳокимиятни олиш, уни мустаҳкамлаш, марказлашган давлатни ташкил топтириш ва бу давлатнинг шон-шухратини кўтаришда фидоийлик билан хизмат қилдилар, ҳамма вақт соҳибқиронга мададкор, ҳамфикр, суянч бўлдилар.

Умуман, Амир Темур хусусида у ё бу адабиётларда билдирилган мулоҳазаларни "Темур тузуқлари", "Таржимаи ҳол" ва бу давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалар, тарихий воқеаларга солиштириш, уларни бир-бири билан қиёслаш, таққослаш бу хусусда ҳолисона фикр билдиришнинг мезонидир. Амир Темурнинг саводи масаласида ҳам худди шундай ёндошмоқ керак. Шунда соҳибқирон саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади. Ҳатто Амир Темур бирон мамлакатга юриш қилиш арафасида тирик гувоҳлардан ташқари ўша мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий аҳволини маълум ёзма манбалардан шахсан ўрганиб фойдаланганлиги, ҳар хил маълумотларни ва келтирилган турли хил ҳужжатларни ўзи ўрганиб ўзича хулоса чиқарганлиги маълумдир. Чингизийларнинг "Ясоқ" ("Сокровенное сказание") ва "Мангу ёрлиғи" сингари давлат аҳамиятига эга бўлган китоблар шулар жумласидандир. Шу билан бирга Амир Темур хорижлик элчиларини кўплаб қабул қилиб, суҳбатлашиб, уларнинг айримларига шахсий хатлар бериб, ҳукмдорларига етказишларини сўраган.

Алишер Навоий бежиз ўзининг "Мажолисуннафоис" ("Нафис мажлислар") номли асарида Амир Темурнинг маданиятга ғоят қизиққанлиги, шеърятни яхши тушуниши ва зукколик билан таҳрир қилганлиги борасида қимматли маълумот беради: "Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук хасиятдинким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул лайтойифдин бири бирла ихтисор қилилур. (Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-т, — Т., 1966, 168-б.)

Ана шу мисолларнинг ўзлари ҳам Амир Темурнинг саводли, билимли, ўта ноёб қобилият соҳиби бўлганлигидан далолат беради. Буларни бошқа тарихий манбалар, воқеалар билан бирга асрлар оша халқ оғзидан оғизга ўтиб келган ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Хуллас, булар илмий изланишлар, тадқиқот ишлари олиб боришни, ҳолисона хулосалар чиқариш ва ана шу асосда тарих ҳақиқатини тиклашни тақозо этади.



# ИККИНЧИ КЎРИНИШ\*

## КЎНГИЛ ҚУШИ

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен паст...  
Алишер Навоий

Сўроғингда, биёбонлар кезиб, бе поу сар юрдим,  
Куондек чарх уруб, жисмим гўборин кўкка совурдим,  
Сен азм айлаб кетарга, мен бўлуб бемор, қайгурдим,  
Кўнгул — жон бирла бўлди ҳам-раҳинг, мен — дард ила турдим,  
Сенга — жон бирла кўнглумни, сени — тангрига топшурдим...  
Сени топмоқ баса мушкул кўринди — жусти-жў бирла,  
Фироқинг дардига таскин тиларман — гуфти-гў бирла,  
Гаҳи — паймона бирла шуғл этиб, гоҳи — сабу бирла,  
Кўнгул тинмаска қолмиш эрди, ҳар нав, орзу бирла,  
Ризо қўйиға то қўйдим қадам — кўнглумни тишурдим...

Нодира

Алишер Навоий ғазалига мухаммасдан.

Кўёш найза бўйи кўтарилганида, Мирза Ғолиб тепаликни орқада қолдириб, яна тўқайзорга шўнғиган эди.

У тўғри қибла тарафга қараб бормоқда, тўхтамай тепаликдан ошиб, йўлни давом эттирарганга ўхшар эди.

Мирза Ғолиб ўнг ёки сўл томонда, ҳаттоки анча яқин бир масофада катта йўл ястаниб ётган бўлиши ҳам мумкин, деган гапни хаёлидан ўтказган, ammo ўзи таянган йўлдан чалиғини истамаган, баттар адашсам-чи, деб хавфсираб, бу фикрдан кечган эди.

У — елкасида тугун, қўлида эса халта, — ана, охири кўринмаётган тўқайзорда, кечагидан минг чандон азобланиб, бирдек олдинга сурилмоқда. Унинг тунда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб, жилла қурганда бир оз дармонга кирмагани сезилмоқда, умрида кўрган хасталиклар хуруж қилиб, яна қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримоқда эди. Назарида, кечагидан ҳам бугун ҳаво иссиқ, дўзах, қуруқ ўтиндек, гуруллаб ёнмоқда эди. Офтобга ўзини солган чумоли, пашшалар баданидаги шилиниб-қонаган жойларни топиб, талаб, айниқса, Мирза Ғолибни қонига ташна бир ҳолга келтиришмоқда эди.

Мирза Ғолиб тепаликдаги харобадан энди узоқлашиб кетган, бироқ елкасидаги тугундек, унга юкланиб, тепалик гўёки унинг орқасидан судралиб, эргашмоқда эди!

У муттасил Мاستура тўғрисида ўйламоқда, тунда ҳис этган иккиланши ҳолати то ҳозир уни тарк этмай, қийнамоқда, эзмокда эди.

Мирза Ғолиб учун энди идорадагилар — Мардонқул аками, Тенглаш билан Ҳакимжонми?! Ким?! Нега?! — номардик қилишгани, уни "унутиб" қўйишгани муҳим эмас! Қўналгада қирқга яқин киши заҳмат чекиб қолаверганида, ўзи этак силкиганча, чиқиб кетавергани ҳам муҳим эмас! Ҳаттоки, Мастуранинг ўз "юк"идан қутулиб олган-олмагани-ю, дунёга келган ёки келмаган боланинг қайси ҳолда?! Ким?! — эканлиги — бу ҳам! — муҳим эмас... Мирза Ғолиб, уйга борганимда, қандай аҳволга дуч келаман?! Қандай ҳолатнинг устидан чиқаман?! — деб ўйлаб, ўз-ўзини бурдаламоқда эди.

У, тунда уйғониб мен кўрган кўланка — сийрат эмас, қандайдир сурат эди, жуда ошганда, кўршапалакдек деразага ёпишиб олган, ўзидан нур ўтказган номаълум бир мавжудот эди! Шу, холос! — деб, ўзини қанчалик "кўндирмасин", бунга муқобил фикрлар уни шунчалик пармалаб, эгавламоқда эди! "Сен барибир номардик қилдинг! Дераза ёки эшикни очиб керак эди! Ҳаётда ҳар нарса бўлади! Биров сенга қушни, биров сиққонни эслатиши мумкин! Ойнинг тўлқинлигидан, балки нур хонага ёпирилиб киргандир?! — қолгани, балки, сенинг оддий хаёлотингдир?! Ҳеч ким бекорга жеркиниб, сендан ёрдам сўрамайди! Сен ташқарида нима бўлганини билмайсан-ку! Бу овлоқ жойларда ўғри ҳам, белорни ҳам, қотил ҳам учраб-йўлингдан чиқса, ажаб эмас. Бу ерда ёвузликка майдон етарли! Мастурами, бошқа аёлли?! жиноятчилар ўлдириб, шу чексиз тўқайзорда ташлаб кетган бўлишсан-чи?! Тўхта! Сен кўланка, деб ўйлаган, — сендан хавотирланиб, қидириб келаверган — аниқ Мастура бўлса-чи?!"

Мирза Ғолиб шундай хаёлларга бориб, бошини чайқганича:

— Сен Мастурани ўзинг беркинган хонага киргани кўймасдинг-а?! Мастурани-я?! Йигит киши, ўз хасмининг-я?! — деб беихтиёр ингранар, кейин тиклаб-битирган бутун иморатини ағдариб:

— Йўқ! Мастуранинг бу ерларда пайдо бўлиши ҳақиқатга зид, ахир! Мантисиз гап! — деган фикрга келиб, яна ўз-ўзини овута бошлар эди. У жисми-жонини — шаҳарга, уйга етиб бормагунча, — бу иккиланиш, бу изтироб, ҳар ҳолда, тарк этиши қийин эканлигига дам сайин қаноат ҳосил қилмоқда эди!

Тўқайзорни бирдек чангитиб, олдинга сурилаётган Мирза Ғолиб бундан бўлак сир-синоат тўғрисида ҳам ўйламоқда, тунда, харобадан ташқарида юз берган ҳодисанинг хонадаги жасадлар билан боғлиқлиги, бир-бирига даҳли борми?! — азбаройи безовталанганидан! — билгиси келмоқда, унинг кўз ўнгига олачалоқ парда очилиб-ёпилмоқда эди!

Мирза Ғолибни, эшик-дераза берк бўлса, жасадларни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — "ўғирлаб" кетгани, қачон, нега бундай бўлгани ажаблантирмоқда, у, жасадлар, эҳтимол, менга шунчаки кўрингандир, дейишга тайёр, лекин... ҳамма-ҳаммаси эсида, бутун-бор манзара кўзи олдида қайта-қайта жонланмоқда эди! Жасадлар янги, бир-бирининг оёғига бош қўйиб, қатор ётгани... афт-ангори, кийими бир-биридан анча фарқ қилгани... уларнинг учаласи ҳам қандайдир таниш, қаердадир кўргандек...

Мирза Ғолиб тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳозир, кечаги — учратган пайтидагидан ҳам ёрқинми-яхшироқми?! — барча тафсилоти билан эслай бошлади... Марҳумлардан бирининг бошида фўта, эғнида одми яктак, юзи чувак, кичик соқол қўйган... Иккинчиси: бошида кулоҳ, эғнида жанда, патила-патилла сочлари кулоҳ остидан чиқиб, камаригача тушган, соқоли ҳам қалин, тўс... Учинчиси: бошига ҳошияли қалпоқ кўндирган, негадир қўлида юпқа, оқ қўлқоп, ёнида калта бир таёқ ҳам ётибди, юзи қонсиз, ammo жуда кўхди...

Мирза Ғолиб кетаётган жойида бехосдан чайқалиб-гандираклаганича, тўхтади.

"Эй худойим-эй! Эй худойим-эй!"

У юзлашган марҳумлар — оддий, бу кунги одамлар эмас, унга қандайдир — китобларда кўрган тасвирими, тасавури бўйичами?! — азиз, буюк бир инсонлар: Лутфий, Машраб, Байронни эслатган эди!

Унинг буларни танигани ҳам, қаердадир кўргани ҳам — шу эди!

Мирза Ғолиб — кеча, буларнинг уст-боши нега бошқача, деб ҳайрон бўлгани ҳам (эсида!) — шундан эди!

Ажабланиш мумкин! — ammo, шу аснода Мирза Ғолиб соддадил кўйда, менинг кўрганым — ўша, буюкларнинг ўзимиди ёки жасадлар фақатки уларни менга эслатдим?! — деган хаёлга борди.

Минг йиллар шакланган — ҳаётнинг ўз қонулилари бор! Тобут ўрнида ўтган — ярим-очиқ қувурми, каттакон тарновгами ўхшаган нарса ичида ётган жасадлар янги, бузилмаган, илк қарашда улар ширин уйқуга кетган кишидек эди... Умуман, Лутфий, Машраб, Байронлар бир-биридан узоқ жойлар, бошқа замонларда яшаб, неча юз йиллар бурун вафот этишган! Уларнинг қабрлари ҳам... Лутфий Ҳиротда, Деҳқанорда! Машрабни Балхда дафн этишиб, жасадини, кейин, Исканмиш деган жойга кўчиришган. Ҳўша ерда! Байрон Юнонистоннинг Миссолунги деган жойида вафот этиб, унинг юраги Юнонистонда, танаси Англияда — Лондон яқинидаги ўз ота мулки-музофотида, дала бир ерда ётибди! Бунинг устига, уларнинг жисми аллақачон хоки-туробга айланган бўлиши керак! Шундай!

Бироқ... ўтган кишилар, айниқса, ажойиб инсонларни: "Улар ўлмаган! Улар бизнинг ҳаётимизда яшайди!" — деб эслаш баландпарвоз гап эмас, айни ҳақиқат эканми?! — Мирза Ғолиб тарихда номи қолган минг-минглаб кишиларни, — болалик пайтларидан бир умр, — ҳаётда бор, деб билишга одатланган, уларга тирик, ўзи билан ёнма-ён яшаётган одамдек муносабатда бўлишга ўрганиб қолган эди! У қадрони — Лутфулладан айрилиб, энди Лутфулла бўлиб ҳам яшаётганидан, сўнгги йилларда китобга берилган, китоблардаги тасвирдан кўпроқ — тасаввур туфайли ҳар хил шахслар ҳаёти-ю, уларнинг қиёфасини кўз олдига келтира олар эди!

Мирза Ғолиб Лутфий, Машраб, Байронни ҳам ўзича "яхши танир", аниқ тасаввурга эга эди!



\* Омон МУХТОР. "Тепаликдаги хароба". Роман. Давоми. Боши 3-бетда.



...Лутфий — бир қарасанг, — ўзига ҳам, атрофидагилар ҳаётига ҳам бепарво, дунё билан иши йўқ. Яна бир қарасанг, — ўта куюнчак, ҳамма нарсани зийрак кузатган, инжа баҳо берган, одамлар муносабатида энг нозик белгиларини илган! Ўрта бўйли, озгин, соядеккина киши. Ярим қисимтир кўзлари — ажабо! — ғамгин, ҳам шўх. Чувак юзида доимий хижолатли бир табассум!

...Машраб — йирик жуссали, ёруғ чеҳрали, кўзлари катта-катта, ўтлуг. Уктам ва эрка; "жазб ҳолатлиг". Олов ичидан ўтади; ариқдаги сувга тўни билан ўзини отади. Ўнта одамга тенг кучи бор. Аммо ўта эҳтиросли, таъсирчан. "Ҳар ерда гўристон бўлса, одамларнинг устихонларин кўриб, йиғлар; эй инсон, охир ҳолинг шу экан-да, дер эди!" Унинг ҳаёти... "Еш қолибман отадан!" ва: "Кўнглумни шод этган онам!" Яна: "Дунёга келиб, лойига билмай бота қолдим!"; кейин: "Қона тўлгон юрагим!" Ниҳоят:

"Дунё сориға бир келибон — ғам-зада кетдим,

Бир лаҳза дам олмай турибон — лаҳзада кетдим!"

...Байрон — ранг-рўйдан, гўзал ва бахтсиз. Болаликдан бир оз оқсагани учун ҳам, "буни бекитишга уринган алфозда қўлидаги таёқчани ўйнаётган бўлиб, тез, югураётгандек одимлайди". Баҳодир келбатли эмас, лекин кучини қаерга қўйишни билмайди, ғаюр, ҳаддан ташқари, тоқатсиз. Зодагон оиладан, лорд, ўн ёшидан парламентда белгили ўрни бор. Аммо ҳироатхона — қаёқда, бутун Англияга ҳам сигмайди! Даста-даста китоб ёзгани кам, Ла-манш бўғозини сузиб ўтиб, сузиб қайтади. Бир Балқонга, бир Швейцария, бир Италияга жунайди. Шахсан ҳарбий кема ясашиб, Юнонистонга боради. Ватани — Англия Ҳиндистонни забт этган бир даврда, босқинларни қоралаб, юнонларнинг туркларга қарши озодлик жангида бошчилик қилади! Эрка бағишланган асарларини "Шарқ дostonлари" деб атайти...

Мирза Ғолиб ота-боболарнинг тириклигига ишонгани, тарихчи эканлиги-ю, тарихни баъзан шу тарзда "тирилтири олгани" учун ҳам, менинг кўрганим — Лутфий, Машраб, Байрон — ўша, буюқларнинг ўзи эмасиди, деган хаёлга борган, бу хаёлдан "кўнгул узламаётган" эди!

Хўп, гап шунчаки тасаввур-дами?! Тепаликдаги харобадан узоқлашгани билан, уни барибир "орқалаб" кетаётган Мирза Ғолиб, шу аснода яна бундай тафсилотни эслади... Марҳумлардан бирининг чап бетида шахсий муҳрдек билинар-билинмас афгон яра... Иккинчисининг бўйнида чизик тортгандек, арқон изи... Учинчисининг бир оёғи бошқасидан жилла қисқароқ... эди!

Дунёда бирон зот қўшилмаслиги мумкин! — аммо, мана энди, Мирза Ғолиб, парда орқасида ётганлар — Лутфий, Машраб, Байронни менга фақатки эслатган эмас, уларнинг ўзи эди! — деб ўйламоқда, муайян хулосага келган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Ғолиб жасадларни ким, қайси йўсинда хонадан олиб — "ўғирлаб" кетгани-ю, қачон, нега бундай бўлганига ҳамон тушулмаётган эди... Улар ўзлари "келишган" ва яна ўзлари "ғойиб бўлишган" эмасмикан?! Ахир, эшик-дераза берк, Мирза Ғолиб ҳеч кимни киришга ҳам, чиқишга ҳам қўймаган эди... Мабодо, у қаттиқ "қоқилиб-йиқилиб", касалхонада ётганида, учта Менга айлаиб, уч жойда ҳаёт кечирмаганида эди! — албатта, бу хаёлга бормас эди! Ҳозир эса саволга жавоб излаётим...

шундай ривоятни эслади:  
"...Андин сўнг, Шоҳ Машрабнинг муборак жасадларини лаҳадга дафн қилдилар... вафотларига етти кун бўлуб эрди; тўққуз қаландар Балхга талқин этиб келдилар..."

Вазир айдик:  
— Эй қаландарлар: бизларга Худойи таоло бир валини қаромат қилуб эрди; отлари Машраб экан! Бизлар қадрларини билмадук; подшоҳим шаҳид қилди. Маҳмудхонин ўзи ҳам ўлди! — деди (лар).

Анда, қаландарлар айдилар:  
— Бизлар Машрабни яхши танурмиз. Уч кундурки, бизлар они кўзумиз билра кўруб келдук; Ҳирот даштида, кафаилари бўйнида, итлари кейинларида Маккага кетиб борадурлар!

Бу сўзни эшитиб, вазирлар отлонишиб, Шоҳ Машрабнинг лаҳадларига келуб, кўрдиларки...  
гўрларининг қибла тарафидин бир эшик очилибдур. Анда на кафан кўринадур ва на жасад! Ҳеч нимарса йўқ..."

Мирза Ғолиб бундай ривоятни ҳам эслади:  
"Мен шаҳардаги бог эшигида отамни — одатдаги кийимида, қўлида ҳасса тутган ҳолда, — учратдим. Биз

қўлиқлашиб, уйга қараб юрганимизча, ундан-бундан узоқ гаплашдик. Аммо... уйга келиб, остона кечганим заҳоти — отам хонада, кўрпага ўраниб, қотиб ухлаб ётганини кўрдим! Енимда судралли келган кўланга беҳосдан ғойиб бўлди..."

Бу гапларни уйдирма, деб ўйламаслигиниз учун, айт-моқчиман. Шундай воқеа Байроннинг қисматида ҳам учрайди! У Юнонистонда, безгак тутиб, оғир ётганида, уни таниган кишилар — Лондон кўчаларида бемалол айланиб юрганини кўришган эди!"

Мирза Ғолиб, тинка-мадори қуриб, ҳаммаёғи олдингидан баттар шилиниб-қонаб, тўқайзорда судралли бораётиб, бу ривоятларни эслагач, Лутфий тўғрисида хаёлга ботди.

У Лутфуллага "айлангани"дан буён ўтмиш шоирларидан Лутфийга айрича қизиқиш билан қарар. Лутфий тўғрисида — Лутфулла хотирасига бағишлаб, — нимадир ёзиш орзуси билан яшар эди! Мирза Ғолиб Лутфийнинг вафоти олдиан — унинг ҳам ҳаётида, шу тахлит, ажабтовур, ҳайратли бир ҳолат рўй берганини билар, тасаввур қилар эди. Шу дамда беихтиёр ёдига тушди...

Ушанда...

У жуда қариб қолган эди.

Бир кун, одатдагидек, саҳарда туриб, бомдод намозини ўқиди. Кейин жойнамоздан кўзгалмай, ярим соат чамаси, кўзлари ёшланиб, — Қуръон тиловат қилди.

Шу кунлар чарчаб, ўзини лоҳас сезганидан, масжидга бормаётган, кўча-кўйга ҳам чиқмаётган эди. Кечами, кундузми?! — аҳамияти йўқ, билгани: мизғиш, янгидан таҳорат олганча, намоз ўқиш, худого ялиниб-ёлворин эди! Ҳафсаласи бўлганда, ора-сера китоб варақларди. Энди шеър эмас, қўлидаги сўнги сатрларни бировларга, ўзлари ёзиб-тугатишларини сўраб, тақдим қилган эди. Назарида, унинг фоний дунёда иши тугаган эди!

У ўз аҳволдан норозилик туймас, инжimasди. Аксинча, умрида оғир хасталикларга йўлиқмагани, то ҳамон қўл-оёқдан қолмагани — кимларгадир қарам, хор бўлмаганини ўйлаб, худого шукрона келтирар эди! У фариштадек — пок бир руҳ, беғубор бир қиёфага кирган эди! Қуръон тиловат қилиб бўлгач, ҳар қачонгидек, қайтиб ўринга бориб чўзилди.

Бироқ мизғий олмади... Кўзларини юмгани лаҳзада, ўз-ўзидан, негандир: бугун мени ажиб ҳодисалар кутмоқда! Огоҳ бўл! — деган гап кўнглидан кечди. Бу — аслида, гап ҳам эмас, қандайдир нидо эди! Очиқ-ошкор эшитди.

Ёшлик — ғайрат, журъат, жасорат, кексалик — ҳикматдир!

У ҳаётдаги ҳар хил ҳодиса-воқеаларни аксар олдиндан ҳис этиб, башорат қила олар, тажрибами, билим туфайлими, сўнги йилларда бу унинг учун жўн бўлиб қолган эди! Лекин шу пайтгача, ҳеч қачон ич-ичдан ўрмалаб чиққан нидони у эшитмаган эди! Шу паллада гўёки кўнглининг ўзи гапирган эди!

Ҳаяжонланиб, ўрнидан туриб кетди.

Аввалгидан ҳам қизиқ ҳол рўй берди.

Унинг баданидан челақлаб сув оқмоқда эди.

Кейин, қайнаган қозондан буг кўтарилганидек, бутун хасталиги, лоҳаслиги бир йўла таркаган-кетгандек бўлди.

Кейин, ердани, осмонданми, томирларига куч-мадор қуюлиб, ўзини — ўн саккиз ёшар эмас-ку! — тахминан қирқ-элик ёшда юрган давридагидек, бардам сезди!

Таажжубланиб, хонада чарх урганича, деворлардаги бир-биридан кичик ўймакор тоқчалардан ойна қидира бошлади. Ахийри, топиб, ўз аксига қаради...

Ўзига қон югурган, соқоли ихчамлинига, мош-биринч тусга кирган, кўзлари норлар эди!

Шу кунлар у, қора киш ўтиб, наврўзга етсам, юз ёш насиб этган бўлади, деб мулоҳаза юритмоқда, кўнглининг туб-тубида бунга умидланмоқда эди! Ҳозир ойнадаги аксини кўриб: "Ёшарибмен-ку, тавба! Манглаймда бир эмас, ҳали анча кўкламлар ёзуғлиққа ўхшайдур; Оллоҳ-Оллоҳ, ўзингга шукр!" — деб ўйлади.

Қўлидаги ойнани қайтиб тоқчага қўйиб, дераза томон ўгирилди. Тунда қалин қор тушган; лекин энди офтоб чарақлаб атроф оқиш бир ўт ичида ёнмоқда эди.

Уйда ётишни бас қилиб, дарҳол кўчага чиққиси келди.

Унинг мақсоди йўқ, худо ниманидир ирода этган бўлса, уйга ҳам бостириб келади! Қандай ажиб ҳодиса бор экан, деб югуриш шарт эмас, албатта... Бироқ у энди ёшарган эди! Уйда ётишга тоқат қилолмаётган эди! Бундан ҳам ўтадиган жойи: деразадан кўз узиб, бурилиб қараган эди... унга — ўзининг кекса бир шакли ўрнида чўзилиб ётгандек туюлди! Бу шакл унга ёқмади. Юраги қисиб, тезроқ уйдан чиқибча чолланди.





Бошига одатдаги шабпўш устидан фўта ўраб, эгнидаги одми ятак ўрнига жун чакмон кийди. Қўлига ҳасса олиб, апил-тапил эшикни очди... Ҳовлига чиққанида, уни ажаблантирган яна бир ҳол юз берди.

Атрофни оппоқ чодирга айлланиб, чирмаб-чирмаб ётган қор нечундир парча-парча булут бўлиб, ердан осмонга кўтарилди Сўнг ҳовлидаги қорайиб турган дарахтлар бирдан қўқариб, яшнаб кетди. Бир зумда — гулзордаги анвоий гуллар ҳам барқ урди! Бу етмагандек, ҳовлининг ҳув этак томонидан баралла бўбуллар чақ-чақи — эшитила бошладди.

У / қаршисидаги манзарага тикилиб, остонада қотиб турганича, беихтиёр пичирлади:

Кўкарди чаман, гулзорим қани?!  
Сиҳи сарв бўйлук — нигорим қани?!  
Топибдур бу кун, васли гул — андалиб, —  
Дариго, менинг навбахорим қани?!

У ўз ҳолатининг ўзи таъсириланб, кўнгли тўлиб, алланечук ўртганиб кетди.

Мана, энди кўчага нега талринганини англай бошлагандек эди! Шошганича, бир қадам олдинга сурилди.

Ул — менинг жони-жаҳонимга салом,  
Жондин ортуқ — меҳрибонимга салом.  
Бир замон холи эмасмен — ёдидин —  
Муниси, жони равонимга салом.

Яна бир қадам олдинга босиб, тўхтади. Инжиган-озорланганича: "Арз қилма гулларингни — бизга онсиз, эй баҳор!" — деган гап ҳаёлидан кечди. Кейин, дарди-ҳасрат билан, овоз чиқариб: "Сенсизин, қилмас кўнгул — майли тамошойи-баҳор!" — деди.

Ниҳоят, гулзор этагига келиб, рўй-рост тиз чўкиб, осмонга бошини кўтариб қаттиқ тикилган ҳолда, худога ёлбора бошлади: "Оллоҳ-Олоҳ! Мен уни кўрмоғим керак! Чидадим. Кўп чидадим. Сенга, ёлғиз Сенга ибодат-илтижо қилдим! Энди тугадим. Сабри-бардошим қолмади... Сен раҳмли ва меҳрибонимсан, Оллоҳ! Ўзинг менга мағфират кўргаз!"

Бу — унинг йиллар бўйи асранган, бир умрлик муҳаббати эди!

Ҳозир худога ёлборғач, бошини мутеларча эгиб, маҳзун жилмайганича, ўйлади:

Бир неча кун — ҳар киши севгай, — вале,

Бу — муҳаббатнингки, — поёни керак!

Унинг назарида, "бир неча кун"да ўтмаган шу муҳаббат туфайли — унга ўлим ҳадеганда яқин йўлаёлмаган, Азройил оёқлари учига келиб ўлтирмаган эди! Поёнсиз муҳаббат! — унга ҳаёт бағишламоқда эди!

У йигитлардек ўрнидан шарт кўзголиб, ҳовлидаги барқ урган гуллар, дарахтларга энди бир оз шўх, қув кўз ташлади: "Биллоҳ, мени тирик тутадурган ҳаёлидур!" - деб, ўз-ўзи учун бунни таъкидлагандек бўлди. Кейин, яна таъкидлади: "Мангу яшар — кимки кўрар сизни — бир!"

Унинг юрагига бугун Гулгунни, албатта, бир кўришига ишонч туғилган эди!

У дарвозага дадил йўналиб, Деҳқанордаги атрофдагиларга нисбатан ғариб-кўрмисиз ҳовлидан кўчага чиқди. Иланг-биланг кўчада беш-ўн қадам босғач, ўйланиб, тўхтади.

Сўнг, шаҳланиб, Мухтор тоғи этакларида жойлашган Хиёбонга, Мусалло — намозгоҳ майдонида қараб юрди. У кўнглида туғилган ишонч ҳаққи, биринчи навбатда, малика Гавҳаршод оға — Шоҳруҳ Мирзонинг хотини, — қурдирган жоме масжидига кириб, шукрона намози ўқигиси келди.

Йўлда кетаётган, у ўзини қадам-бақадам қандайдир ёшариб бораётгандек сезар, қайнаётган қозондек, баданидан ҳамон буг кўтарилар эди.

Унинг қаршисида — чарақлаётган офтоб нурлари остида, — ердан ҳам баҳорчи ҳовур кўтарилмоқда эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Голиб — шуларни эслаб, — кўнгли сал ёришгандек, руҳи кўтарилгандек бўлди.

Аммо у — ҳеч ўзгарисиз, бирдек — бошдан-оёғи оғриб, азобланиб олдинга сурилмоқда эди.

Бу тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагану Мирза Голиб билмаган эканми?! — кўёш осмон пештоқига жадал чирманиб, кечагидек куннинг яна баракаси учмоқда, лекин на бирон умид нишонаси, на бирон одам қораси кўринмоқда эди!

Мирза Голибнинг энди ниманидир ўйлаш, мушоҳада юрийтишга ҳам ҳоли қолмаган эди! У қайтиб қўналгага — шериклари ёнига бориш, катта йўлга янгидан тупроқ йўлдан юриб чиқиш ёки юк машинасини кутишга — минг рози; бироқ олдинга судралиб юришида маъно бўлмаганидек, орқага қайта олишига ҳам унинг кўзи етмаётган эди! Шу паллада у қудуққа

тушиб қолган саҳродаги йўловчини эслатарди. На бақириб-чақиришининг, на ўзингни тўрт томонга уришининг фойдаси бор! Умидланиш керак, холос!

Мирза Голиб шу кўйда бораётган, бехос кўзларини йириб-бақрайди...

Унинг рўпарасида — ўрмонзор ичидаги сайхонликка ўхшаш катта бир майдон... майдонда тепалик... тепалик устида... хароба!

Мирза Голиб ҳеч нарсага тушунолмади, саросималанган эди.

У аввалига, бу бошқа жой, бошқа, фақат олдингига ўхшар экан, деб ўйлаб, ўз-ўзига гап уқдиришга уринди. Аммо бўлмади. Ўзини ишонтиргани билан, кўзини "ишонтиролмаётган" эди! Дўппайган тепалик ҳам... Бузилган иморатлар, бузилмаган уй ҳам... Бунинг устига, бино эшигида айиқдек ит — қаёқдандир пайдо бўлиб, уймалаша бошлаган эди!

Мирза Голиб, ахир, мен қуёшни мўлжаллаб, тўғри қибла тарафга қараб юрдим, кетган жойга қайтиб келишим мумкин эмас эди, деб ҳам ўйлади. Лекин бутун Ер унинг оёғи остида сипранаётган эканми, ҳар ҳолда, у ўзи бир тун меҳмон бўлган кулба қаршисида турар эди!

Бунда жила бурун ўзини қудуққа тушган йўловчига менгзаган Мирза Голиб, нима қилганда ҳам, ишнинг бундай кўчишини кутмаган эди!

У қўлига калтак олиб, шошмасдан тепаликка кўтарилди.

Эски арқонми?! — алламбалони тишлаган ит, унга аҳамият бермай, бинонинг орқа томонига қараб кетганича, пастга энди.

Хўп... бу хароба ёрдамчилар учун қўналга эмас, дейлик. Мирза Голиб чексиз Бог ичида хўжаликдан қуриқхонага адашиб, ўтиб кетган, дейлик! Бу уйнинг эгаси ҳам йўқ, дейлик. Бироқ...

овчими, хизматчими, алоқачими?! — кимдир бу ерга келиб-кетиши, баъзан ақалли ҳордиқ чиқариши мумкин-ку, ахир! Вақтида Робинзон Жумабойни учратганидек... кимдир... бирон одам!

Мирза Голиб шу хаёлда бинога яқинлашиб, кечагидек эшикни тақиллатди.

Ичкаридан садо бўлмади. Зарб билан қоқди.

Яна ҳеч ким жавоб бермади. Мирза Голиб эшикни очиб,

ичкарига йўналди.

Даҳлизда: олдинги чанг босган пўстин, оқариб қолган иккита чела...

Хонада: олачалпоқ парда, сопол идишлар, хонтахта-ю, тахта-тўшак...

Жимжит!

Хўш, энди ишнинг бу ёғи қандоқ бўлишидан гапиринг!

Ҳаво қизигандан-қизиган, айна



пешин пайти эди.

Мирза Голиб қўлидаги, елкасидаги юкни хонтахта устига қўйиб, ўзи секин тахта-тўшак четида ўтирди.

Шу онда биров, отиб ташлайман, деса ҳам, у, олдин мен бир оз мизғиб олишим керак, деган бўлур эди! Шундай, мажони йўқ эди!

Кўнглида у, албатта, кўрпани ёзиб, бемалол-мириқиб ухлашни истар эди-ку! — лекин унга ҳозир мизғиб олиш кифоя, уйқу — гафлат, кечгача қотиб, тунда яна харобада қолиб кетишдан ич-ичида қўрқаётган эди! Бу — унинг учун ўлимга тенг эди...

(Уйқуга ўхшар — ўлим,

ўлим ўхшар — уйқуга...)

Мирза Голиб, шу боисдан, бутун-бир иродасини жамлаб, — кўрпани тўшабми-тўшамайми, барибир, — ўринга чўзилишдан ўзини тийди. Бошини деворга суяб, кўп эмас, бирон соат чамаси мизғиди.

Кейин, кўзларини ишқаб, силтаниб-керишди.

Кейин, халтада қолган иккита олма, икки бурда нонни олиб, кавшанид. Унинг иссиқ овқат, бир парча гўшт егиси келмоқда эди! Жилла қурганда, уч-тўртта пишган тухум... Пул бўлса — чангалда шўрва, дейишарди. Тўқишган экан-да!

Бироқ бу истакни ҳам енгиб, ўрнидан турди.

"Бузилган иморатлар орасида яна бирон бошпақа бўлса, ичида одам йўқмикин?!"

Шу ҳақда ўйлаб, юкни қолдирганча, уйдан ташқарига чиқди.

Бинодан орқа томонга ўтиб, эринмай айлана бошлади.

Кўп ўтмай, вайроналардан бирида бўғизлаб ташланган қандайдир оқ-кулранг тулкига Мирза Голибнинг кўзи тушди.

Кейин, бошқасида, худди дўконда териб қўйилган бухор-дўппига ўхшаб, кулча бўлиб ётган катта-кичик бир даста илонни кўрди. У боғи итнинг уй олдида нимани ташиб юрганга энди тушунди.



Мирза Ғолиб қўналгадаги шериклари, қирққа яқин кишидан фақат бир йигитчани қорақурт қақиб, бахтига машина борлигидан, Бозордаги касалхонага дарҳол жўнатишганини эслади. Ушанда шу ерлик хизматчилар, бу ерда ҳар нарса бор, қўриқхонада тулки, бўри кўп, айиқ, битта-яримта қоплон ҳам учрайди, лекин улар бу томонга кам оралайди, дейишган эди... Мирза Ғолиб хўжалиқдан қўриқхонага ўтиб кетган-кетмаганини билмаганидек, — ана, икки кундирки, тўқайзорни чангитиб, — оёғи остида, теграсида нима бор?! — деярли ҳаёлига келтирмаган эди! Уйлаганида ҳам, у бунга эътибор бермаган эди! Унинг тўқайзорга шўнгишдан бўлак иложи йўқ, орқа-олдига қарамай, бостириб кетаверган эди! Ҳозир ҳам, Мирза Ғолиб бу ҳақда ортиқча ҳаёлга ботмасдан, энди вайронадан тез изига қайтди.

Хонага кирган пайти, олачалоқ пардага кўзи тушиб, ўз фикри-тасавурини текширмоқчидек, беқарор ҳолат уни чулғади.

Яқинлашиб, пардани сурди.

Парда орқасида, — тонгдаги сингари, — у бир қур юзлашган жасадлар кўринмас, фақат ярим-очиқ қувурми, каттакон тариовгами ўхшаган нарса қўққайиб турар эди!

Бундан, Мирза Ғолиб, ўзини нечундир, кўнгли таскин топиб, мадад олгандек сезди!

У юкини кўтарганича, уйдан чиқиб, бинонинг орқа томонига ўтган ҳолда, яна тўқайзорга қараб юрди.

Катта йўл — ўнг ёки сўлда, яқин масофада бўлиши мумкин! Аммо қибла тарафга қараб юриш — Мирза Ғолиб учун қисмат эди... Илдан босганича, кетди.

Одам — минг ўзига ишонганда ҳам, — тирик жон, банда экан!

Мирза Ғолиб вайронада ёриб ташланган тулки, вишиллаган илонларни токи кўрмаганича, жонини ўйлаб, қандайдир хавф ва хатарга тушмаган эди. Тинка-мадори қуриган, азобланган, лекин бир лаҳзага бўлсин! — ҳаёли қочмаган эди. Мана, энди тўқайзорга шўнгишга, ташвишланиб, бу дунёда инсоннинг нақадар душмани кўп, деб ўйлади. Илончаёндан йиртқич ҳайвонларгача... Зилзила, тошқин, ҳар хил касалликлар... Булар етмаганидек, инсон ўз-ўзи-ю, бир-бирига душман бўлмас экан!

Мирза Ғолибнинг ваҳм-қўрқувдан, — тилсиз, сокин табиат бағрида, бутун йўл давомида, — мана, энди биринчи марта, тиззаси қалтирай бошлаган эди!

Ниҳоят...

"Сен кечадан буён бирон одам қораси кўринмасмикан, деб интиқ кутяпсан! Умидланяпсан! Лекин, — тўхта! — сенга шу паллада одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?!"

Шундай фикр ҳаёлидан кечиб, Мирза Ғолибнинг ўзи кимдандир эшитган ҳикоят ҳозир ёдига тушиди...

Дашти-биёбонми, чакалқордами?! — бир одам кетаётган экан, рўпарасидан арслон чиқиб, атрофида гир айлана бошлабди. Ҳалиги одам дастлаб қўриқибди, кейин, қараса, арслон негадир унга суйканиб, оёғига бош қўйишга уринмоқда, мушукка ўхшаб, ўзини у ён-бу ёнга ташлаганча, кўзи, хатти-ҳаракати билан ундан қаёққадир эргашиб боришини сўрамоқда! Одам ноилж арслонга эргашибди. Бир ерга келишса, арслоннинг боласи оғриб, ҳаммаёғини чақа босган, чумоли талаб ётган экан! Қўлидан келганча, ҳалиги одам, арслоннинг боласига ёрдам бериб, муолажа қилишга уринибди. Ишни битиргач, уни она арслон қайтиб ўзи боя кетаётган жойгача қузатиб қўйибди...

Мирза Ғолиб қардандир ўқиб — хотирасида сақланган бундай ҳикоятни ҳам эслади...

Томошахонада арслон ҳар куни ўртадаги майдонга чиқар, гоҳ оловдан сакраб, гоҳ дорбозлик қилиб, одамларга ўйин кўрсатар экан! Аммо вақти келиб, арслон қарибди, уни майдонга чиқармай қўйишибди... Энди арслон ҳар куни, томоша бўлаётганида, ўзини қафаснинг тўрт томонига урар, тоқатсизланиб, бўкириб-ингранар экан?! Шундан сўнг, кўп ўтмай, у ўлиб ҳам кетибди...

"Сен одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?!"

Мирза Ғолиб олдинлар ҳеч ўйламаган эди, ажабланди. Одамзоднинг феъли... Одамлар орасида юради, шу билан бирга, одамлардан қочади. Туйнукка ўзини урган юморонқоқик! ("Анграйма, болам!", "Эшикни қулфлаш эсингдан чиқмасин, болам!") Одамлар сафида туради, шу билан бирга, умр бўйи — ёлғиз. Ёлғиз! Тошбақа! ("Кимга айтмай додимни?!") Хўп, сабаб?! Бу — инсон дунёда самимият бор, зигулик бор, деб ишониб, оғзи куйганидан эмасмикан?! Энди сувни пуфлаб ичишга одатланган!

Мирза Ғолиб билган латифа... Бухоролик Шариф Нурхон — боғбон-шоир, — Зарафшон бўйида айлиниб юрган экан, бошқа бир боғбон ёнига келиб, сўрабди:

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, ота?!

— Бу яхши дарё, гўзал дарё! — дебди Шариф ота. — Мен у билан гаплашяпман!

— Эсингиз жойидами, ота?! — дебди бошқа боғбон. — Эси бор одам ҳам, дарё билан гаплашадими?!

Тўқайзорда қибла тарафга қараб, қайсарланиб бирдек судралиб бораётган Мирза Ғолибнинг яна кўзи олдида ўзи "таниган" Лутфий, Машраб, Байрон қиёфаси келган эди!

...Ҳақир, хокисор Лутфийни одамлар аксари, аслида ҳам фақир, гариб, деб билишар, унга эътибор беришмас, кўзларини каттароқ очиб қарашни исташмас ҳам эди! (Ҳазрат Навоий атрофдагиларга қайта-қайта унинг буюклигини тушунтириш, баъзан баҳслашишга мажбур бўлар эди!) Хўп, нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун... албатта!

...Машрабни гоҳ қози, гоҳ муфти ҳузурига неча марталаб судрашмаган! Бир канизақ юзига кўзи тушиб, Офоқ Хўжам ўз муҳрларини ўтда тоблаганча, унинг гардан томирига босган эдилар! Кейин, дор... Нега?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун!

...Байрон кўрган маломатлар, таҳқирлар, тухматлар-чи?! У бекорга ёзмаган эди:

Менинг кўнглим — эзилган, ноҳуш,

Ўз жуфтидан жудо бўлган қуш.

Атрофимда барча — душман, ёт,

Мен ҳеч кимдан кутмайман наҳот.

Кезинаман ёлғиз, дарбадар —

Муҳаббатга етгунга қадар...

Кейин, яна, дилгир бўлиб: "Умримда бир лаҳза топсайдим ором!", "Керагим йўқ менинг ҳеч кимга!", "Ўткинчи бир қўноқ бу дунёда — мен!" Нега, ахир?! Нима учун?! Дарё билан гаплашгани учун-да!

"Бу тўқайзорда одамни учратганинг яхшироқми, ҳайвонними?"

Милтиқ (пичоқми, ойболтами?) кўтарган икки оёқли махлук қандай ҳунар кўрсатишини билмайсан. Алданасан!

"Жинойт... жиноятчилик бир ой ичида йигирма фоизга ўсди". (Газетадан)

Ана, бундан кейин, рўпарангдан чиқадиган одамнинг йўлига кўз тикаверишин мумкин!

Мирза Ғолиб тўқайзорда шуларни ўйлаб бормоқда эди.

Бу тўқайзорда юриш учун, аслида, одамга оҳангарлар коржомасими, фазогирлар устидга кийимми?! — керак! Енги калта қўйлак, юпқа шим, енгил ёзлик пойабзал — бу ердаги шароитта мўлжалланмаган! У — илож йўқлигидан, — ҳаммаёғи дам сайин янгидан шилиниб-қонаб, пашша-чумолига таланиб, азобланиб олдинга сурилмоқда, баданидаги хасталиклар қўзиб, яна қорни, биқини, оёқлари, боши симиллаб оғримокда эди... Лекин Мирза Ғолиб бир лаҳза ваҳм-қўрқув туйиб, тиззаси қалтирагач, ўзини қайтиб ўнглаб олган эди. Ҳаёт ширин, унинг осонликча жон таслим қилгиси келмаётган эди! — "Сенга қийин, аммо чида! Ўлмайсан! Рўпарангдан одамми, ҳайвонми чиқса, ўзини туттишига қараб, унга ҳам муомала қилаверсан! Олдиндан шовқин кўтариб, таҳликага тушиш аҳмоқ одамнинг иши! Мабодо буткул дармонинг қуриб, бир ерда йиқилиб қолсанг, яна худо пошшо! Нима бўлганда ҳам бу — яккама-якка жанг, сўнгиги томчи қон қолгунича..."

У тўқайзорда судралиб бораётиб, ҳаммадан кўпроқ — ўзи аввалдан бош суққан бу маҳшаргоҳда! — қандай ҳолат рўй бераётганига умуман тушунолмаётганидан, эзилмоқда эди. Катта йўл қаёқда қолди?! Қибла тарафга қараб, тўғри юраётган бўлса, бир соат ўрнида нақ ўттиз бир соат ўтиб, ахир, нега қўринмапми?! Катта йўл эмас, унинг қаршисидан нега тепалиқдаги хароба чиқди-ю, тўқайзор бутун рўйи-заминни қоплагани ҳолда, нега — бу ҳамон жумбоқ! — у офтобни мўлжаллаб кетаётганига қарамай, айлиниб-айланиб, боя тепалиқдаги харобага қайтиб рўпара келди?! Харобанинг сир-синоатга тўла эканлигини айтмай қўяқолайлик!

Мирза Ғолиб мизғиб олгани билан уйқудан қониб-дармонга кирмагани сезилмоқда, аксинча, у чанқанидан томоғи қуриб, лаблари қақраган одамнинг бир қултум сув ичгандан кейинги ҳолатини туймоқда эди. Шу паллада сувнинг ўзи ҳам... уйқу сингари, бу ерда на юз-қўлининг ювиш, на ичишга сув топилгани уни қаттиқ қийнамоқда эди! Ҳозир Мирза Ғолиб, айнайқса, бу тун ҳам харобада қолиб кетишни истамаётган, буни шунчаки ўйлаб ҳам — кўнгли хижил, юраги зада! — қўраётган эди! У энди тепалиқдаги харобани уммонда қўлига илриниб, ёпишиб олган тахта, деб билмас, бу — ишониб, бемалол устига чўзиладиган тахта эмасди! Мирза Ғолиб, мени





ота-боболар арвоҳи, азиз инсонлар руҳи бир қатла қўллади, деб ўзига далда бера бошлаган, тунда кўрган деразадаги кўланка эса ўз номи билан — кўланка эди, деган фикрдан осойишталик топа бошлаган эди. Унинг харобада тунаб, яна бир галтак ичидан ўрмалаб ўтишга ҳоли ҳам, тоқати ҳам йўқ эди!

Мирза Голибнинг хаёли аллақачон ўз уйи, шаҳарга кўчган, уни аввалдан қизиқтирган ҳаётдаги эпкинлар қайтиб фикри-зикрини банд этган эди:

— Мастуранинг кўзи ёридими, уйдаими?! Тинчмикан, нима қилаётган экан?!

— Мардонқул ака нега илжайиб туриб, мени алдади?! Тенглашми, Ҳақимжон нима учун бундай одамгарчилик ҳақида ўйлашмади?! Булар барчасининг шунчалик идорада иши кўпми?!

— Қўналгадаги шериклар, шаҳарга қайтгач, бу ишдан қочди, деб мендан шикоят қилишмайдими?! Биров юзимга солмайди?! Идорада бундан ҳали ҳар хил гап чиқаришмайди-ми?!

Ва ниҳоят:

— Меннинг шу кунлар кутилмаганда бу ўпқонга тушишим шартмиди?! Қаёқдан ҳам бундай савдога йўлқидим?! Худойим, менга бундан бўлак имтиҳонинг йўқмиди?!

Тўқайзорда бораётган Мирза Голиб, бу ўйлардан паришонланганча, беихтиёр ҳис этди:

У, аризам тайёр, деганди, баъзан, кетаман, деб шаҳданганига қарамай, ўз ишини яхши кўрар эди! Шу дамда чуқур хўрсиниб қўйиб, яна ўйга чўмди.

Унинг ота-онаси умрида китоб ўқимаган, дунёдан беҳабар кишилар эмас, отаси негадир аҳён-аҳён унга Байрон тўғрисида гапир, ойиси мунтазам Машраб газалларини ўқиб юрар эди. Бу шоирларни болалиқдан билган Мирза Голиб, Лутфулла туфайли Лутфийни танигач, уларга чинакам меҳр қўйган, уч буюк шоир (кеча, тепалиқдаги харобада жасадлари қатор ётганидек!) энди кўпинча унинг хотирасида тизилишиб туришар, дунёда булардан айри ҳолда яшаш мукинлигини у хаёлига ҳам келтиролмас эди! Бу — Мирза Голибнинг кўнгул мулки, ўзи қадрига етган, ўзи билган — ишқ эди! Бу ишқ, айниқса, у "Лутфулла бўлиб" ҳам яшай бошлагач, аланга олган эди!

Шунинг баробарида, Мирза Голибнинг касби-кори — тарих, асосан, унинг турли тарихий воқеаларга бағишлаб ёзилган китоблари эълон қилинган, у обрў қозониб, шуҳрат топа бошлаган эди! Мирза Голиб бажарётган иши, эришган даражасидан кўнглида қаноат сезар, бу билан фахрланар эди! Шу боисдан, у идорадаги ҳар хил машмашалар, бемаъниликларга то ҳозир тишини-тишига босиб, чидаб келган, кўз юмиб қарашга ўрганган эди! Мана, энди биринчи марта мисли кўрилмаган чигал, даҳшатли шаронитга тушиб, унинг юрагида атрофидаги муҳит, одамлардан ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам норозилик уйгонган эди...

Мирза Голиб кечдан буён бир савол шуурда чўкиб ётганини сезмоқда, аммо бу нима эканлигини англаёлмай, асабийлашмоқда эди. Бехос юзга қалқди:

— Мен кўрган тушни қандай таъбирлаш керак?!

Унинг тушига кирган манзара ҳаётдагидек ёки девордаги суратдек — аниқ, наздинда, жонланиб турар, Мирза Голибнинг хаёлида ҳам шу тарзда ўрнашиб қолган эди. Осмонга тик санчилган тоғ билан қалин қамиш ўсган қўл ўртасидаги йўлакдек тор бир жойга ҳолсизланиб чўзилган — шубҳасиз, у, юзини буриб, ораста қайиқда кетаётган — тушда бўлса ҳамки, бу сизга олдинги пайтларни эслатган кўланка эмас! — шубҳасиз, Мاستура эди! Хўп, энди... қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Голиб қаергача боради?!

Аслида, бунга у диққат қилиб, бу ҳақда ўйламагани дуруст экан!

Бу тушни кўриб, Мирза Голибнинг юраги қинидан чиққан, у мени осса оссин, деб этак силкиган эди! Ана, ҳозир яна юраги орқада тортиди! Уйга етиб олмагунича ҳеч нарсани аниқлаб бўлмаслигини ҳис этиб, бу мавҳумлик, бу зулматдан, у қўналгани орқада қолдириб, тўқайзорга қадам қўйганидан бери биринчи марта кўларинида ёш ҳалқаланди.

"Олим бўлма, одам бўл!

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!"

Мирза Голиб шундай деб ўйлади.

Кейин яна ўйлади:

"Аёлга нисбатан онлада эркак киши кўпроқ масъул эмасми?! Сен бировнинг фарзандини, менга ёқди, деб

Бухородан бошлаб келиб, кўрсатган ҳунаринг — ўз ҳимоятингга ола билмадинг!"

Кейин, яна:

"Ойинг Бухорода, кекса, касалманд. Тўғри! Лекин, аҳвол шунақа: келинингизга қарайдиган одам керак, десанг, белини ушлаб бўлса ҳам, келмасмиди?! У она, ахир!"

Опаларинг ўз-ўзи билан овора. Уйи, менга қарамасанг, уламан, дейдиган эри бор. (Оёғини тоғорага солиб ўтириб, ювдирадиган!) Тўғри! Лекин, тушунтирсанг, сен ҳам ўлмас эдинг!"

Ҳеч бўлмаганда, нега Мастура кўндириб, янгаларини чақиртирмадинг?! Эриндинг, холос. Уйлагинг келмади! Энг аввал — айб ўзингиз! Мана, оқибат..."

Мирза Голиб Мастура билан Лаби-ҳовузда ўзи танинган кунларни эслади.

Танишиш ҳам эмас, тасодифан кўрди. Кўрди-ю, бошидан олов қуюлиб, оёқларигача куйди. Типирчилаб қолди.

Кейин, шу қиз ким экан, деб суриштирди.

Кейин, йўлини поилайдиган бўлди.

Кейин, ойиси, опаларини совчиликка юборди.

Мастура унинг ойисига ёқди. Лекин опалари инқиллашди:

— Овози жуда паст-ку! Бу ҳам майли. Ҳеч гаплашмайди.

Гап ололмайсан! Қудуқдан сув торгандек...

Мирза Голиб бўш келмади:

— "Индамади" деган ашула бор, эшитганмисиз?! Менга унинг шунақалиги ёқди!

Ўшанда Мастуранинг ёнида ўтириб, қўлини тутиш бармоқларини бирма-бир лабларига босиш Мирза Голиб учун оламда энг катта бахт эди!

"Шоир бўлсанг, Мастура ҳақида сен ҳам шеърлар ёзармидинг?! Масалан..."

Лутфийга ўхшаб...

Э, йўқ! Маза-матрасиз шеър ёзгандан, Лутфийнинг ўзини ўқиган маъқул!

Умуман... эллик йилга яқин — ярим аср! — ёрини кўрмай юриб, уни унутмасликни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... чинакам севишни Лутфийдан ўрганиш керак!

Яна... ўлими олдида ҳам (тўқсон тўққиз ёшли қария!) севишлигини қўмсашни Лутфийдан... ўрганиш керак! (Бу — дунёда кам учрайдиган гаройиб дoston!)

Ўрганиш керак!

Ўрганиш керак... эди!"

Мирза Голиб ҳамон Мастура юрак-юракдан севар эди! Лекин, ўзингича бўлгандан сўнг, кўнглинг тўқ, дегандек...

Энди қараса...

Шу кунлар рўй берган (бораётган) бутун дилсиёҳликка сабаб — унинг муносабатида фидойилик етмаганлигида экан! У, нима қилганда ҳам, худбин экан!

"Хўп, энди... қайиқдаги Мастура қаёққа кетаётган эди-ю, сувга тикилган Мирза Голиб қаергача боради?!"

"Дунёга индамас бўлиб келган Мастура — дунёдан шундай индамай кетган бўлса, Мирза Голиб бошини қайси деворга уради? Мирза Голибнинг ўзи — офтоб ловуллалиб ёндириб ётган, бутун рўйи-заминни қоплаган бу маҳшароҳда қузғунларга ем бўлиб, қолиб кетса-чи?! Мастура қандай яшайди?!"

Мирза Голиб Бухорога олдинлар кўп борар, айниқса, ойдин тунларда Лаби-ҳовуз сайроғи, Минораи-Калон, Арк, Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмаи-Аюб атрофларида айланиб юришни ёқтирар эди. Кечаси, ой нури остида кундузгидан ҳам соҳир, фараҳли, улғувор намоишга кирган обидалар уни ҳайратга солар, у кўзга кўринмас дарвозалар бирма-бир очилиб, тарих қаърига кириб бораётгандек ҳолатни ҳис этар эди. Мирза Голибнинг назарида, Бухоро — дунёдаги тўртта афсона-шаҳардан бири эди! Аммо Мирза Голиб сўнгги йилларда (Бухоро тарихи билан қизиққан бухоролик олим бўлатуриб) — гоҳ иш кўлини, гоҳ қўл қисқалиги! — Бухорога кам боришни одат қилган, бунга — ўзини оқлабми?! — табиий ҳол, деб қарашга ўрганиб қолган эди! Шу кунлар унинг уйда аҳвол қандайлигини яқин кишилардан биров билмас ҳам эди!

"Олим бўлма, одам бўл!"

Сен олим бўлиб, одам бўлолмадинг!"

Сен олим бўлиб... ҳам! — гўр бўлганинг йўқ!"

Мирза Голибнинг охириги кучи-дармони тугаб, энди бора-бора ҳар бир олдинга босган қадам унинг учун машаққатга айланмоқда эди. Унга елкасидаги юннинг оғирлиги сезилиб, гоҳ туйқусдан қоқилиб кетганча, тиз чўкиб қолар, думалар, гоҳ бир нуқтада тўхтаб, турган жойида бадмастлар сингари чайқалар эди. Аммо у чуқур хаёлга ботган, ҳозир ўзининг қайси ҳолда кетаётганига эътибор ҳам бермаётган эди!





"Сен ўз назарингда, ўзинг — олимсан!

Одамлар буни сариқ чақага олмайд!

Сенга ўхшаган "олим" сон мингта!"

Мирза Голиб эслади...

Ана, у "олим"ликка "кирган" пайтдаги биринчи ҳолат; —

Бош раҳбар эмас, оддийлар:

— Битта чой дамлаб келсанг, йигит!

Энди — Бош раҳбар, сўнгги ҳолат:

— Сиз гапга тушунмаясиз. Ҳозир бориш шарт!

"Сен олимман, зиёлимман, обрўйим бор, дейсан! Лекин сени ит ҳам, бит ҳам — битта чертиб, мана, ҳозиргидек ўпқонга учиради! Сенинг ҳеч ким эмаслигинг! — шунақа пайтда ошкор бўлиб қолади!"

Хўп, Мирза Голиб, бу — олижаноб вазифа, бу — менинг бурчим, деб ўйлаб, турли тарихий воқеаларга бағишлаб китоб ёзди... Аввалам:

— Сомонийларга тегмай туринг! Шарт эмас! Мавриди эмас!

Кейин:

— Сомонийларни ҳамма ёзипти! Кўпайиб кетди!

Мирза Голиб, ниҳоят, — хайрият! — мақсадига эришди, денг... Хўш, нима бўпти?! Бирон нарса ўзгардимми?! Дунёни тўнтариб ташлайман, деб кутаётган эди. Қараса, китобини ҳеч ким пайқагани ҳам йўқ! Сувга тушган тош...

Умуман...

У қилаётган иш — у ёзган "тарих" кимга керак?!

Минораи-Калон тўпга тугилганини, етмиш йил ичида сақлаб, озига талқон солиб ўтирган одамларгами?! (Энди барча сайраётганини қаранг!)

Юзлаб масжид, мадраса бузилганини сақич чайнаб, музқаймоқ еб томоша қилиб, ўтиб кетаверган одамларгами?!

Шаҳар қалъасини бузиб, ўз уйига арава-арава тупроқ ташиган одамларгами?!

Мирза Голиб эслади...

Исмоил Сомоний! Узоқдаги тўзиб ётган денгиздан сурилиб келаётган туз кемириб-емираётгани кам, нақ мақбара пинжида олдинлар рақс майдончаси (бошқа жой қуриб қолган!) бўлар эди. Гумбирлаган ноғора, карнай, бадабанг мусиқа. Ярим тунгача оёқ тепиш...

Энди-чи?! Майдонча ёпилган. Лекин Бухорога Мирза Голиб ҳар гал борганида, кўради. Ерни титратган ўнта машинада темир-терсак ташиб, нақ (яна) мақбара пинжида одамлар курсида ўтириб атрофни томоша қиладиган каттақон галтак ўрнатишибди! Мирза Голиб битта-яримтага гап тушунтиради. Тарихимизда икки Буюк салтанат ўтган, дейди. Сомонийлар билан Темурийлар даври! Араб халифалиги пайтида сомонийлар мустақил давлат барпо этишган, ўз эрки, ҳуқуқини тиклаган, дейди. Темур эса мўғуллардан еримизни озод қилган! Бу икки даврда илм-фан, маданият ниҳоятда ўсган, дейди. Тарихий обидаларнинг кадр-қиммати ҳақида анча баҳс юртади! Унинг гапини эшитиб, хижолат чеккандек, қизаришади. Мирза Голиб суюнади. Демак, масалага тушуниши, деб ўйлайди. Ана шунда, томдан тараша тушгандек:

"Бу иш Фалончи акамни таклифлари билан! Фалончи акам..." Мирза Голиб кўзлари хонасидан чиқиб, кўлларини силкиydi. Бўғилиб, бир ёқларга югуриб кетади. (Э-э, акангини... Аканг эртага ўлади: боласи ҳам эсламайди. Дунёни бузгани қолади! Эски гап, эски ҳақиқат... Лекин буни кимга айтасан! Шу, олдиндаги одамларгами?!)

Хўп, бу кунлар ўтади, Мирза Голиб — истеъдодли, омадли, — у катта тарихчи, машҳур олим бўлди! — дейлик. Ҳамма салом берадиган! Ҳисоблашадиган! Ушанда, унинг ўз қисмати-дан кўнгли тўладими?!

(Тарихчининг дунёда қачондир манглайи ёғиб бўлганми?) Мана, унга устозлик қилган — икки олим. Иккаласининг ҳам ҳаёти — фожиа. Шошмасдан, кўздан кечириб мумкин. Биринчиси — Санжар Маҳзун. Иккинчиси — Илёс Ҳайрат.

Уларни одамлар билишар, китобларини талабалар кўлланма ўрнида кўришар эди. Лекин шундай тафовут:

САНЖАР МАҲЗУН. Китоблари худонинг берган йили, эллик мингдан юз минг нусхагача босилар эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Китоблари аксар оз, икки мингдан уч минг нусхагача, ушанда ҳам тўрт-беш йилда бир эълон қилинар эди.

САНЖАР МАҲЗУН. Катта давралар тўрида, кўпчилик яхши кўришар, тахаллус ўрнидами, уни негадир "Улуғ" деб аташар, номини "оқсоқол" деб тилга олишар эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Ўрни — пойгакда, баъзан, фақир киши панада, дегандек давраларга кирмасди ҳам. Уни киритишмасди ҳам. Кўпчилик фақат давра эмас, ҳаётда унинг бор-йўқлиги тўғрисида ўйламас, кўрганда ҳам, кўрмаганга олар эди.

Уларнинг тарихга бўлган муносабати икки хил эди:

САНЖАР МАҲЗУН. Одамлар орасида анча кенг тарқалган, одатда омма бўйсунган, яшовчан бир фикр-фалсафа эгаси эди. У, тарих — ўлик нарса; замонга хизмат қилдириш, замон наинки кўтарса, ёзиш — тарихни шундай тириштириш керак, дер эди. Ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш уни қизиқтирар, масалан, бир иморат кулаб, янгиси тикланганида, у ҳам азоб, машаққат билан "янгиланар" эди. Ўтмиш китобларни "зарарли" ва "фойдали" деб иккига ажратар, "зарарли" деб билгандарини ўқимас, ўқишни бировга маслаҳат ҳам бермас эди. Ўқиган китобларидан ҳам, — Ҳеродотми, Афлотунми, Арастуми?! — фарқи йўқ, — қўрқиб, фақат "фойдали" гапларни "терар", китобига киритар, "зарарли" гапларни "қайчилаб" ташлар эди. Зиёли бир иш бўлмасин, халқ тарбиясига халал бермасин, деб жони ҳалак эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. "Мен ўзимнинг шубҳамдан шубҳаланаман!" — деган файласуфга ўхшаб, кўз билан кўрган, қўл билан тутганини қўймайдиган, "тор доира"даги кишиларга хос йўлни танлаган эди. У — қўлида ўтмишдан даста-даста китоб, турли рангдаги қаламлар, — тарихни борица, ҳужжатларга асосланиб, далил орқали, бузмасдан ёритиш керак, дер эди. Бу — оддий нарса, лекин ҳеч ким тушунгиси келмабди, деб бошини чайқар, тарих бизга дахлсиз, бизнинг ортимизда турибди, ўзинга мослаб, ўзгартириб бўлар эканми, деб асабийлашар эди.

САНЖАР МАҲЗУН. Инсон, асосан, яқинми-узоқ тарихдаги хатолару гуноҳларни билиши, маълум хулосага келиб, ҳаётни давом этдириши керак, шундагина, инсон, бугун кечагидан яхшироқ, бахтлироқ яшай олади, деб тушунар эди. Одамни чангу губорлардан тозалаб, эзгуликка, юксалишга чорлаш керак, дер эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Тарихга бир ёқлама қараб бўлмайди, бутун тарих тундан иборат эмас, дер эди. Дунё азалдан рангин бўлган! Тун билан кун, зулмат билан нур — абадий! Оламда ҳамма нарса (ажиб ҳикмат!) жуфт яратилган, бу — ой билан қуёш, аёл билан эркак, гул билан тикан, дегандек гап; биз бундан кўз юмолмаймиз, мазмунида эътироз билдирар эди. Ўтмишнинг буюк тажрибасидан чекинми, қанақасига покланиши, бахтли бўлиш мумкин, дер, бу фикр ўтмаётганига ажабланир эди!

САНЖАР МАҲЗУН. Ҳаётга хизмат қилаётган, тарихни тўри, ҳаққоний ёритган олим, деб баҳоланар эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Кераксиз гоёларни илгари сурган, тарихни бузиб кўрсатган, тухматчи, деб юритилар эди.

Улар иккиси — икки олам, Дунёпараст ва Илоҳийчи эди.

САНЖАР МАҲЗУН. Инсон Ерда курт-қумурсқадек, ўз-ўзидан бунёд бўлган, ўсиш-ўзгариш маҳсули, самовотнинг бунга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ, дер ўйлар эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Инсон — коинот фарзанди, биз ҳали англаб етмаган бир мўъжиза, деган фикрда эди.

Улар бир-бириндан узоқ — икки кутб эди:

САНЖАР МАҲЗУН. Юриш туришида салобат, юз-кўзида ҳар қандай гоёга фидойи кишига хос ўз-ўзи билан гурурланиш ақс этар, исмига "Маҳзун" сўзи қўшилиб қолганига қарамай, ҳаётдан у мамнун эди.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Эғнида уринган, баъзан ҳатто йиртиқ-сиртиқ кийим. Эзилган, чўккан. Ранги ўчган-қорайган, афти гижимлаб ташланган.

САНЖАР МАҲЗУН. Гаплашаётганда, бир қошини сал кўтариб-кериб, тикилади. Овози ширали, ёқимли, қўшиқдек. Қатъиятли, сўзини елга совермайди. Мард, олижаноб, дейсан.

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Синик, эзгин товушда гапиради. Журъатсиз, ёш болага ҳам, кечирасан, дейди... Ичи тор, тоқатсиз, баъзан тили заҳар.

САНЖАР МАҲЗУН. Роҳат-фароғатда яшайди. Машина, дейсизми, боғ ҳовли, унвон, мукофот. Қайёққа қўл чўзса, қўли етади. Бу имкониятдан — у қисинмайди. "Нимагаки эришсам, ўз меҳнатим эвазига эришдим!"

ИЛЁС ҲАЙРАТ. Уй-жойдан, турмушдан ёлчимеган. Ётиб-туришида тартиб ҳам, маза-матра ҳам йўқ, аҳмоқонами, жирканчи... Ҳаётдаги имкониятлардан ор қилган, уялгандек қочиб юради. Одамлардан — оламдан бир оз ўпканилар (бир оз нафратланиб ҳам!) яшаётгандек туюлади. Баъзан қайсидир дўстими-шоғирдини тутиб, дунёдаги барча кирдиқорлар учун айбдордек, аёйсиз сўжади. Лекин эртаниндан излаб-топиб, илжайиб келади, узр сўраб, қучади, тўлиб-тошиб ўзи ёзаётган нарсалар ҳақида дардлаша кетади... Дунёдаги у билган







АКБАРШОҲ

биргина лаззат: ичади! Деярли ҳар куни, эртадан кечгача ичади! Кўчаларда гоҳо йиқилиб қолади. Бирон таниш учраса, ёпишиб олади. Пулинг бўлса, ароқ, бўлмаса, бошқа дардисар харид қилиб, уни сийлашингни сўрайди. Баъзан пул ҳам сўрайверади. Ўлмасам, бир кун узарман, дейди. Кўпинча тийинга зор, оч-наҳор юради... Кеч тунда уйига қайтади. Ётади. Бироқ — бу нима?! — иродами, ишқми, эҳтиёжми?! — ҳар куни, албатта, қоронғи саҳарда туриб, ювиниб-тараниб, китоб кўра бошлайди. Алланарсаларни белгилайди. Кейин, ёзади... ёзади! Офтоб ёйилгунича — бир кулимсираб, бир кўзларида жиққа ёш, қимир этмай ўтиради! Офтоб ёйилгач, қоғоз-қалами нари суриб, ўрнидан қўзғолади... Яна одатдагича ичиш, қисиниш, қашшоқлик — аянчли ҳаёт!

Бу икки олим билан дастлабки учрашуви Мирза Ғолибнинг ёдида эди:

**САНЖАР МАҲЗУН.** Бирон муносабат олдидан бўлса керак, уйда от сўйдирган, сал ҳаяжонланган-нотинч ҳолатда қассоблар атрофида айланиб, уларга кўрсатма бермоқда эди.

**ИЛЁС ҲАЙРАТ.** Уйда, калта, йиртиқ бир кўйлақда, яланг тахта устида бошини эгиб ўтирар эди. Унинг оёқлари остида — очилиб-очилмаган, ичиб-ичилмаган шишалар. Ушанда хотини ташлаб кетган кунлар бўлса керак, уйда — бурчакда уюлиб ётган беш-унта китобдан бўлак нарса йўқ, уй ўғри ургандан баттар яп-яланғоч эди.

Бу икки олим четдан қараганда, бир-бири билан иши йўқ, аслида, бир-бирига адоватли, умр бўйи талашиб юришар, шу ҳолда — Илёс Ҳайрат олдинроқ, Санжар Маҳзун уч-тўрт йил кейин — энди! — ўлиб ҳам кетишган эди.

**САНЖАР МАҲЗУН.** Қутилмаганда фалаж бўлиб, касалхонага олиб боришаётганида — йўлда қазо қилган эди.

**ИЛЁС ҲАЙРАТ.** Сирли, сабаби номатълум тарзда, хор-зорликда дунёдан ўтган эди. Унинг жасадини қиш куни, шаҳар боғидаги қуриган кўл этагида, балчиққа ботиб ётган ҳолда топишган эди.

Катта-кичик тарихчилар орасида, Илёс Ҳайрат ўлганида, унинг ўлими — ўз ажали ҳам, тасодиф ҳам эмас, жиноят содир бўлган, — бу ишда Санжар Маҳзуннинг қўли бор, деган гап чиққан, давраларда ҳамон шундай тахмин юрар эди. Санжар Маҳзунни бундай тупроққа қориш... ҳақиқатга тўғри келмайди. Узоқ! Лекин бошқа бир ҳақиқат! — Мирза Ғолиб билар, гувоҳлик бера олар эди:

**ИЛЁС ҲАЙРАТ.** Ўлганидан кейин, китоблари кетма-кет, қайта-қайта босилиб, қўлма-қўл бўлиб, негадир "бир умр унга дўст, меҳрибон" кишилар қўпайиб кетди. Уни — ҳаётдаги бор белгиларни ўчириб ташлаб, йўқ сифатлар билан улуғлаш бошланди!

**САНЖАР МАҲЗУН.** Китоблари бирдан — қизиқиш сўниб, — яроқсиз бўлиб қолди. Ўзи ҳам — на мухлис, на шоғирд эслайдиган — чўккан-ғариб ҳолатга тушди. Сўнги йилларда у тирик мурдага айланган эди...

Тўқайзорда бораётган Мирза Ғолиб — шуларни хаёлидан кечирмоқда эди.

"Сенинг ҳаётинг — шу..."

Сен — икки йўл ўртасида, қай бирини тутма, барибир! — қисматингдан кўнглинг тўлмайди! Бахтли бўлолмайсан! Бу — азалдан келган тартиб, қонда!"

(Тарихчиларнинг дунёда қачондир манглайи ёруғ бўлганми?)

Мирза Ғолиб икки машҳур олимни эслаб, гўёки ўз ҳаётига ҳам бир йўла яқун ясаган эди! Бунга — ажабки, кўнглида лоқайдлик сезмоқда эди.

Энди жонида жон қолмаган, елкасидаги тугун, қўлидаги халта билан бирга — шундайгина дуч келган бир жойга чўзилгиси келмоқда, фақат ҳозирча жойни танлашга қийналиб тургандек эди!

Шундай бораётиб, ўз-ўзидан...

Тўқайзор — шу тўқайзор, у катта йўлга ҳам чиқмаган эди, лоп этиб, анча кенг, узоқ-узоққа кетган, тик сўқмоқ оёқлари остига тўшалди.

"Сўқмоқдан — йўл, ирмоқдан — дарё!"

Тақдирга тан бераётган Мирза Ғолибга қайтиб яна жон кира бошлаган эди.

Бироқ атрофга қараб, диққат қилганича, ажабланди:

у тўқайзорда озмунча юрмаганига қарамай, қўлидаги соатга қўшилиб, бу гал вақт тўхтаб қолгандек, офтоб нечундир боши устида михланган, уйдаги эски чилдирмага ўхшаб, ранги ўчган, тош қотган эди.

Буниси майли.

Мирза Ғолиб кирган сўқмоқ сўнгида — булутми, босиб келаётган тошқинми?! — қандайдир парда тортилган, бу парда сўқмоқ бўйлаб, унга томон секин сурилиб келмоқда эди!

Мусаввир Акбарали МАМАСОЛИЕВ

(Давоми келгуси сонда).

МАСЛАҲАТ

*Оқ ит,  
Қора ит —  
Барибир ит.  
Қизил ит —  
бошини сила — дедилар.  
Тумор қилиб  
бўйинига ос эътиқодингни  
Эвазига  
тилагингни тила — дедилар.*

\*\*\*

*Дард — оғир  
чимиллаб  
ботар юракка,  
Юкли — Ой  
ҳасратин  
тўқар теракка.  
Мен  
ишқдан — бенасиб  
сўнги Гадоман.*

\*\*\*

*Ой —  
қасрига йўлак очилур,  
деразамга  
тушган шуъладан,  
туннинг сир  
ҳар-ён сочилур.  
Ишқ ҳақида  
ишқ ашуладан,  
қўшни қизнинг  
сирин очилур...*

\*\*\*

*Сунбул сочларингни суйдим ситилдим,  
Тазарру тунда тутдай тўкилдим.  
Баҳор сотқин, кўзга — банди тилдим,  
Нурлана-нурлана кетавер жоним.*

*Тонгининг кучоғига сиғмаган ўзим,  
Сенга банди бўлган — осмон ранг кўзим,  
Фалақдан тилайман сабримга тўзим,  
Нурлана-нурлана кетавер жоним.*

*Шип-шип қадамлардан тўкилар анбар,  
Мовий кўзларимга чўмилар дилбар.  
Илтижо куйига чулганар таним,  
Нурлана-нурлана кетавер жооним.*

*Шабнам нигоҳини гулларда кўрдим,  
Умрим фалсафасин дарахтдан сўрдим.  
Капалак жисмига сингмоқда қоним,  
Нурлана-нурлана кетавер жоним.*



Акбаршоҳ Самарқанд вилоятдан. Тошкент дорилфунуни толиби. Шеърлари "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.





Барнобек ЭШПЎЛАТОВ

# Сағир эртагин үйдө қанча жабирлар



Бу оқшом ёғмоқда тақдир ёмғири  
сенинг сочларингта, умримга майин.  
Саодат нуридан қамашиб бағринг  
нозиклашиб борар лаҳзалар сайин.  
Ивибди эгнинг-да, қатъий ироданг,  
ўзингдан кечасан беғубор, далли.  
Висолдан ўтиниб илиқ бошпана,  
билдирмай пойлайсан менинг-да галим.  
Лойқаларга ботмиш хушхон қамишлар,  
азамат толларнинг қадди букилмиш.  
Хушхўр меваларни телбавор тишлаб,  
чумчуқлар париллаб ерга тўкилмиш.  
Ёмғир торларини узарман дея  
бир сабо келади йироқ-йироқдан.  
Бош қўйиб чақмоқлар саросимига  
кечарди булутлар зўр қалдироқдан.  
...Барчаси тозарди, хушбўй маъволар,  
ўз-ўзингга боқдинг кўзларинг тиниб.  
Рўёга ботмишди бизим даъволар,  
тақдирдай бағримга кетдинг сен сингиб.



\*\*\*

Гар ўлсам, умримдан изламанг мазмун:  
билганим барибир била олмайсиз.  
Гар ўлсам, муҳаббат этмангиз издор:  
яхшиси нарвонга тутинг елкани.  
Гар ўлсам, кўз ёши тўкмангиз сира:  
аччиқ ёшларимга этганман ғусил.  
Гар ўлсам, марсия тўқиманг энди:  
ўлим шеър битмоқда бермангиз халал.

\*\*\*

Қарғалар чорбоғда кезинар ёлғиз,  
одам изларини қоғламиш хазон:  
телба тасаввурга сигмайди ранглар,  
новдалар шивирлаб айтади азон.  
Сизни кутдим. Хуфтон чеҳрада алам  
ўқиндим дунёга келганимдан ё,  
седзим алвон гуллар қоғлаган йўлдан  
қайтариб олурсиз мени, эй Лайло.  
Очун кўрқув солар дилимга бот-бот,  
қорайиб кетади чеҳралар ғамдан:  
ўшанда куйинчак болакай каби  
мурувват истайсан ҳар бир одамдан.  
Қарғалар чорбоғда кезинар ёлғиз  
новдаларда музлаб қолмишди ҳовур:  
жовдираб сизни-да кутардим мен ҳам  
тўкилиб кетмоқдан қайтмоққа довур.  
Кетдилар умримдан дўстлар ва кўзлар  
бостириб келгани кўрқув-ла ишонч,  
ҳар нени янгидан кашф этиш керак —  
бугун тасаввур бошидаги тож.  
Улкан ва қоронгу чорбоғ четида  
эсласам болалик, масъуд онларни,



кузак шамолида муз қотган сиймо  
музга айлангирди далли қонларни.

Қарғалар кезинар чорбоғда ёлғиз...

\*\*\*

Гар ботсам, эй Қуёш ардоғингга ботгайман,  
Бошни қўйиб ётдим тупроқ уза, хуш ётгайман.

Мавридим риштасин неча йилким чийрайди мутриб,  
Қотсам, ул ниятин оҳу афғонима қотгайман.

Даллилар номусин совурди елу самум тутиб,  
Фироқинг шаънин не қилгайман, не сотгайман.

Эритди изтироб тафтида кўнгил яхмалак,  
Тайрилмоқ бахти бомиш бунда, тагин отгайман.

Оёғидан чалиб фурсат ошиқ кўнгил мустардир,  
Мақон немиш, Замон немиш, занжирин ушотгайман.

Ғурбат жаббусида ўтга ини тутинди тан,  
Езиг бул эрса, эй ғариб бош, қаён кетгайман?

Оли ушшоқ тутмишлар азоб мулкидан ватан,  
Мерос олдимга келса, нетгум, яна нетгайман?

Этагу илкимиз куйди азият тафтида,  
Бор эрса яна номусим уни-да этгайман!

Сени деб бир бахтидан кечди эй фитри ҳасан,  
Сени деб бир умр кўрсам баҳридан-да ўтгайман.

Оғзимни тутди-ю, солди ширин танбеҳини  
Узр хоҳим йўқотсам гар изн давлатин нетгайман.

Солиб қўл гарданига, танни боса танига  
Дедим: бунда ўзим берсам, не хуш йўқотгайман.

Муҳаббатин шаштидан унутса манзилин Салжуқ,  
Гар ботсам, эй Қуёш ардоғингга ботгайман.

\*\*\*

Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
яшил майсаларга чўлганган қирлар.  
Сийнасига шира тўлган даштларда  
шувоқлар ҳазин бир куйни шивирлар.  
Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
тошбақаларнинг-да ёрийди кўзи.  
Осмонга қарайди қалтираб, қувнаб,  
олисга термулар бўйинини чўзиб.





## АРЗИМАГАН НАРСАЛАРДАГИ БАХТ

Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
айқириб оқажак шернаъра сойлар.  
Ушшайган тоғлардан қочарлар нари,  
зериккан елларнинг йўлини пойлаб.  
Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
йўлимни тўсмоқчи галя капалак.  
Дарёлар тўлгонар тўқай қўйнида,  
дашларга талпинган жонлари ҳалак.  
Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
момолар сўзида ортаверар мунг.  
Қадрим қўшиқларни армонга қўшиб,  
бағрига босади тутамгина тун.  
Елларни алқамоқ мавриди келмиш,  
аллалар тўқийди сўнгсиз фалаклар.  
...Бир гўдак ухламас, ёқалари сут  
бешигин тебратар ширин-малаклар.

\* \* \*

Кўз очиб юмгонча кечди юзингда не сирлар,  
Шеваси лолликдан ўётга ботмиш тафсирлар.  
Этагин муруватнинг тутарсен-да гоҳ-гоҳида,  
Ул назар мулкидан дилларга солиб занжирлар.  
Чун набий сифати бўлибдир сенда намоеъ,  
Рафторидан чиқмиши ё азалий тақдирлар.  
Бизким яъс даштида ташнаи умид эдик,  
Келгайму тамасида ул ёндин чўнг тадбирлар.  
Анжуман тутса отинг, этмадинг парво ҳануз,  
Сағир этагин ўпди бунда қанча кабирлар.  
Машварат чангидан босди гафлат назарни  
Муъжиза етгайму айласанг уни тахсирлар?  
Ҳар тиконки ботмиш жароҳатли танлар уза,  
Киприк ила тортгайсиз чекмайин шамширлар.  
Адолат мезонига солса дардин ҳар ошиқ,  
Елгон уммониға ботгайди айтса таъбирлар.  
Аёз ҳикматин енмоқ-чун не-не Маҳмуд керак,  
Кўрдик бу манзилда амир ортидан амирлар.  
Лойини олмиши бир ердин унинг офтоб ила  
Минглаб сирини истарсан асрори бирлар.  
Кўрди олам ҳоли ажибдир Салжуқнинг бу кун,  
Кўз очиб юмгонча кечди юзингдан қай сирлар!

\* \* \*

Оёғим остида қарсиллайди муз,  
Юзим ачишади, қоронгу боғ ҳам.  
Сергак сукунатда порлаган юлдуз  
Издихоми дилни этади хуррам.  
Отларнинг кишнаши элас-эласдан  
Бўри увлогига қоришиб кетар.  
Ариқлар тўлмиши хазону хасдан,  
Кимса манзилига букчайиб етар.  
Булдириқ музламиш новдаларда шан,  
Жовдирар ҳуркиган қушлар кўзидек.  
Юзим қизий бошлар метин совуқдан,  
Барибир кезаман қоронғуда тек.  
Анча чўкиб қолган янтоқ гарамин  
Кетмабди хушбўйи, ютоқиб кезар.  
Этагига олиб теварак рангин,  
Кеча ёлғизликдан мамнунлик сезар.  
Кезиндим, ортимда боққандек кимдир,  
Ҳар соя изимни этгандай таъқиб.  
Чўчийман, шарпалар лоқайд ва жимди,  
Дилгир саросимни кўрдим нега эб?  
Ёлғизлик бағримдан кўтармайди бош,  
Сирлар силсиласин узайтирар у.  
Юраркан ортимдан кўчган каби тош  
Оёғим остида қарсиллайди муз.  
Адоғига имлар қоронгу боғлар,  
Дарахтлар юксалиб боқар изимга.  
Юлдузлар порлаган массуда чоғлар  
Изгирин юзини босар юзимга.



*Барнобек Эшпўлатов 1963 йили Навоий туманида туғилган. Тошкент Дорилфунунининг журналистика куллиётини тугаллаган. Ҳозир "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида муҳаррир вазифасида хизмат қилади. Шоирнинг "Маъволар" номли ilk китоби нашр этилиши арафасида.*

Бўрилар билан увиллагандан қўйлар билан  
маъраган маъқул.

Парижда Сена — ҳақиқий дарё, дарахтлар —  
ҳақиқий дарахтлар, одамлар — ҳақиқий одамлар  
бўлишдан тўхтайтиди.

Одамнинг юзига қараб дарров у кимга хизмат  
қилишини билса бўлади — танагами ёки  
қалбгами.

Катта ва кичик экранлар бизга ҳаётни томоша  
қилдиришади ва шу билан бирга ундан сунъий  
равишда тўсиб қўяди.

Икки тараша биргаликда — ёнади, бошқа-  
бошқа ҳолда — бурқсийди.

Ҳар ким билан чиқишиб яшашга уринсанг,  
охир-оқибат ўзинг билан чиқишмай қоласан.

Ҳаётни "безаш"нинг икки усули бор — ёки  
ўзингга савол бермайсан, ёки уларга жавоб.

Ҳамма қалт-қалт титрайди: камбағал совуқдан,  
бойвачча қўрқувдан.

Бугун неки бор нарса барча учун ўрناق эмас,  
томоша бўлиб хизмат қилапти.

Бизнинг даврда инсон арзимаган яра-чақани  
тузатишга катта маблағ совуради-ю, аммо бир  
дақиқа ҳам ўйлаб-нетмай ўлим хавфига боравера-  
ди.

"Конкорд"нинг биринчи мунтазам рейсида  
иштирок этганман. Учиб уч соат ютдим, у  
ҳақдаги гап-сўзларда олти соат йўқотдим.

Фотография ва кино бизни кўришга ўргатади,  
аммо қарашдан қолдиради.

Одамлар ҳаётни вақт ўтказиш билан чалкаш-  
тирадилар.

Бахтсизликда кучли — йўл, кучсиз —  
айбдорни қидиради.

"Рентабеллик" тушунчаси кўпчилик корхона-  
ларга қайта ҳаёт бағишлади ва кўпчилик  
одамларни нобуд қилди.

Ҳар қандай мафия қўрқувни туғдиради, аммо  
ўзи ҳам қўрқувдан яралган.

Тайёрловчи Д.НУРУЛЛОҶ





# ҚУЛИМ НАМОЗНИ ВАҚТИДА ҚИЛСА, УНГА АЗОБ БЕРМАСЛИГИМГА ВА ЖАННАТГА СОЛАЖАГИМГА АҲДИМ БОР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

"Бир эзгуликни ўн баробар ёки ундан ҳам ортиғи билан қайтаргайман. Гуноҳ учун эса бир бора жазолагайман ёки мағфират этгайман. Агар қулим бир дунё гуноҳ билан ҳузуримга келса, менга ширк келтирмаган тақдирда, уни бир дунё мағфират ила қарши олгайман".

(Муслим ва Абу Нуайм ҳазрат Абу Зар разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\* \* \*

"Қулим намозни вақтида қилса, унга азоб бермаслигимга ва жаннатга солажагимга аҳдим бор".

(Ҳоким ҳазрати Ойша разияллоҳу анҳадан ривоят этган)

\* \* \*

"Рўза бир қалқондирким, у билан оташдан сақланилгай".

(Табароний "Кабир"да ва Байҳақий Абу ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\* \* \*

"Рўза оташга қалқондир, рўза маним учундир, унинг мукофотини мен бергайман. Зеро, рўзадор емагини, ичмагини, нафсоний орзуларини фақат мен учун тарк этгай. Рўзадор оғзининг ҳиди Оллоҳ учун мушк ҳидидан ҳам ёқимлироқдир".

(Бағавий, Табароний Башир ибн ал-Ҳасосиййдан ривоят этганлар)

\* \* \*

"Бирор кимсанинг узвлари ҳаромлардан, гуноҳлардан тийилмаса, мен учун емак-ичмагини тарк этишига аҳамият бермагайман".

\* \* \*

Бу хусусдаги аҳодиси Набавиййдан баъзилари:

1) Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоятга кўра Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари шундай деганлар:

"Сиздан ҳар бирингиз рўза кунларида чиркин сўз сўйламангиз ва ҳеч кимса ила ёқалашмангиз. Мабодо бировни бошқаси сўкса ёки ёқасидан олса, у: "Мен рўзаман, қаршилик қилмагайман", — десин".

(Бухорий ва Муслим ривоят этганлар)

2) "Рўзадор бирор кимса ёлғон-яшиқ сўйласа, емак-ичмакни тарк этиб, оч юрмагининг Оллоҳ наздида ҳеч бир қиймати йўқдир".

(Бухорий ва Абу Ҳурайра ривоят этганлар)

3) "Бирор кимса осийликни ва ёлғонни ташламаса, емак-ичмагини тарк этишига Оллоҳнинг эҳтиёжи йўқдир".

(Табароний Анас ибн Молик ҳазратларидан ривоят этган)

4) "Емак-ичмакни тарк этмак асл рўза эмас. Рўза аслида ёмон сўзлардан, ёмон ва нафсоний орзулардан воз кечмакдир".

(Ҳоким ва Байҳақий Абу Ҳурайрадан ривоят этганлар)

5) "Бирор рўзадор ёлғончилик ва ёлғон шохидлик каби ёмонликларни ташламасдан, бундай маъсиятларни иртиқоб этса, унинг емак-ичмакни тарк этмагига Оллоҳ қиймат бермагай. Унга раҳмат назари ила боқмагай".

(Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Нисоий, Ибн Молик, Ибн Можа Абу ҳурайрадан ривоят этганлар)

6) "Рўзадор мўъмин бирор мусулмонни ғийбат қилмас экан, орқасидан унинг шаънига бўҳтон ёғдирмас экан, унга ҳеч бир азият етказмас экан, Оллоҳ уни ибодатда деб ҳисоблагай".

(Дайлабий Абу Ҳурайрадан ривоят этган)

\* \* \*

Жаноби Ҳақ Инжилда Исо алайҳиссаломга шундай ваҳий этди:

"Ё Исо! Бани Исроилга шуни хабар берким, менинг ризом учун рўза тутган кимсанинг танига сиҳҳат бериб, унинг ажрини кўпайтиргайман".

(Ибн Хуббон, Дайлабий, Ар-Рофий Абуд-Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\* \* \*

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоятга кўра Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратимиз шундай деганлар:

Оллоҳу азз ва жалл буюрдики: "Қулларимнинг ичида менга энг сеvimлиси қуёш ботган заҳоти ифторга шошилган кимсадир".

(Аҳмад ибн Ҳанбал Термизийдан ривоят этган ва ҳадис ҳасандир, деган)

\* \* \*

Мусо алайҳиссалом: Ё Раб! Бани одам сенга қандай ташаккур этади? — деб сўради. Жаноби Ҳақ:

— У мазҳар бўлган неъматларнинг менданлигини билса, шу эътироф унинг шукронасидир, — деди. (Ҳаким Термизий Ҳасан Басрийдан мурсал ўлароқ ривоят этган)

\* \* \*

Инжилда шундай деб ёзилган: "Неки қилсанг, ўшанга эришгайсан; қайси ўлчовда ўлчасанг, ўша ўлчовда олгайсан (неки қилсанг ўзингга қилгайсан, нима эксанг, шуни ўргайсан)."

(Дайлабий "Муснад"ида Фазола ибн Убайддан ривоят этган)

\* \* \*

<sup>1</sup> Рўзадан мақсад гуноҳлардан қочмоқдир. Мақсад ҳосил бўлмагунча тутилган рўза қабул бўлмагай.



Менга дуо қилмаганга, мендан тиламаганларга  
газаб қилгайман. (Менга ёлворганларни, дуо  
қилганларни севгайман ва дуоларини қабул  
этайман.)

(Ҳадисни Асқарий Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан яхши  
бир санад ила ривоят этган.)

\*\*\*

Жаноб Ҳақ (малакларга хитобан) шундай деб  
буюрди:

"Мени (имон ва ихлос ила) бир вақтлар зикр  
этан ёки бирор ерда гуноҳлардан бирини амалга  
оширишдан қўрққан кимсани жаҳаннамдан  
чиқарингиз".

(Термизий, Ибн Асокир, Ибн Ҳузайма ва Байҳақий Анас  
разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

"Мен ер юзи халқига азоб бермакни мурод  
қилганимда масжидларни қурган, таъмир, танзиф  
ва танвир этганларни, менинг ризом учун  
севишганларни ва саҳар чоғларида истиғфор  
этанларни кўрган заҳотим уларга азоб бермакдан  
воз кечгайман".

(Байҳақий ҳазрати Анас разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Менинг афв ва карамим дунёда бир муслим-  
нинг гуноҳини ёпадиган ва сўнгра уни расво  
этмайдиган даражада буюқдир. Қулим менга  
истиғфорда бўлган муддатда гуноҳини доимо афв  
этайман.

(Ҳаким Термизий Ҳасан Басрий ҳазратларидан мурсал  
ўлароқ ва Уқайлий ҳам Ҳасан Басрий тариқи билан ҳазрати  
Анас разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

Қулларимнинг менга қилган ибодатлари ичида  
энг севимлиси менга (бошқа ривоятда —  
мусулмонларга) хайрихоҳлигидир.

(Аҳмад бин Ҳанбал, Ҳаким Термизий ва Абу Нуайм  
ҳазрати Абу Умома разияллоҳу анҳудан, Термизий эса Абу  
Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган)

\*\*\*

Менинг ризом йўлида бир-бирларини севган-  
ларга муҳаббатим собит бўлмай. Менинг ризом  
учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Менинг  
ризом учун бир-бирларидан ёрдам ва кўмагини  
аямаганларга муҳаббатим собит бўлди.

(Табароний ва Ибн Абду-Дунё (23) Амр ибн Анбасадан  
ривоят этганлар)

\*\*\*

Эй бани Одам! Хазинангдан бир қисмини  
менинг наздимга омонат эт. У на ёнгай, на  
чўккай, на ўғирлангай. Ниҳоятда муҳтож  
бўлганинг бир замон сенга уни бекаму кўст  
қайтаргайман.

(Байҳақий Ҳасан Басрий разияллоҳу анҳудан мурсал  
ўлароқ ривоят этган)

\*\*\*

Раҳматимга мазҳар бўлмоқни истасангиз,  
яратганларимга шафқат ва марҳамат билан  
муомала қилингиз.

(Ибн Хуббон, Ибн Асокир ва Дайлабий ҳазрати Абу Бакр  
разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

Сиз хайрни умматимнинг марҳаматларидан  
истангизким, уларнинг кўлкасида яшагайсиз,  
чунки раҳматим уларгадир.

Хайрни тошбағирлар наздидан изламангиз;  
зеро, улар газабимга дучор бўлгайлар.

(Қудойи Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳу  
ҳазратларидан ривоят этган)

\*\*\*

Қазо ва ҳукмига ишонган, Китобнинг  
(Қуръоннинг) ҳукм ва васоятига буйсунган,  
берган ризқимга қаноат қилган, шаҳвоний  
орзуларини менинг ризом учун тарк этган ёш бир  
мўъмин (қаватимда) бир қисм малаклар даражасидадир.  
(Дайлабий Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят этган).

\*\*\*

Ҳар ким махлуқотимдан ҳимояга муҳтож  
бўлган заиф берига яхшилик қилса ва ундан ҳеч  
нарсга таъма қилмаса, унинг мукофотини шахсан  
мен бергайман, инъом ва эҳсонимга мазҳар  
этайман.

(Хатиб Бағдодий "Динор" тариқи ила ҳазрат Анас  
разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Бир одам жаннатга кирди ва хизматкорининг  
даражасини ўзининг даражасидан юқори кўриб:  
"Ё Раб! Қулим менинг даражамдан юқорида-ку",  
— деди.

Жаноби Ҳақ: "Унга ўз амалига, сенга ҳам ўз  
амалинга мувофиқ бердим", — деди.

(Табароний Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳазратларидан  
ривоят этган)

\*\*\*

Иблис жаноби ҳаққа:

— Иззатинг ва жалолинг ҳаққи бани одам  
ҳаёт экан, уни иғво қилиб йўлидан оздираман, —  
деди. Жаноби Ҳақ:

— Иззат ва жалолим ҳаққи улар менга  
истиғфор этганлари муддатда мен ҳам уларни  
мағфират этайман, — деди.

(Абу Нуайм Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳу  
ҳазратларидан ривоят этган)

\*\*\*

Бирор киши Қуръон ўқишни ўзининг менга  
дуо қилишидан ва мендан бирор нарсга тиланиши-  
дан юқори қўйса, мен унга шукр этувчиларнинг  
савобини бергайман.

(Ибн Ҳузайфа, Шоҳин Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу  
анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Мен фақат менга таъзим ва тазаллул қилган,  
махлуқотим олдида кибрланмаган, ҳар кунини  
менинг зикрим билан кечирган, гуноҳга мажбур  
қилмаган, очларни тўйдирган (нафақасининг ўз  
эҳтиёжига вожиб бўлганидан ортигини фуқарога  
садақа қилган), ғарибларга бошпана берган,  
кичикларга марҳамат ва катталарга ҳурмат  
кўрсатганларнинг намозини қабул қилгайман.  
Мабодо улар эҳтиёжларини мендан тиласалар,  
уларнинг тилакларини бажо қилгайман. Менга  
(ихлос ила) дуо этсалар, дуоларини қабул  
қилгайман. Менга сидқидилдан ёлборсалар, мен  
ҳам фазлу карамим билан уларга марҳамат  
этайман.

Менинг ёнимда бунинг менгзари жаннатлар  
орасида Фирдавс мислидирким, унинг мевалари  
камаймагай, бузилмагай, ўзгармагай (неъматлари  
доимийдир).

(Даракутний (25) ҳазрати Али разияллоҳу анҳудан ривоят  
этан)

\*\*\*



"(Фақат) менинг ризом учун мутавозий бўлганларни дунё ва охирада юксалтиргайман".

(Аҳмад ибн Ханбал, Абу Яъло, Табароний ҳазрати Умар разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

"Менинг ҳаққимга дуо қилган, мен учун тавозеъ этган ва ер юзида кибрланмаган кимсани юксалтириб, жаннатга солгайман".

(Абу Нуайм ҳазрати Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

"Ғазабланган пайтида мени эслаган кимсани ғазаб қилганим онда мағфират-ла ёд этгайман; уни ҳалок этганларим билан бирга ҳалок этмагайман".

(Дайлабий ҳазрати Анас разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Ҳазрати Али разияллоҳу анҳу айтади: Расули муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратимиз шундай деганлар: Оллоҳу Таоло буюрдики: Мендан бошқа мадакори бўлмаган кимсага зулм этгучиларга қарши ғазаб ва интиқомим шиддатлидир.

(Табароний ва Қудоний ҳазрати Али разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар).

\*\*\*

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим деган:

Оллоҳу Таоло: "Менинг ризом йўлида севишганлар учун набилар ва шаҳидларнинг эмрана-жаклари даражасида нурдан манбалар бордир", — деб буюрмиш.

(Ҳадисни Термизий ривоят этиб, ҳадис ҳасандир, саҳиҳдир, деган)

\*\*\*

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоятига кўра, Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

Тангри буюрдики: "Ҳар ким менинг валий қулларимга душманлик қилса, муҳаққақ мен унга ҳарб очгайман. Ҳеч бир қулим унга фарз қилинган нарсалардан ўзга сеvimли бир амал ва ибодат билан менга яқинлаша олмай. Қулим менга қилган нафила ибодатлари билан ҳам яқинлашгай. Ниҳоят, уни севгайман. Уни бир карра севдимми, энди мен у қулимнинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, шиддат-ла оғушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўлгайман (уни ёмон нарсаларни тингламакдан, ҳаром нарсаларга қўл чўзмакдан, ёмон йўлда юрмакдан асрагайман). Агар мендан бирор нарса тиласа, ўшани бергайман, менга сиғинса, муҳаққақ уни ҳимоя этгайман".

(Бухорий ва Нававий ривоят этганлар)

\*\*\*

Мўъмин қулим нафила ибодатлар билан менга муттасил яқинлашиб келгай, ниҳоят, менга такарруб эта-эта (яқинлаша-яқинлаша) шу даражага етгайки, мен уни севгайман. Бир карра уни севдимми, энди мен у қулимнинг эшитадиган

қулоғи, кўрадиган кўзи бўлгайман. (Мен билан эшитиб, мен билан кўргай, мен билан ҳис қилгай)<sup>1</sup>

(Табароний ҳазрати Умома разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

"Мен Азизман, дунё ва охирада иззатин истаганлар Азиз Оллоҳга итоат этсин".

(Хатиб Бағдодий ҳазрати Анас разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Мусо алайҳиссалом: Ё Раб! Сенинг қулларингнинг қайси бири азиздир? — дея сўради. Жаноби Ҳақ:

— Ўч олмоққа кучи етаркан, афв билан муомалада бўлган кимсадир, — деб буюрди.

(Ҳаритий Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган)

\*\*\*

Мусо алайҳиссалом: Гўдагидан ажраган бирор аёлнинг таъзиясига бориб тасалли берган кимсанин мукофоти надир? — деб сўради. Жаноби Ҳақ:

— Уни кўклардан бошқа кўлка бўлмайдиган қиёмат кунинда соямда сақлагайман! — деб буюрди.

(Ибн Сунний, Дайлабий ҳазрати Абу Бакр ас-Сидиқ разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

Оллоҳу Таоло шундай деб буюрган: Мен қиёмат кунинда шу уч хил инсоннинг душманиман:

1. Менинг номимга онт ичиб, сўнгра онтини бузиб, унинг устидан чиқмагани;

2. Ҳур бир одамни қул дея сотиб пулини егани;

3. Бирор иш қилдирмоқ учун бир ишчи тутган ва ишини қилдириб бўлгач, ижарасини бермагани.

(Бухорий ва Аҳмад ибн Ханбал ҳазрати Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят этганлар)

\*\*\*

Ақрабонгиздан хабардор бўлиб туринг. Дунёда умрингиз узун, охирада эса сиз учун хайрли бўлгай.

(Абд ибн Хумайд Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят этган)

\*\*\*

Тавротда шундай деб ёзилган:

"Бирор кимса умрининг узайувидан ва ризқининг мўллашувидан хурсанд бўлса, у кимса қариндош-уруғидан хабар олиб турсин".

(Ҳоким Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган ва ҳадис саҳиҳдир, деган)

\*\*\*

Эй бани одам! Эҳтиёжингдан ортигини фуқарога тарқатиш сен учун жуда хайрлидир. Уни қизганиш сен учун гуноҳдир. Ўзингга зарур бўлган миқдорга эса ҳеч кимнинг дахли йўқ. Инфоқ этганингда нафақага муҳтож бўлганлардан бошла. Берган қўл олган қўлдан хайрлидир.

(Байҳақий Абу Умома разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этган)

Тўпловчи Ҳасан Ҳусну Ардам.

Туркчадан Усмон Қўчқор ўгирган.

(Давоми келгуси сонда).

<sup>1</sup> Ҳар эшитганини Ҳақ қулоғи билан эшитгай, ҳар кўрганини Ҳақ кўзи билан кўргай, ҳар билганини Ҳақ билгиси билан билгай, ҳеч бир ишда шонмас, янглишмас, тилданмас, тўғридан-тўғри муродиға етгай. Оллоҳ билан унинг орасида шу даражада яқинлик ва висол пайдо бўлгай.





# ЁҒДУЛАНАР ЗАНГОРИ ЙЎЛЛАР...

Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА

## ЁМҒИР ЁҚҚАНДА...

Ёмғир ёғиб туради сим-сим,  
Дардлари кўп фалакнинг бунча.  
Оқ булутлар карвони тизим,  
Ярқирайди ҳар гул, ҳар ғунча.  
Кўк либосда ҳилпирар шаҳар  
Яшил ҳисга йўғрилган Чорсу.  
Мажнунтоллар бўйнида мрамар,  
Юрагимга киради орзу...  
Сукунатни бузади кимдир,  
Болта саси тутар ҳар ённи.  
Кирар оғриқ бағримга дир-дир,  
Товушига тутаман жонни.  
Ёш новдалар йиғлайди юм-юм,  
Осмонларга айтади видо.  
Қушчалар ҳам тополмай қўним,  
Еру кўкка беради садо.  
Эзгуликдан борми, эй кимса,  
Табиатга мунча қасд, оғриқ.  
Уволмасми жонингни уза,  
Чидолмайсан таҳқирга ортиқ.

\*\*\*

Баҳор оқар томирларимда,  
Товланади орзу чечаги.  
Саррин еллар адирларимда,  
Эриб битган музлар кечаги.  
Сочилади бағримдан гуллар,  
Қояларим қирмизи, алвон.  
Ёғдуланар зангори йўллар,  
Юрагимда улғаяр осмон.

## ПОКИЗА БИР СЕВГИ

Тиклай олмас эгик қаддимни,  
Бу кўпирган ҳавойи ҳаёт.  
Қўшолмайди тўзгин аҳдимни,  
Муқом бирла таралган баёт...  
...Жозибаси ўлган меҳрининг,  
Сеҳрлари адодир адо.  
Тушларига кираман ернинг  
Туфроғидан тўкилар нидо.  
Оқмас энди мўъжизалар ҳеч,  
Тўлқинларга айтмайман сирим.  
Ғам уфқига ботади ҳар кеч  
Қор қиларми наҳорги ирим?!!  
Ётар ахир, покиза бир сеvgи,  
Кукунлари армон қабрида.  
Фиғонларим ухлар минг йилги  
Қадим-қадим тоғлар сабрида.



Тамара ХУММАМАТОВА

## ИШОНЧ

Ҳув уй, яшарди бир оила иноқ,  
Кунларига севинч, шодлик қоришиб.  
Умид дарахтлари гулларди оппоқ,  
Оппоқ рангдан хаёл кетар ёришиб.  
Қайси кун шу уйнинг эшигин ёпиб.  
Қайрилиб, қарамай кетди эҳ ишонч.  
Ичкарида турар гумон энтикиб.  
Деворга михланди суратдай қувонч.  
Кетганингни сезмай лоқайд бўлганлар,  
Йиғлар изларингни суртиб кўзига.  
Таёқ олиб қувган қайғу, гумонлар,  
Юра кўрма асло номард изидан. —  
Ишонч, ялинаман кетиб қолмагин,  
Бошқа бирон уйнинг эшигин ёпиб.  
Биламан, мағрурсан ҳеч ҳам толмагин,  
Порлайбер, сафликнинг қуёши бўлиб.

\*\*\*

Кипригига йиллар чанги ёпишган  
Онам — Ўзбекистон, бахтинг кулган кун.  
Сени дея жондан кечган фидойи  
Ўғлонларинг эслаб титрайсан дилхун.

Ўтмиш тилга кирса, чидаб бўлмайти,  
Кўкдаги тўлин ой ғамгин қийналар.  
Қоп-қора булутлар тўсган осмонда  
Қон қусгандир қанча-қанча турналар.

Она, ўзингники энди бахт, эркинг,  
Омад чорлар сени қучоғин очиб.  
Қутламоққа шошар оппоқ биллур тонг  
Заррин нурларини бошингдан сочиб.

## АЙРИЛИҚДАН КЕЙИНГИ НОЛА

Руҳингни бир умр шод этмоқ учун,  
Гуноҳинг азобин унутдим буткул.  
Хотира сандиғин яна очар тун,  
Қайғу ўчоғида орзуларим кул.

Ярим оқшом жисминг кўмилган қабр.  
Атрофида тинмай кезган шамолман.  
Дилимга зулмининг ханжарин санчган,  
Уфқини билмаган овсар хаёлман.

Келажагимнинг шўр пешонасига  
Армонни танғийди ўтмишим дарди.  
Муҳаббат тангриси, менга қўйганинг  
Шунчалар азобми, ишқимнинг шарти.





АМИР ХУДОЙБЕРДИ



## КЎНГИЛНИ ОСМОН ТОРТАДУР...



### МАГАР ЙЎҚДИР

Не бўлди эй кўнгил, сенда ҳаловатдан асар йўқдир,  
Чекурсан ранж-кутилган ул саодатдан хабар йўқдир.  
Муҳаббат боғига кирдинг вафо истаб вале ҳар бир  
Оғоч шоҳида минглаб зоғ, сен ахтарган шажар йўқдир.  
Фалак бошига солди тим қаро шол жумла оламнинг,  
Юлдузлар ичра оламни ёритмоққа қамар йўқдир.  
Қани ваъда қилинган ул саодат? Мунглаюрсан, оҳ,  
Ўзингни ҳоҳи ўлдир, ҳоҳ омон қолгин самар йўқдир.  
Висол тadbирига ожиз эрур аҳли кароматлар,  
Минг қатла аҳд ила бел боғлаган соҳиб камар йўқдир.  
Мисоли бир гадо, пойгақда лутф кутган фақирсан дил,  
Назарга кимса илмабди-илоҳдан бир назар йўқдир.  
Амир истар муҳаббат тахтини-чеккай маломатлар,  
Ул бахтни топса топгай ё тополмасми, магар йўқдир?!

\*\*\*

Не қилай, жон бермайинми дилни жонон тортадур,  
Жон ичида жонни ҳосил этгали жон тортадур.  
Ул муроднинг сеҳри бирла интилурман, ул мени  
Ҳали ҳеч ким кирмаган боғига пиңхон тортадур.  
Бўлди банди бу кўнгил етмай боғ айвонига,  
Ичкарига лутф ила меҳмонни мезбон тортадур.  
Туйғали олма исини, гунча ҳолин сўргали  
Кирдим-ўзига, воҳ, мени бир лаби хандон тортадур.  
Этдим тараҳхум, айладим жон бахш борича жонни,  
Қанча қонмай меҳрига меҳримни чандон тортадур.  
Гул узойин деб эдим, воҳ, қўлима кирди тикан,  
Энди ул ниш заҳрини мен бирла боғбон тортадур.  
Ёр сочиндай дил паришон қадди гулзорин кўриб,  
Пойига "бош қўй" дебон сунбулни райхон тортадур.  
Энди ўзга чора йўқ эргашмайин Қайсгаким —  
Не қилай қўзғалса минг йиллик жунун-қон тортадур.  
Ерга боқдим, ерда кўрдим ул малакнинг сийратин,  
Ер нигоҳни тортадур, кўнгилни осмон тортадур.  
Дом ипини, эй Амир, кўрмас кўзинг, ё алҳазар  
Эс-ҳушингни, қуш каби гафлатдасан, дон тортадур.

\*\*\*

Жонга олам уйида танни иморат этди ул,  
Жон ичига жойлабон жавҳар на ҳолат этди ул?  
Соттали жавҳарни бозор айлади ишқ оламин,  
Минг балони бошга сол, ишқни саодат этди ул.  
Саодатга етмагинг на, боғ барпо айламини,  
Теграсин шаффоф нур, гулдан иборат этди ул.  
Ол шафақдан парда тутмиш ҳар гулнинг ҳуснига,  
Ҳар гулнинг ҳуснини олиий имомат этди ул.  
Минг туман сир пардасига то бекитмиш ҳилқатин,  
Минг бор олам уйин бузди, горат этди ул.

Минг бор тузди жаҳонни янғидан, ўз-ўзини  
Англагач ишқ бирла куйди ким, шафоат этди ул.  
Эй Амир, ишқсиз жаҳон на, сотгали ёр васлига  
Жавҳаринг бор-ку бозора сол, ишорат этди ул.

\*\*\*

Юзи олма, кўзи бир жуфт қаролу қиз,  
Изн беринг, боғингизга бороли, қиз.  
Олуланиб қонга тўлди ишқ заҳмидан,  
Лабингизни олудан қутқароли қиз.  
Хуркак-хуркак нигоҳингиз олиб қочманг,  
Кўксимдаги даштнинг эрка мароли қиз.  
Қарайверсак тортманг қошингиз ёсини,  
Туймадик-ку яна бир бор қароли, қиз.  
Гар қўшилиб оқиб кетсам қўярмисиз,  
Икки кифти тоғу қирқ шаршароли қиз.  
Нетай севги сийратида ситам кўрдим,  
Суврати ҳам қалбимиздек яроли қиз.  
Ўз дилида юрт сўраган Амир эдим,  
Энди бўлдик айтинг кимнинг қароли, қиз?..



### ИККИ ДУГОНА

Келди гулшан ичра икки дугона дарвозалаб,  
Кўзларига сурма тортиб, юзларини гозалаб.  
Иккиси гуллар билан кетди қўшилиб, иккисин  
Ҳуснига гуллар ўзини ё олдим андозалаб?  
Ахтариб ел топмади гулшанни излаб бирма-бир,  
Толди охир чорламоқдин "Муҳаббат, Шаҳноза"лаб.  
Гуллар ичра гул бўлиб ҳўб икки қиз гашт этдилар,  
Ғунчалар-да улги олди ва очилди роза лаб.  
Муҳаббатнинг кўзларида йиғлади нарғис тўлиб,  
Қўймади Шаҳноза лаб, бурди нечун ул поза лаб?..  
Ёшлигу ишқ гулшанида икки қизнинг бори гул,  
Ўхшамасми гунчага суврат ичида тоза лаб?  
Эй, Амир, шоҳбайт эса ул икки қиз назминг аро,  
Қўймагай ишқинг ани дил дафтарига ёзалаб.

Амир Худойберди қаршилик. 34 баҳорни қаршилади. Ҳозир Қарши шаҳридаги Ф.Фулом номидаги Жаҳон тиллари литсейида муаллимлик қилмоқда. Шеърлари ҳам бутун юрт кўнглини ҳайрат билан қаршилай бошлади десак муболаға бўлмас. Шоирнинг 1994 йилда "Ёзувчи" нашриётида нашр қилинган илк шеърлари китоби "Дунё ва мен"ни ўқиган бунга амин бўлғуси.





Дейл КАРНЕГИ

# Уолт Дисней Микки Маусни гаражда топган

Уолт Дисней илкимиз уртамиздаги илк учрашувдан йигирма йилча аввал Микки Маус, Плуто, Доналд каби бугунда машҳур мултфилм қаҳрамонларини яратган бу одамни деярли ҳеч ким билмас эди. Бугунги кунда у бутун дунёга таниқли, чўл фуқароларидан тортиб яндоқ музлоқларда кун кечирувчи эскимосларгача — барча-барча Уолт Дисней номини яхши биледи. Аляскалик эскимослар ҳатто Микки Маус деб аталувчи махсус клуб ҳам тузишган ва унинг аъзолари мунтазам равишда муз бўлақларидан қурилган кулбалардан бирида йиғилиб туришади.

Мен Дисней билан танишганимда у аллақачон танилиб, ниҳоят даражада бой одамга айланиб улгурган эди. Агар у истаса, ҳашаматли "роллс-ройс"да кўр тўкиб юриши мумкин эди. Бироқ Дисней эски, кимдандир арзон-гаровга сотиб олинган машинада юришни хуш кўрарди. Бор пулини у фақат ишга ташлар эди. Милёнларни сандиқда тутгандан кўра, янги, янада мукамал филмларни яратганим маъқул, деб айтар эди у.

Дисней болалигидан рассом бўлишни орзу қилган. Кунлардан бир куни у иш қидириб, чизган суратларини кўтарганча "Канзас сити стар" газетига бош уриб боради. Бироқ муҳаррир унинг ишлари билан танишиб, унда истеъдоддан асар ҳам йўқлигини айтади. Дисней умидлари чилпарчин бўлиб уйига қайтади.

Ниҳоят, у озгина бўлса ҳам пул тўланувчи иш қидириб топади: черков буюртмаси бўйича суратлар чиза бошлайди. Отасининг гаражини устахонага айлантиради. Бироқ, айнан мана шу гаражда қиммати милёнлаб долларга тенг ғоя дунёга келади.

Бунинг тарихи қуйидагича. Кунларнинг бирида гаражда сичқон пайдо бўлади. У мусаввирга парво ҳам қилмай тинимсиз ўйноқлар, у ёқдан-бу ёққа пилдираб югурар эди. Буни кўрган Дисней сичқонга нон ушоқлари келтириб беради. Сичқон шу қадар унга ўрганиб қоладики, ҳатто ишлаётган пайтида молбертининг устига чиқиб ўтирадиган бўлади.

Маълум муддат ўтиб Дисней Ҳолливудга келади ва "Освалд исмли қуён" деб номланган мултфилмлар мажмуи устида иш бошлайди.

Бироқ, бу ғоя муваффақият қозонмайди ва у яна ишсиз, пулсиз қолади.

Кунларнинг бирида Дисней ўз хонасида янги филм устида ўйлаб ўтираркан, туйқус эски қадрдони ҳақида эслаб қолади. Номига энг йирик кино юлдузларидан ҳам кўп хат келувчи машҳур Микки Маус шу асно дунёга келади.

Уолт Дисней ҳайвонларнинг ўзини туттишини яна бир карра кузатиш ва уларнинг овозларига қулоқ солиш мақсадида ҳар ҳафта ҳайвонот боғига борарди. Дарвоқе, Микки Маус ҳақидаги филмларда сичқонга унинг ўзи овоз берган, шунингдек, бошқа бир қанча қаҳрамонларнинг овозлари ҳам уники. Бироқ, Диснейнинг ўзи филмлари учун сурат чизмайди, сценарий ёки мусиқа ёзмайди, буни унинг қўли остида ишловчи 134 нафар ходим бажаради.


Бор вақтини Уолт Дисней янги ғоялар ва сюжетлар устида изланишга сарфлайди. Бирор бир фикр туғилди дегунча дарҳол сценарий бўлимида ишловчи 20 нафар ходимини тўплаб, муҳокама қилади.

Бир сафар у ходимларига болалигида онасидан эшитган бўри ва уч чўчқа боласи ҳақидаги эртак асосида филм яратишни таклиф қилди. Буни барча ходимлар жўр овозда рад этдилар. Бироқ, Диснейнинг айтишича, бу ғоя уни сира тинч қўймади, унутишга ҳарчанд уринмасин, барибир хаёлида қайтиб жонланаверди. Лекин ходимлари ҳам бўш келишмади, бундан тузукли бир нарса чиқиши қийин, дея рад этишарди ҳар сафар.

Ниҳоят, улар филмни суратга олишга рози бўлишди. "Жуда истаётган бўлсангиз, майли, сазангиз ўлмасин, бир уриниб кўрамиз", дейишди. Филм жуда катта муваффақият қозонди. Чўчқа болаларининг "Бўридан биз кўрқмаймиз, кўрқмаймиз, кўрқмаймиз!", дея бошланувчи қўшиғи тез орада бутун дунё чурвақаларининг тилида жаранглади.

Фақат ўз ишига бутун вужуди билан берилган кишигина муваффақиятга эришиши мумкин, деб ҳисобларди Уолт Дисней. Ўзининг таъкидлашича, у ҳеч қачон фақат пулни деб ишламаган. Ягона илҳом манбаи бўлиб унга ўзи бутун қалби билан берилган ғоя хизмат қилган.

Ш.АЗИМОВ таржимаси



Ақбарали МАМАСОЛИЕВ  
чизган сурат





# АЗИЗ ЙИЛЛАРИМДАН ЮБОРДИМ КЕЧИБ...

*Истеъдодли шоир Назар Шукур бевақт ораминдан кетганига ўн йил бўлишига қарамай, ҳамон унинг ҳаётлигида ёруғлик кўрмаган асарлари борлиги қалбга таскин бағишлайди, юракни ҳаяжонга солади. Бу ҳам ҳамма истеъдодларга насиб қилавермайдиган бахт. Бу гал журналимиз саҳифасида Сиз унинг алақачондан буён ўз ўқувчисини кутиб ётган шеърларидан айримлари билан бирга руҳият қирраларини ўзида акс эттирган мактублари билан ҳам танишасиз. Бу хатларни қадрдон дўсти, ижодкор Одил Ҳотамга йўллаган. Дўстнинг хотиралари, сўзи ҳам Назар Шукур ҳақидаги тасаввурни янада тўлдиради деган умиддамиз.*

ТАҲРИРИЯТ.

## КУЗ ЎЙЛАРИ

Н. ва Р.га

Оёқлар остида типирлар хазон,  
Оёқлар остидан оғир ун чиқар.  
Муздай теваракка урилиб ёмон  
Нигоҳим жунжикар,  
Умрим жунжикар.  
Кексарган япроқдай қалтираб турар  
Умрим дарахтада йигирма олтим.  
Осмон турналарга лиммо-лим тўлар,  
Хорғин тизимидан сачрайди ёлқин.  
Йигирма беш йилим излайди мени  
Изларим сингари тўкилиб ортда.  
Йигирма беш йилим! Унутдим сени,  
Хазонрез чеҳранг ҳам чиққандир ёддан!  
Оёғим остида типирлар хазон,  
Оёқлар остида қолди йилларим.  
Яшаяпман! Кўҳна Шош пойимда ҳамон,  
Пойимда тўлғонар тоштан йўллари.  
Бу тантиқ дил билан кимга бахш этай  
Йигирма олтимни устимдан ечиб.  
Ўлимдан ҳайиқиб ҳар йили, нетай,  
Азиз йилларимдан бораяпман кечиб!  
Ўлимдан ҳайиқиб кечаяпман осон  
Содиқ қололмасдан сенга, ёшлигим!  
Бу кекса ҳидлардан сарғаяр жаҳон  
Унутиб йўлларнинг бағри тошлигин.  
Сочлар қорасидан кечаяпман аста,  
Ёшлиқ ҳаяжоним тортмоқда сийрак.  
Сендан кечолмасдан йиллар кечаяпман,  
Олиб ўтаяпман қирлардан, юрак!



Оёқлар остида типирлар хазон,  
Йўлаклар тўлмоқда ҳасрат исига.  
Йигирма олтим ҳам бефарқ, беомон,  
Барглардай кирмоқда хазон тусига.  
Мен эса борурман япроқлар босиб,  
Оғир ўйларимдай қовжирайди Куз.  
Умрим, йўғон эдинг, бораяпсан озиб  
Ингичка тортурсан йил сайин, эсиз!  
Йилларим, беаёв қилаяпман исроф,  
Одамлар пойига тўкилдингиз жим.  
Йилларим, оғриққа берасизми тоб  
Сизларни эзгилаб ўтганда ҳар ким?!  
Юраклар тинчини қон каби сўриб  
Оёқлар остида инграр йилларим.  
Япроқларнинг муздай жасадин кўриб  
Киссамга беркинар қотган қўлларим...

\*\*\*

Сокин туйгуларинг қилар галаён,  
Қийналдинг улуғвор ҳисларни сийлаб.  
Йўлингда, кўзингда бўлсам намоён  
Ёлғон қувончларни ўтасан куйлаб.  
Сўнгсиз ғамларингни мендан яшириб  
Куласан, ҳамнишин дўстларинг билан.  
Аламлар кўксимга келар бош уриб,  
Ҳеч қасос олмайсан сўзларинг билан.  
Ўзгалар қошида куласан бефарқ,  
Бегона нигоҳлар силар сочларинг.  
Сохта севинчларга бўлар гўё ғарқ  
Кипригингга қўнган қайғу ёшларинг.  
Бировлар сўзлари қитиқлар кескин,  
Бировлар нигоҳи тўймай ўпади.  
Отелло сингари инграйма мискин,  
Кунлар ёнгинамдан бефарқ ўтади.  
Англайман, атайин табассуминг ўч,  
Интиқом — бу ёлғон бахтиёрлигинг.  
Не қилай, ўшандоқ келаверсам дуч  
Бахт билан тўлади гўё борлигинг.  
Мисли ёмғир каби ёғилар кулгинг,  
Куласан устимдан. Пешонамда тер!  
Сен кулиб устимдан бахтиёр бўлдинг,  
Ул оғир кулгингдан букчаёди Ер.  
Қасослар оласан бесўз, беимо,  
Боқаман сочилган ҳушимни тўплаб.  
Вужудим, қўлларим қалтирар аммо,  
Титроқлар тўлқинин ичаман хўплаб.  
Қошларинг — норавон тақдирга сўроқ,  
Излайман йўқотган кунлар нурини.  
Тушларимда туйиб ичаман, бироқ,  
Кўзларингдан оққан сойлар шўрини!



## ҚИШ

Қиш ҳайдар жанубга турналар сафин,  
Жанубга ҳайдади саратон, кузни.  
Ариқлар яхлайди йўқотиб гапин,  
Кўлларга оқ копток этади музни.  
Шудгорлар совқотар қорларни кутиб,  
Дилдирар яланғоч юлдузлар нури.  
Музлаган ҳавони бўлмади ютиб,  
Очликдай санчиқдан улийди бўри.  
Иссиқ либосларга шўнғийди умрим,  
Қийимсиз бўлса ҳам совқотмас вақтлар.  
Ёшлигинг кетишга шайланар, қумрим,  
Ва... сўлғин тортади ортдаги бахтлар.  
Истардим бахтларнинг музлагогини,  
Аммо у жой этди ёз оғушини.  
Негадир хоҳлайман шу дам соғиниб  
Онамнинг булутдан қор соғишини...  
Раҳмат, қиш, жанубга ҳайдадинг бежанг,  
Сариқ саратонни қувдинг овозсиз.  
Қувмасдан агарда музлатиб қўйсанг  
Ер узра қолардик турнасиз, ёзсиз!

1982

\* \* \*

Тун кутади ухламоғимни,  
Вужудини босади титроқ.  
Ичкарини жуда соғиниб  
Тинмай пойлар ўчишин чироқ.  
Парча тундек сочларим билан  
Кетмоқ истар унсиз қоришиб.  
Чироқ ўчгач,  
Тун кўзларига  
Кетар бутун олам ёришиб.



1978

## ЯШИЛЛИКНИНГ УЗУН УМРИ

1992 йили "Чўлпон" нашриёти хайрли иш қилди. Назар Шукурнинг "Вақт хиёбони" деб номланган шеърлар тўплами чоп этилди. Бундан мен ҳам жуда хурсандман. Чунки дўстнинг қадри, ўрни ҳар он билиб аётган бир пайтда ҳеч бўлмаса ундан қолган китобни ўқиб, кўнгил бир оз бўлса-да таскин толади, хаёлда у билан боғлиқ дилбар хотиралар уйғонади.

Китобни қўлимга олишим билан аввало унга сўзбоши ёзган Назарнинг қадрдон биродари Абдурашид Нурмуродовнинг шоирнинг бир шеъри туғилиши ҳақидаги хотирасининг... давоми эсимга тушади. У хотирлашича, улар иккиси ночор яшаётган ижарахонага бир кун Абдурашиднинг бир неча қариндоши келишади. Икки ёш йигитнинг "усти ялтироқ, ичи қалтироқ" аҳволини кўрган акалар уларга дўкондан янги камзул-шим сотиб олиб беришади. Ва кўтарилган ёш кўнгилларни янада кўтариш умидида меҳмонхона ресторанига кириб, "бир отамлашмоқчи"

бўлишади. Афсуски, пахтакор деҳқонни этиги билан ресторанга киритишмайди. Ва бундан жуда қаттиқ таъсирланган, изтиробга тушган Назар ўша кечасиёқ "Нишон аканинг этиги" шеърини ёзади.

Ачинарли томони шундаки, бу шеърнинг ўзига ҳам Нишон аканинг қисмати насиб этади. Бир неча нашрлар уни қабул қилишмайди. Бир сафар шоир дўстимнинг ўзи бу гапларни менга айтиб бераркан, — шу шеърни чоп этсангиз газетангиз (Навоий тумани "Навоий овози" рўзномаси, ўшанда номи "Коммунизм учун" эди) тарихда қоларди, — деб қолди ўзигагина хос майин табассум билан. Унинг кўзлари ҳамиша кулиб турарди.

— Тарихдан кўнглингиз тўқ бўлсин, — жавоб қилдим унга.

Ушбу шеър газетамизнинг 1983 йил 12 март сониде босилиб чиқди.

Шеър шундай яқунланарди:

*...Ресторан эшиги наҳот чегара  
Эшикбон, ҳаётда бунча сохта сен?!  
Қанча сарҳадлардан ошган-ку, қара,  
Этиклар асраган деҳқон пахтасин!  
Одамлар! Шаҳарни кезганда гоҳо —  
Бу этик чанларин этмангиз ҳеч маън.  
Пахтасиз қолмасин десангиз дунё,  
Нишон акаларнинг этигин ечманг.*

Газетадан Назарга почта орқали юбордим. У худди боладай суюниб хат ёзган эди...

Шулар ҳақида ўйласам беихтиёр Назар Шукур билан ёзишмаларимиз эсимга тушади... Назарнинг мактублари... Уларни ҳозир ҳам варақлаб, ўқиб тураман. Лекин бу ҳол мен учун осон кечмайди. Ҳар бир мактубдаги ҳар бир сўздан Назарнинг кулиб турувчи кўзлари қараб тургандай туюлаверади, туюлаверади...

У дўстларига ҳамиша меҳрибон, ниҳоятда содиқ эди. Бировнинг бошига ташвиш тушса, то ўша иш ҳал бўлмагунча ўзини қўярга жой тополмасди. Ўзганинг ютуғи, қувончидан боладай ҳайратга тушар, жуда беғубор бир ҳолда қувонарди. Кўзларига ёш келарди...

Назарнинг мактублари жуда шахсий. Лекин уларнинг айрим ўринларини Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишдан ўзимни тиёлмайман...

...Назар туғилиб ўсган Чироқчи туманининг Наврўз қишлоғи адирикда жойлашган. Бу ерда баҳор ўз номига яраша гўзаллини баҳорларнинг баҳори бўлади: яшиллик, яшиллик, яшиллик... Худди шундай тўйлар, маъракалар шу қадар содда, самимий, миллий ва айни пайтда жуда жозибали ўтади. Мард чавандозлар улоқ чопишади... Назар ана шундай беғубор қишлоқ фарзанди эди.

...У бу ўткинчи дунёга келиб бирров НАЗАР солдию... ШУКУР деганича кетди. Унинг шукронаси падали бузрукворига, волидаи муҳтарамасига, ака-укаларига, дўстларига садоқати ва ҳамиша навқирон ўз қишлоғи идай ям-яшил шеърларидир. Илоҳим, ана шу яшилликнинг умри узун бўлсин.

Одил ҲОТАМОВ



10.10.79.

...Бугун дипломимни қўлга олдим, эртага юваман. Прописка 90 % ҳал. Кетгунча тах(тайёр) бўлар. Домлам "Ўқитувчи"га ишга ўт, деяпти, мен ҳам розироқман. Чунки келажакка (...) мукамал бормоқчиман!..

\*\*\*

...Нега хатларга жавоб ёзмайсиз? Адресларни бергандим-ку! Ҳар куни почтага қатнаб овора бўлганларимдан беҳабарсиз-да, ахир. Ғафлат бандаси қатдан билсин тун бўйи мижжа қоқмай чиққанларнинг ҳолини. Еттита хатга жавоб келмагач, бу гал 8-қилиб ёзишга мажбур бўлдим

...Мен энди ишляяман! Ҳақиқатдан ҳам иш пайти 300 кг. ли штангадай оғир бўлар экан. Амин бўлдим, фақат тўра бўлолмадим. Иш пайтида пиво билан кўнглингни ёзолмайсан, киши. Фақат Ручка билан ёзасан. Ишининг каромати билан ҳар куни тонгни ҳам кўраямиз. Мен "Ўқитувчи" наشريётида ишляяман: кичик редактор бўлиб. Мен ҳам (...)га ўхшаб ўз жойимни топганга ўхшайман.

...Мактубимни мухтасар айлашга ижозат бергайсиз. Чунки мен кўп нома битганмен. Жавоб келса, анда ўйлаб кўргаймен...

Хатни ёзишдан мақсад шуки, жума куни муҳокама бўлиши керак. Буюк ва ғамхўр мунаққидим (...) шундай дедилар. Агар "Ўзбекистон маданияти"дан ўқиб, хабар топсангиз дарҳол етиб келинг.

...Хушбахт ва хушвақт  
укангиз Назар Шукур ибн Ҳайдар.

\*\*\*

...Мендан ҳол-аҳвол сўрасангиз бир нави. Иш билан ҳар куни ҳамқорликдаман. Шеърлар эса иммиллаб ёзилаяпти, чунки кайфиятимнинг соғлиги чатоқроқ. Альманахларингиз тушиб кетди.

...Бизнинг альманахларнинг корректураси чиқди. Бор-йўғи 11 та кичик шеър. 10-сонни олдингизми? Ўрознинг шеърлари қандай? Нормурод Норқуловники-чи?

Қандай янгиликлар бор? Илтимос хатни узунроқ ёзсангиз!

Мен бугун иккита шеър ёздим ва Сизга жўнатаётибман, баҳосини кенгроқ қилиб ёзсангиз, яхшими ёки мутлақо... ми?..

Ажаб савдолар кўп бўлаётибди. Кейинроқ батафсилроқ ёзаман.

Отпускамни ҳам қуруқ ўтказиб қўйдим. Умрнинг лаҳзалари кўпроқ пуч бўлиб ўтаётибди. Ҳадемай кексалик ҳам келиб қўяди, бу ҳолда. Фурсатлар қарзидан қутулолмай қарздор бўлиб ўтаяпман, шекилли...

Хўп, хайр! Камоли эҳтиром билан,  
укангиз Назар.

...Хатингизни эрталаб олдим... Одил ака, ростакамига ҳаётман!.. Ҳаётлигим нақадар Сизга номаълум экан...

\*\*\*

25.03.81.

...Шеърлар ҳақидаги фикрингизни иложи бори-ча қайта-қайта ўқиб чиқдим.

"Сомон йўли"нинг охириги тўртлигига қатъий қариши чиқибсиз. Таассуфки, ёзишимдан аввал марша келган фикр охириги тўртлик эди. Боши эса шу тўртликка эргашиб келган. Демак, сизнингча, "устоз"дан кўра "шогирди" зўр чиқибди-да!..

"Катталар" (шундай сарлавҳали шеър) ҳақидаги фикрингиз ҳам маъқул. Демокчиманки, кўплардан кўра Сиз аниқ ва равшан тушунибсиз. "Хуштор"ни олиб ташлаш учун бош қотирыпман. Тез кунларда бу ҳам амалга ошиб қолади.

...Адресимни сўрабсиз. Адресимни ўзим ҳам тўғри билмайман. Билганим шундай: Циалковский кўчаси. Дом аспирант. 112-мактабнинг ёнида. 1-қавати эски мактаб — ҳозир дом-аспирант! 28-хона! Бемалол топиб кела оласиз. Вокзалдан 16-автобус тўғри келади.

...Шанба, яқшианба кунлари келинг, зўр мушоиралар қиламиз албатта. ..."Мангулик лаҳзалари" деган шеър ёздим. Машинкаласам, албатта ўзини ёлғиз жўнатаман. Батафсил фикрингизни ёзиб, айтасиз. Сизнинг шундай қилмасликка ҳаққингиз йўқ.

Кескин ва қатъий, гоҳида адолатли эҳтиромлар билан, укангиз Назар.

\*\*\*

14.03.80.

Хатларингизнинг ҳозирча олтитасини олдим. Кечикиб жавоб ёзаётганим учун "хижолат" тортманг. Шу уч бет хатни уч кунда ёзаётирман. Иқтисод қилинган вақтлар жуда кам бўляпти. Шунинг учун хатларимнинг тиражи, варақ сони кам. Ана шу томондан ютиб турибманки, ёзган хатларингизга тағин битта қўшилса, илгариги хатларим билан баланс бўлади.

\*\*\*

..."Оқбилак" (ҳикоя)ни ва бир-иккита шеърни юборяпман. Борганимдан кейин ишга қираман. Агар уйга жавоб ёзишга улгурмасангиз, Тошкент — 95 га ёзинг.

..Укангиз Қофиябек (Назар Шукуров).







АБДУЖАББОР

# Ўбдалар шайманар Энг сунги жонгза



Қулаб тушган юлдуздай  
чинорнинг япроқлари  
сув юзида жимгина  
қалқиб-қалқиб оқади  
бўзрайган кунлар ҳам  
қораяди кунма-кун  
тўп-тўп булутлар кўкда  
чақинларни чақади.  
Трамоҳ изғирини  
олиб келар қайғуни  
ва ювар куз ёмғири  
кўкламги хаёлларни.

\*\*\*

Қуёш ёниб бўлган ўчоқдир  
уфқ орти  
қоп-қора балчиқ  
танинг эса  
занглаган ханжар  
осмон сенинг  
мурданг кўмилган  
торгина бир лаҳадга ўхшар

\*\*\*

Қуёш ботди, шамол ҳам тинди,  
турналар ҳам борар олислаб.  
Қонга ботган қонталаш гуллар,  
уфқ томон боқади илҳақ.

Қуёш нурларини талашган боғлар,  
кўмилиб бормоқда бир мушкин рангга.  
Қурбонликка бериб япроқларини,  
новдалар шайланар энг сўнги жангга.

Кеч кузак кунидай кўнгиллар синиқ,  
жудоликка, видога мағлуб.  
Турналарнинг саси борар олислаб,  
таланган тупроқнинг нидосин олиб.

\*\*\*

Менга таскин эмас менга сўз керак  
тураркан соядек чайқалиб зеро  
хотиротнинг ғариб маскани

Менга таскин эмас менга сўз керак  
ханжардай кескирмас гул каби оддий  
қуёшдай улуғвор хаёлдай мағрур



Менга таскин эмас менга сўз керак  
бу совуқ фаслдан йўққан омонлик  
ҳали заиф экан бу хаста юрак

Менга таскин эмас менга сўз керак  
шамоллар пойига йиқилса сабр  
Хазондай тўкилса бу азал қўрғон

асрлардан буён бу ташна қабр  
халоскор бу сўзни кутаркан интиқ  
менга таскин эмас менга сўз керак  
...менга сўз керак

\*\*\*

Хотирамга ёпирилиб кирмоқда туман  
Фикримга санчилар қоп-қора еллар  
Яланг товонимда муз қотган Ватан

Сукут алангаси ўрлар ҳавога  
Қуёш ҳам қораяр тобота ш мисол  
Рухни асир этар иблис Навога

Кўнглим энди менинг кўмилмас қабр  
Қон эмас томиримда оқаётир муз  
Тўниб бораётир халоскор товуш

Кўнгил дарчасида зулмат қушчаси  
Не деб сайраётир титкилаб энди  
Кўксимда қуёшнинг совуқ кулини

Дилим япроқлари тўкилиб бўлди  
Гул бўлиб очилган гунчалар эмас  
Новдага санчилган музнинг парчаси

Эй кўҳна Осиё, эй кўҳна қайғу  
Кипригимга осилган тошларнинг юки  
Сенинг йиғинг мени бормоқда эзиб

Абдуҷаббор 1966 йил Қашқадарё вилоятининг  
Ўзгор туманида туғилган. Тошкент Давлат  
дорилфунуни журналистика бўлимини тугаллаган.  
Ҳозир Адабиёт олий илмгоҳи аспиранти. Ҳикоя  
ва шеърлари жумҳурият вақтли нашрларида  
эълон қилинган.





## ҚАНОТСИЗ ПАРВОЗ МУМКИНМИ?

Чиндан ҳам, одамзот қанот ёки бирор бошқа хил учиш қурилмасисиз 30 метр баландликка кўтарилиши мумкинми? Мумкин! Норасмий рекорд саналмиш мазкур натижа ҳинд йогларидан бирига тегишли ва у левитация, яъни ўз биокучлари майдонига таяниб, ер узра парвоз этиш имконияти воситасида кўрсатилган.

Левитация ҳодисаси Россияда илк бор 1837 йилда, Симбирск губернасилик боён Юрлов томонидан кузатилган. Кучли момақалдироқ чоғи унинг саккиз яшар ўғли қўрқувдан ўзини йўқотиб Свияга дарёси (эни 12 саржин, яъни 25,56 метрга тенг) қирғоғига чопиб чиққан ва нариги қирғоққа учиб ўтиб, буталар орасига кириб кетган. Боланинг ортидан дарёни юзиб ўтган хизматкорлар уни бутазордан беҳуш ҳолда топишган.

Беҳуш ҳолатда парвоз этиш қобилияти айниқса болалар ва навниҳол қизларда кўп кузатилади. Бир неча йил муқаддам собиқ Иттифоқнинг марказий газетларидан бирида қуйидаги қизиқ воқеа ҳикоя қилинган эди: бир аёл олти яшар қизчасини уйда қолдириб, устидан эшикни қулфлайди-да, ишга жўнайди. Қиз ёлғиз ўзи зерикадими ё нимадир уни чўчитадими, еттинчи қаватда жойлашган уйнинг деразасини очади... Ҳеч бир зиён-заҳматсиз ишхонасига кириб келган қизини кўриб она ҳушидан кетади.

Аксарият левитацияга қодир ёшлар, хусусан, қизлар ўз уятчанликлари ва одамовиликларига бориб, шунингдек, аския қилиб юборишлари ёки жиннига чиқаришларидан кўрқиб, ўзларидаги бу ноёб иқтидорни ошкор этмайдилар. Бироқ, гоҳ-гоҳ, ўз иродаларига қарши равишда, ёши ўтган кишилар ҳам учиб туришади. Шоҳидлар машҳур медиум (яъни экстрасенс) Дуглас Юмга туйқус оёғи полдан узилиб, шифтга кўтарилгани ва шу асно деразадан учиб чиқиб, пичадан сўнг қайтиб киргани ҳақида айтишганида, у ишонмаган. Бироқ, маълум бўлдики, англиялик медиум бекорга гувоҳларни ёлғончига чиқарган экан. Шундан сўнг Дуглас Юм томошабинлар қошида жуда кўп марта парвоз этган ва ўзининг бу иқтидори билан ғурурланган. 1874 йилда Юм Россияга келган ва бу ерда ҳам ўз санъатини намойиш этган. У билан учрашувлари ҳақида машҳур кимёгар Бутлеров ва шоир Алексей Константинович Толстой ўз хотираларида қайд этишган.

Бироқ, шуниси қизиқ: левитация чоғида вазнсизлик ҳолати қандай қўлга киритилади, гравитация (ернинг тортиш кучи) қандай енгилди? Гувоҳликларга қараганда, бунга одатда дуонинг кучи билан эришилади. Қадимги манбаларда Волхов дарёси узра парвоз этган руҳоний Иоанн Новгородский номи зикр этилган. Москва-река "суви узра чопган" Василий Блаженный ҳақидаги афсоналар ҳануз оғиздан-оғизга кўчиб келади. Дуо билан оғир хасталарни оёққа турғизиб, бунинг натижасида вазнини йўқотиб,

авлиё ота — Серафим Саровский ҳам ҳавода парвоз этган.

Лекин барибир левитация бу бевосита инсон иродаси билан боғлиқ мўъжизадир. Зеро, ҳинд фақирлари ва йоглари ҳамда африкалик афсунгарлар қанотсиз, фақат ўз иродаларига таяниб ҳавога кўтарилишни қадим-қадимлардан билганлар.

"Учар" йогларнинг бултур Гаага шаҳрида бўлиб ўтган биринчилигида голиб ердан атиги 180 сантиметр юқорига кўтарилди. Бироқ шов-шувга ташна Овруро газетчилари эътиборини кўпроқ у эмас, балки бир метр баландликда 4 дақиқача муаллақ тура билган бошқа бир қатнашчи жалб этди. Мазкур ёши анчага борган йог кўп ўтмай оламдан кўз юмди ва мухбирлар у ҳақда ажабтовур тафсилотларни эълон қилишди.

1943 йилда ёш гестапочи Зенгер Парижда Қаршилиқ ҳаракатининг ҳинд миллатига мансуб бир аъзосини қийноққа тутди. Асирни азоблаш жараёнларининг бирида у кутилмаганда оёғи полдан узилиб, шифтга кўтарилди бошлайди. Шу кундан эътиборан жаллоднинг ўз қурбонига муносабати ўзгаради. Асирнинг ғаройиб амалидан лол қолган гестапочи ҳам у каби парвоз этишни истайди. Ҳинди фақат ҳақ ишга хизмат қилганларгина уча олиши мумкинлигини унга кўп уқтиради. Фашистлар ҳиндини отиб ташлашгач, гестапочи Қаршилиқ партизанлари томонга қочиб ўтади ва улар сафида туриб фашистларга қарши жанг қилади. Уруш тугагач эса, ҳалок бўлган ҳинди номини олиб, Тибетдаги сирли ибодатхоналардан бирига жойлашади ва умрининг охирига қадар бу ерда левитацияни ўрганади. Умрининг охирида у ўзи ҳақидаги бор ҳақиқатни мухбирларга айтиб берди. У яна шуни ҳам маълум қилдики, мазкур ибодатхона роҳиблари левитация ёрдамида 300 километр масофани бир ярим кунда бемалол босиб ўта олишар экан.

Тибетлик "учар"ларнинг амали, чамаси, бошқаларга ҳам яхши маълум бўлган. Вилсон исмли инглиз иккинчи жаҳон урушига қадар левитация ёрдамида ерга деярли оёғини теккизмасдан Эверест чўққисини забт этмоққа қарор қилади. Бироқ, кўп ўтмай унинг музлаб қолган жасадини чўққи остонасидан топишади.

Айрим тайёрларисиз левитация ҳодисалари ҳам фожиали ниҳоя топган. Болаларга ҳаддан ташқари қаттиққўллиги билан ном қозонган украиналик бир ўқитувчи аёл қоя узра парвоз этаётиб туйқус левитация ҳолатидан чиққан ва ҳалок бўлган. Маълум бўлишича, кутилмаганда левитация ҳолатига ўтиш ва ундан чиқиш аёлга болалигидан хос экан.

Умуман олганда, илм-фан левитация ҳодисасининг ер тортиш кучини забт этиш асосига қурилган механизмини ҳали мукамал тушунтириб беролмаган ва биз замонамиз олимларидан бу жумбоққа жавоб кутишга ҳақлимиз.





Шарль БОДЛЕР

## ҲАЁТДА БОР ҲАЁТЧА ИМКОН...

"Инсониятнинг умри Бодлернинг бир сатрига арзимади." Япон адиби Рюноске Акутагава айтган, кимнингдир гашига тегадиган, кимнидир ҳайратга соладиган бу баҳога мушарраф зот ким ўзи? Ҳақиқатан ҳам Шарль Бодлерни аксарият шеърхонларимиз учун "кашф этилмаган даҳо" деса бўлади. Шахсан менинг ўзим унинг бирон бир асари ўзбек тилида ҳозиргача нашр этилганига кўзим тушгани йўқ. Ўзини таниган жуда кўп халқлар эса юз йилдан ортиқ вақтдан буён Ш.Бодлер шеърларини ўз тилларига қайта-қайта ўгириб, мунтазам нашр қилиб, гўё тоза ҳавони симиришгандай, ундан завқланиб келишадди. Чунки бу шеърият бутун инсониятга дахлдор сўз дурдоналаридан эканлиги жаҳон бўйлаб аллақачон эътироф этилган.

Шарль Бодлер (1821—1867) ўзининг бор-йўғи 46 йиллик умрида ягона эътиқоди ҳаммиша соф санъаткорликка интилиш эди. Ва шунинг орқасида у бетакрор ва ҳеч қачон сўлиш билмас шеърий мерос қолдирди. Унинг шеърияти жилваси оҳорли, шаклий мукамаллиги, чуқур ва кенг мушоҳадаси, ўта самимийлиги билан французларнинг малик-ул шуаросига, бутун ғарб шеърияти устозларидан бирига айлантирди.

Шубҳасиз, Бодлер шеърияти ўздан олдинги Ғарб адабиёти, қолаверса, жаҳон шеърияти тажрибаларидан баҳраманд бўлиб шу даражада юксакликка кўтарилган эди. Айниқса унинг гўзал сонетлари Дантедан кўп нарса ўрганганлигини кўрсатади.

Аянчлиси, буюк шоир тириклигида ҳеч рўшнолик кўрмади. Жуда оғир, оч-юпун яшашидан ташқари ҳаммиша руҳий камситишлар исканжасида бўлди. Илк китоби ёруғлик кўрибоқ қора рўйхатга ҳам тушди. Айрим шеърлари судга, яъни дорга тортилди. У Франция ҳукумати томонидан ўлимидан 100 йил ўтгандан сўнггина шахс ва шоир сифатида оқланди. Лекин ҳеч қандай таъқибу қатағонлар бу ўзига хос улуғ истеъдоднинг йўлини тўса олмади.

Унинг "Мусибат ранглари", "Кўнгил жаннати", "Менинг яланғоч юрагим", "Насрдаги шеърлар" шеърий китоблари маълум ва марғуб. Бундан ташқари санъат ва санъаткорликка бағишлаб ёзилган чуқур интеллектуал мақолалари ҳам машҳур. Ш.Бодлер атоқли инглиз адиби Эдгар Понинг уч жилд сара асарларини ўз тилига севиб таржима қилган.

Мен минг истиҳола билан шоирнинг бир неча шеърини ўрис тилидан тилимизга ўгиришга уриндим. Бодлернинг она тилига тишим ўлмаганлиги ҳамда тажрибасизлигим сабаб шеърларда йўқотишлар берганимдан хижолатдаман. Аммо ҳарна бу гўзал шеърият билан ошно бўлишга йўл очилар-ку деган ниятда ҳаракат қилдим.

ТАРЖИМОН

### ТАРАЛЛАБЕДОД МАРҲУМ

Чуқур, қора гўримни бузиб, олдингизга ўзим  
чиқаман,  
Сўлоқмондай ёнимда мана, ўрмалайди бир  
ўлаксахўр.  
Шиллиққурт ҳеч тиним билмайди, кўзларимга  
қўлин тикади,  
Шақирлатиб устихонимни, сўрар сўнгги томчи  
қонимни.

Ўйламанг ҳеч, мендан бир таъма, сўрамасман  
чимдим кўз ёши,  
Лаънатлайман хоки-пойимни, қилмайман ҳам  
асло васият.  
Қарғаларни ўзим чақириб, тортадирман аза  
ошини,  
Азал тақдир бурда-бурдалаш, етказиш-ку  
руҳга азият.

О, сиз басир, гамига асир, кўзи юмуқ  
мушукваччалар,  
Тирик-чирик, думбил-донишманд, жонли-  
бежон неча-нечалар,  
Мен-да мурдор, қарангиз бир бор, пойингизда  
шод-хуррам марҳум.

Такрор айтай, мен учун зарра ачинманг ҳам,  
ютманг ҳам зақум.  
Мени қийнанг, фақат аниқланг, ҳаётда бор  
ҳаётча имкон!  
Ўликларнинг ичида ўлик, қазо қилган  
қайсингиз, қачон?

### ТАҲДИДКОР

Кўнгил тўрида, балки гўрида  
Кулча бўлиб олган бир сариқ илон.  
Қалтираб эланасан гоҳ ҳузурида,  
Унинг амри вожиб, фармони фармон.

Тирик назар билан боқ бирон ишда:  
Асли фоҳиша бу, рўйи фаришта,  
Бошда хишиллаган: "шаъни-оримсан".

Зарни дўконидан топмаган заргар,  
Қайралган ханжарчадай тишлари мармар  
Бир кун вишиллайди: "Ҳали ҳам бормисан?"

Шундай бутун умр, чўйкатиб кўмир,  
Ўтини учиради ваҳмалаб дилни.  
Таҳдид қила-қила, олади ҳузур,  
Заҳри қотил Кўлвор илоннинг тили.



## МУШУКЧАМ

Бу ёққа кел, мушукчам, кўксимга чиқиб ол,  
Лек аввал тирноғинг олсанг-чи.  
Ақиқ кўз, гўзал юз — дарди бол,  
Бир лаҳза хаёлга толсанг-чи.

Оҳ, сени суярман, ўйнарман эркалаб, дил яра.  
Момикдай ёндошиб думала.  
Тугмали тугмачам, ҳамиша турасан мўлтираб,  
у в жўра...  
Хурпаймай ухлагин, ҳо алла.

Сен гўё хотиним, ўхшайсиз англашда ботиним,  
Кўнгли ним, кўнгилчан гўргинам,  
Баъзида миннати шиддатли лойқа феъл  
ўргинам.

Мулойим супурги ўзингми?  
Атрофда васваса, талваса, машъум ис анқийди  
заҳардай  
Қўйним бўш саҳарда...

## ХОТИРОТ

Меҳр ичра меҳр, хотира хона  
Шавқим гулдастаси, орзумнинг найи.  
Суюк жоду ёдин тикласанг ёна,  
Жозибали кечган кечки дайдишлар.  
Меҳр ичра меҳр, хотира-она!

Милтиллаган чироқ, зарғалдоқ овлоқ  
Болохона айвони нимпушти тутун.  
Гуринглар қизиган, фикрлар порлоқ  
Қадрдонлар дарди ҳўл-қуруқ ўтин.  
Милтиллаган чироқ, зарғалдоқ овлоқ!

Гўзал қуёш оқшом ботгандай кўнгил,  
Зангор осмон гўё, юрак-жаранглар.  
О, меҳр маликаси, тун бағрида йўл,  
Нафасингда жамдир ёшлигим рангги  
Гўзал қуёш оқшом чўккандай кўнгил.

Чор-атрофда қалин кеча девори,  
Ойдин кўзларингни топаман хушҳол.  
Забт этасан мени ашкимга зорим,  
Оёғинга қўлим йиқилар беҳол.  
Чор-атрофда қалин кеча девори!

Бахтли лаҳзани мен эшлашга уста,  
Сарвим, ёнгинангда ўтмиш ғарами.  
Буюр, нозирдирман тутишга гусса,  
Лим-лим қадаҳингда эркалик ғами?  
Бахтли лаҳзани мен эшлашга уста!

Бу муаттар, мустар, қасам, ўпичлар,  
Қутқарарми бизни таъқиқ жаридан?  
Шаффоф чехранг яна порларми қасд-ла  
Қуёш йиртганида туннинг барини?  
Бу муаттар-мустар, қасам, ўпичлар!

## ЭЖЕН ДЕЛАКРУАНИНГ "ТАССО ЗИНДОНДА" СУРАТИГА

Узун азобингнинг поёни мана,  
Пишиқ панжарали сўлим музхона.

Пойга тугадими... қонли нигоҳинг,  
Ҳолсиз, умидсизсан, бари гуноҳинг.

Шуълали фикрлар карахт, даҳшатли.  
Бақир-чақирларда нидонг қақшайди.  
Иблис болалари тегрангда жирлар,  
Ҳар ёнда изғиган шубҳа қиқирлар.

Бири судраяжак ботқоқ комига,  
Бошқаси суркайди балчиқ номингга  
Босиб-янчиб боқар мусибати Ҳақ.

Бечора, ишқпараст, чоҳи бало нақд.  
Бир уюм ахлатнинг тагида қолдинг,  
Наҳот шу ўзингни англаган ҳолинг?

## ХАСТА ИЛОҲА

О илоҳа! Етимакгина! Юрагингни  
очсанг-чи менга,  
Субҳ ҳам келди, сенга не бўлди, чехранг  
ҳаддан тунд ва зулумот.  
Телба дунё, ваҳшат пойгаси орасида фақат  
биргина,  
Манглайинг муз, дардинг-да бесўз, кўринмайди  
тегрангга ҳаёт.

Баттол руҳлар кишани ёҳу аврашила маккор  
жодугар,  
Оғуланган бинафшадурсан, васвасакор Иблису  
лаъин.  
Сил силласи сардоба саҳар, ерга кирган бечора  
ахтар  
Наҳот селга жимгина чўкдинг, давом этар  
қўғирчоқ ўйин.

Йўқ, йўқ, асло ундай бўлмасин, таратади  
сийнанг ифорлар,  
Нафасингда қилпанглар нозли жуда тоза-тоза  
баҳорлар.  
Куйда куйган қонинг жаранги, жилваланган  
рангин наъранг бу.

Худди сўнгсиз довушни ўпиб, бир оҳорли  
Антик оҳанги.  
Ҳимматли Феб<sup>1</sup> зайтунзор чопиб, бошламоққа  
ҳақингда қўшиқ,  
Ё булутли дала ҳоқони жаноби Пан<sup>2</sup>  
тушидасан ишқ.

## ФАРИШТА

Сиз севинч фариштаси ҳамиша, ҳар он,  
Ғамга ботганмисиз бир лаҳза, бир бор?  
Зардоб ютганмисиз ҳоли паришон,  
Аянч, изтиробда қон қақшаб хор-зор.  
Сиз севинч фариштаси ҳамиша, ҳар он?

Сиз меҳр малойики, гули беозор,  
Қаҳр, қабоҳатга келганмисиз дуч?  
Оғуланган қайноқ кўз ёшга хумор  
Эрта-кечла тинмай илгарилар ўч.  
Сиз меҳр малойики — гули беозор?

1-2. Феб, Пан — қадимги грек ривоятлари  
қаҳрамонлари



Сиз софлик фариштаси, покиза дилдор,  
Ғубор, гардлар аро кунпаякун дун.  
Борми кир-чир шамсга зарра эътибор,  
Сариқ чеҳраларда доғлар сўрар хун.  
Сиз софлик фариштаси, покиза дилдор?

Сиз ҳусн фариштаси, ҳайдаган ажин,  
Қарилик қиличи дарё тагида.  
Зангор, чақноқ кўзлар гирдидаги жин  
Ўйнайди атиргул баргида.  
Сиз ҳусн фариштаси, ҳайдаган ажин?

Сиз иқбол маликаси, бахт малойики,  
Нозик телбаликлар дардларга малҳам.  
Кўп нарса сўрамайман, илинжим шуки  
Шоирни дуо қилинг, етади шу ҳам.  
Сиз иқбол маликаси, бахт малойики?

\*\*\*

Начора: ҳамиша кўнглим ва руҳим  
Ёмғирли кундаги даладай абгор.  
Очилик борасан тобора гулим,  
Устига устама ва яна баҳор.

Хиргойи қиламан, ҳовлиқма тентак:  
Баридан тортувчан киминг кўзлари,  
Баридан покиза қайиси малак,  
Баридан тотимли кимнинг сўзлари?

Фарқсиздир барибир, зулумот фузун  
Ва ёким умидлар тирилган бир кун,  
Олдимга тушасан Аршиаълодан.

Кўзингда хат яна, омон балодан,  
"Мушк-анбар иқрорим; дилимда борим —  
Биби Марямингман дилхаста ёрим."

## КУЙ

Гоҳ-гоҳи, дугоҳми-сегоҳми, руҳ юртин қамрар куй  
О, сўник ситора.  
Азройил булутлар қуйса хун на хушбўй,  
На хушрўй бечора.

Барибир кулфатдан куч олган бу юрак  
Шиширар елканин тийиқсиз.  
Гўр — уммон қутурган, жилпанглар гулдурак,  
Зафар-ла чўкмоқда қайиқча.

Банги ҳис даҳшатлар зарбидан менинг ҳам  
дилимда изтироб,  
Ҳалокат жарининг оғзида енгиллай, бер шароб  
Тўсатдан йўқолар пулсирот.

Ва яна — оина, тубсиз гум кўкида,  
Куйдан сел, куйдан сил руҳият уйқуда  
Ноумид, жам — барбод.

Рус тилидан  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
таржималари.



## ВИДЕОДАН... ГҶММА

Фарғоналик бир аёл кунларнинг бирида видеомагнитофон сотиб олди. Сотиб олишга олди-ю, бироқ сўнг ўйлаб қолди: ҳўш, бу қимматбаҳо буюмни қаерда сақлаган маъқул? Ўғрилари кўзидан пана жой қаер? Ниҳоят, узоқ "изла-ниш"лардан сўнг бундай жой топилди: электр плитанинг дамхонаси! Чиндан ҳам, видеомагнитофондай асл молни сақлаш учун бундан қулай ва ишончлироқ жойни топиш мумкинми? Йўқ, албатта.

Ютуқлардан эсанкираш — инсон табиатига хос. Бу аёл ҳам ўзининг ажойиб кашфиётидан ҳаддан ортиқ руҳланиб кетгани, ё пешонасига шу ёзилган эканми — кунларнинг бирида гўйма пиширмоқчи бўлиб электр ўчоқни ёқди, дамхона яхшилаб қизигач, эшигини очди ва... дуди чиқиб турган видеогўммани чиқариб олди.

## ЭНГ МАҚБУЛ ҚУРОЛ

Калифорния штати (АҚШ) томонидан ашаддий жиноятчи қидирилмоқда. Маълум бўлишича, у қимматбаҳо мўйналар билан савдо қилувчи дўконни "босган". Куппа-кундуз куни, дўкон харидорлар билан гавжум бир пайтда! Дўкон ёпилишдан бир неча дақиқа олдин у эшикдан кириб, полга тирик сичқонни қўйиб юборган. Бор сотувчилар дод-вой қилиб ўзларини ичкарига уришган, харидорлар эса — эшикка. Бундан фойдаланган ўғри эса ими-жиммида ишини битириб, жуфтани ростлаган.

## ТЕНГИ ЙЎҚ ҚАЛЛОБЛИК

О'Генрининг қаҳрамонлари ҳам ўйлаб топишлари маҳол мазкур мислсиз қаллоблик Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилишга арзийди. Вологда ер майдонларини сотиш ширкатларидан бири... Ойдаги ер майдонларини сотиш билан шуғулланган. Нарх жуда арзон бўлган, фақат харидорларга сотиб олган майдонларини дарҳол ўзлаштиришга киришишлари шарт қилиб қўйилган. Ойнинг жами сатҳи жуда қисқа муддат ичида пуллаб бўлинган. Мазкур аломат "олди-берди"нинг изига тегишли идоралар тушганида жами пул гўёки Ойни кўкаламзорлаштириш жамғармасига ўтказилганлиги важ қилиб кўрсатилган. Бу маблағ Ойда илк кўчатлар ўтқазииш учун мўлжалланган, деб айтишган ширкат аъзолари.

## ХАЛОСКОР МУШУК

Полициячи Жорж Килби тунда Лопез шаҳри (Пенсилвания штати, АҚШ) чеккасидаги ўзи назорат қилувчи майдонни айланиб чиқмоқчи бўлди. Бир ёнда — дарё, иккинчи ёнда — ахлат уюмлари, шароит, албатта, ҳавас қилгули эмас эди.


Айни ахлат уюмларини оралаб ўтаётганида Килбининг улови бузилиб қолди ва у машинадан тушди. Оёғи ерга тегиб улгурмасидан тун сукунатини бузиб: "Қимирлама! Қўлингни бошинга қўй!", деган овоз янгради. Килби чаккасига нимадир тиралганини сезди, кимсанинг пўписасидан бу "нимадир" тўппонча эканини аниглаш қийин эмасди. Шу лаҳза ҳавода нимадир лип этди ва... тўппонча полициячининг оёғи остига келиб тушди, босқинчи эса оёғини қўлига олиб қочиб қолди. Килби дарҳол ёнидан қуролини чиқарди ва биринчи ўқ узишдаёқ қочқинини ярадор қилди. Кейин маълум бўлдики, унинг "тўппончаси" бўлка ноннинг юмшоқ еридан жуда усталик билан ясалган экан; ахлат уюмлари орасида юрган оч мушук буни сезган ва жонҳайбатда "ўлжа"га ўзини отган.

## ИЛОН ОҒЗИДАН ҚАЙТДИ

Сидней яқинидаги кўрғонча аҳолисини ярим тунда янграган ёш бола чинқириги уйғотиб юборди. Барча қатори овоздан чўчиб уйғонган аёл ёнида ўғлининг йўқлигини, бир неча қадам нарида уни баҳайбат питон ямлашга уринаётганини кўрди. Кўрдию ўзини йўқотмай, фарёд солиб илонга ташланди ва амаллаб ўғлини илон оғзидан тортиб олишга муваффақ бўлди. Онанинг бахтига, бола фақат енгил жароҳатланди, холос.

Ш.АЗИМОВ тайёрлади.





## ИБИ, "ЁШЛИК" МИ?

Ассалому алайкум!

Хўш, сўзни нимадан бошлай?

Қизиқ, нимадан бошлашимни ҳам, билмайман. Ҳай майли. Муқованинг тўртинчи бетига бир қаранг. Қоматни қаранг, қоматни. Сураткаш ҳам боплабди-да. Шу расмини Тереза бир кўрсайди. Бир хурсанд бўлайди, бир хурсанд бўлайди. Эй, бу "Ёшлик" ҳам Россияга борармикан. Эй... Ҳаммасига ўша ака Шарифим айбдор-да. Ҳозир Тереза иккимиз маза қилиб юрайдик.

— Сен Маъруф қулоққа киргин-да, ундайчикин қилмагин, — дедилар, — уни қишлоққа олиб келсанг одамлар нима дейди?! Сибирдан бирисини топиб келибди, иштон кийдирибам одам қилолмади, деб шарманда қиладилар.

Ман айтдим келин қилиб тарбиялаймиз деб.

— Эй, қандайчикин келин. Уни келинсаломга ҳам олиб кириб бўлмайди. Келин-а. Ўзида инсоф бўлмаса, ҳеч қандайчикини тарбиялаб бўлмайди. Қўй ундан кўраси, мана ҳамсоянинг қизи Бўригулни олиб бераман. Бири ўзини кўриб маза қиласан, бири-тишига қараб маза қиласан. Ана шундан буён юрибмиз. Бир томондан Маъриф, бир томондан Мўтти, бир томондан Тилло бола бўлиб. Э, ҳаммасига Исамат Эргашев ва Шароф Бошбеков айбдор-да. Маърифни яхши уддаладинг, энди бир Тилло бола бўл дейишди. Кўрганларга савол бермоқчиман: қалай, уддалабманми? Нима, мошин ёқди, дейсизми? Ҳа, ўзиям зўр мошин-да. Экинларни яхши ўсишига ёрдам беради. Мошин зўр экан. Тиллоқиз билан ҳам танишиб олдим. Буёғи роҳатижон-да.

Яна Мўтти ҳам бўлиб юрибмиз. Соқи — шоир, Эргаш Каримовнинг даврида шеърлардан ёзди. Соқи шоир ўзини мактагани билан тузук шеър ёзиб билмайди. Манга етишига ҳали анча бор. Шунга айтадиларда, шогирд устоздан ўтиши керак, деб. Мана, яна бир шеър ёздим:

*Ман ўзим полвон йиғит,  
Қоғозни тар-тар ирттаман.  
Йуладан ўтиб кетган  
Улган пишакдан қўрқаман.*

Қалай, зўрми? Буни ўқиган полвон қўрқоқ, қўрқоқ эса полвон бўлади-да.

Яқинда эса театр очдик. Эшитгандирсиз? Номини эса "Мўтти" қўйдик. Ҳа энди Мўтти, мўтти бўлиб юрийдими, МўТТИ бўлсин-да. Шу театрда ишлаёпмиз. Эрталабдан кечгача ўзимга ўхшаш артист — бачалар билан бирга янги

программ устида ижод қилопмиз. Шогирдлар ҳам пайдо бўлган. Бирини оти Пўтти. Ким билади бу нобоп бир кун келиб, Мўттибой устоз, устозингиз Соқидан ўзиб кетган эдингиз, ўзингизнинг ҳам бошингизга шу аҳвол тушди. Энди Соқиям йўқ, Мўтти ҳам йўқ, Пўтти бор деса-я. Ҳа, майли, нима деймиз, тақдир-да. Бачалар билан ишлаш яхши. Уйга боргинг ҳам келмайди. Уйга бордингма, тамом. Қандайчикиндир қизчалар телефон қилиб, Шерали ака бормилар деб сўрайверадилар. Нобоплар отимни ҳам билиб олишган. Мени фақат Мўтти дейдилар десам, йўқ, бинойидек ака Шерали, яхши юрибсизми, деб сўрайдилар. Сўрасалар майли, ўз ҳақингизда гапириб беринг, деб ҳоли жонимга қўймадилар. Йўқ десанг хафа бўлади. Майли десанг, тамом. Қўйиб берсанг эрталабгача гапирди. Эй, бир кун уйга келинлар, ҳамасини обдон гапириб берай, дедим.

Тўғри, агар янгалари бошқача тушуниб, эшикни очмасдан сочларини битталаб юлмаса-да. Иби, иби, бир фараз қилинг-а. Ҳай майли. Шу "Ёшлик" орқали бир ўзим ҳақимда гапирай-чи. Зора телефоннинг товуши ўчса.

Ўзим 1969 йил туғилганман.

Тошкентга келдим Маданият институтида ўқидим. Уйландим. Ҳозир икки бачанинг отасиман. Шу Наманганда "Қизиқчи-92" конкурсига ғолиб чиқдим ҳаётим бутунлай ўзгарди. Иби, тасаввур қилинг. Ҳар куни гастрол. Бир кун Қашқадарёга, бир кун Андижонга, бир кун Қорақалпоқ қардошларга. Эй, бутун Ўзбекистонни айландим-а.

Энди, театримизда янги репертуар устида иш юритопмиз. Қандойчикин чиқар экан, буниси Сизнинг ҳукмингизга ҳавола.

Ўзим ҳам "Ёшлик"ни яхши кўраман. Шундай кўрдимми, иби, "Ёшлик"ми деб шартга оламан. Иби, ҳай яхши-да ўзиям. Бир ҳикоялар чиқади, бир чиқади. Маза қиламан-да. Шу охириги пайт ҳажвия қамайган. Шу ҳажвиячиларимиз қамайганим ё бори ҳам ёзмайтими? Тилагим, шу ёзмаётими, латифалар беринглар. Афандиданми, ё тундранинг чукчасино, қардош Алдаркўсаданми. Штирлиц, Чапаев ҳақида латифалар босилса ҳам бир маза қиламан-бир маза қиламан, оҳи, зўр-да ўзиям.

Ҳа, майли.

"Ёшлик" ҳамиша ёшлар каби табассумга, билимга ошно бўлсин.

"Ёшлик"хонлар эса доимо соғ бўлсин.

Хурмат билан Мўтти, э Маъриф, э Тилло бола, эй кечирасиз, отимни ҳам ёддан чиқараёзибман. Ҳай майли, Шерали Ҳожиев.



